

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МАРКЕТИНГ КАФЕДРАСИ

Р. Нормаматов, Б.Э. Хожикулов

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Маърузалар курси

Олий таълимнинг 5111000 «Касб таълими», 5230100 «Иқтисодиёт (хизматлар соҳалари бўйича)», 5230200 «Менежмент (туризм)», 5230400 «Маркетинг (туризм)», 5230600 «Молия», 5230700 «Банк иши», 5230900 «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)», 5610100 «Хизматлар соҳаси (аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш)», 5610200 «Мехмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», 5610300 «Туризм (фаолият турлари бўйича)» бакалавриат йўналишлари талабалари учун

Р. Нормаматов, Б.Э. Хожикулов. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш. Маърузалар курси. Тўлдирилган қайта наشري.

Олий таълимнинг 5111000 «Касб таълими», 5230100 «Иқтисодиёт (хизматлар соҳалари бўйича)», 5230200 «Менежмент (туризм)», 5230400 «Маркетинг (туризм)», 5230600 «Молия», 5230700 «Банк иши», 5230900 «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)», 5610100 «Хизматлар соҳаси (аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш)», 5610200 «Мехмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», 5610300 «Туризм (фаолият турлари бўйича)» бакалавриат йўналишлари талабалари учун.

Такризчилар: доц. Каримов М.К., доц. Ахмеджанова Ф.А.

Ушбу маърузалар курси Маркетинг кафедрасининг 2012 йил «___» _____даги мажлисида (баённома №___) муҳокама қилинган ва институт илмий ўқув-услубий кенгашининг 2012 йил «___» _____ №___-сонли баённомаси қарори билан чоп қилишга рухсат этилган.

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	4
Мавзу 1	«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилинишидаги шарт-шароитлар ва ундаги асосий атамалар мазмуни.....	5
Мавзу 2	Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Республика Федерациясининг ташкилий тузилиши ва вазифалари.....	10
Мавзу 3	Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари. Товар тўғрисида маълумот.....	14
Мавзу 4	Истеъмолчиларнинг товарлар тўғрисида нотўғри маълумот берилганда ва товар (иш, хизмат) нинг хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи.....	24
Мавзу 5	Нуқсонли товар сотилганда ва ишни бажариш, хизмат кўрсатишдаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари.....	29
Мавзу 6	Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.....	38
Мавзу 7	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти.....	46
Мавзу 8	«Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти.....	52
Мавзу 9	«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти.....	62
Мавзу 10	Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонунининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли.....	67
Мавзу 11	«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти.....	71
Мавзу 12	«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги ва «Дори воситалари ва фармоцевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти.....	76
Мавзу 13	«Давлат санитария назорати тўғрисида»ги ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти.....	79
Мавзу 14	Хизматлар соҳасида қабул қилинган қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти.....	87
Мавзу 15	Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.....	90
	ИЛОВА.....	97
	Фойдаланилган адабиётлар.....	208

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996 йил 26 апрел) қонуни амал қилмоқда. Ушбу қонунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари белгилаб қўйилган.

Биз барчамиз истеъмолчимиз. Кундалик турмушда савдо дўконига кирганимизда ҳам, жамоат транспортига чиқганимизда ҳам, ошхонага ҳўранда сифатида ташриф буюрганимизда ҳам, умуман товар сотиб олганимизда, ишлар, хизматлардан фойдаланганимизда ҳам истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланамиз.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамма истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Шу қарорнинг 7-бандида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг барча таълим муассасалари дастурига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курс киритилиши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу курсни ўрганиш натижасида талабалар «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмуни, аҳамияти ва шу қонунни тўлдирадиган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа қонунлар бўйича ҳам маълум билимларга эга бўладилар.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари курси ҳам бошқа фанлар билан алоқадорликда ўрганилади.

Мавзу 1. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилинишидаги шарт-шароитлар ва ундаги асосий атамалар мазмуни

Режа:

1. Республикамизда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниш шарт-шароитлари ва унинг мазмуни.
2. Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида қўлланилган асосий атамалар ва уларнинг мазмуни.

1. Республикамизда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниш шарт-шароитлари ва унинг мазмуни

Биз барчамиз истеъмолчимиз. Ҳар биримиз кундалик турмушда савдо дўконига кирганимизда ҳам, жамоатчилик транспортига чиқганимизда ҳам, ошхонага ҳўранда сифатида ташриф буюрганимизда ҳам, умуман товарлар сотиб олганимизда, ишлар, хизматлардан фойдаланганимизда ҳам истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланамиз. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг устиворлиги эса асосий Қонунимиз – Конституцияда ўз мужассамини топган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабр куни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Асосий қонун сифатида мамлакатимиз қонунчилик фаолиятини ривожлантиришга ва бу соҳада эркин ижод қилишга шароит яратиб берди. Уни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа ҳамма қонунларнинг, шу жумладан, махсус Қонунлар тизимини ташкил этувчи Кодексларнинг юридик манбаи, пойдевори десак муболаға бўлмайди.

Ана шу бош Қонунимизда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари эркинлик ва бурчларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Конституциянинг 18 моддасида қуйидагича ёзилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдир». Бош Қомусимизнинг VII бобида «Шахсий эркинлик ва ҳуқуқ» бўйича моддалар, XIII бобида «Сиёсий ҳуқуқ» бўйича моддалар, IX бобида «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» бўйича моддалар, X бобида эса «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари» бўйича бир неча моддалар келтирилади. Фикримизнинг далили сифатида 30-модданинг мазмунини келтирамиз. Бу моддада шундай фикрлар берилган: «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар,

қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим». Айнан шу моддага биноан ҳар бир фуқаронинг истеъмолчи сифатида ҳам ҳуқуқлари кафолатланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор Қонунлар тизими мавжуд. Ана шундай Қонунларнинг энг асосийларидан бири 1996 йил 26 апрел куни қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади. Бу Қонуннинг қабул қилинишига асосий заруриятни қуйидагиларда деб билиш мумкин:

1. Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун фақатгина давлат ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятигина етарли эмас. Бунинг учун фуқаролар ўзларининг Конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини танишлари, фуқаролик бурчларини билишлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиши ва уларни ҳимоялаш кўникмаларига эга бўлишлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролар Конституция ва Қонунларга амал қилиб яшашни ҳаёт тарзига айлантиришлари лозим.

2. Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бозорларимиз давлат тасарруфида бўлмаган корхоналар томонидан «арзон бўлса бас» қабилида иш тутиб келтирила бошланди. Кўпчилик ҳолларда магазинларда сотилаётган товарлар қалбакилаштирилади.

3. Учинчидан, бозорда муваффақиятга эришиш гарови, юксак технология асосида юқори сифатли халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, халқаро алоқаларни ривожлантириш ва меъёрий ҳужжатларнинг жаҳон андозаларига мос келишини таъминлаш талаб этилади. Айнан шу тамойиллар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор Қонунларни ишлаб чиқишга туртки бўлди.

2. Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда қўлланилган асосий атамалар ва уларнинг мазмуни

Маълумки, ҳар қандай қонунда муайян ўзига хос атамалар, иборалар мавжуд бўлади. Кўп ҳолларда турмушда ушбу иборалар ва атамалар турли мазмун касб этиши ва турлича маънода талқин этилиши мумкин. Бу эса қонунлар мазмунини тўғри англаб етиш ва уларни ижро этишга халақит беради. Худди шу сабабли «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1 – моддасида ушбу қонунда қўлланилган асосий тушунчаларга таъриф берилади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1 – моддасида истеъмолчи тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: истеъмолчи – фойда чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс) ҳисобланади. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, фақатгина жисмоний шахс истеъмолчи бўлиши мумкин. Фуқаролик кодекси

16-моддасига асосан жисмоний шахс деганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқарорлари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Жисмоний шахс ҳуқуқ субъекти сифатида қандай белгиларга эга бўлиши керак, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, фуқаро муайян мажбурият муносабатларида қатнашиш, йирик суммаларда битимлар тузиш учун муомала лаёқатига эга бўлиши керак. Бироқ, истеъмолчи мақомини олиш учун ҳеч қандай муомала лаёқати талаб этилмайди. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши кифоя. Фуқаролик кодексининг 17-моддасига асосан, фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Бу ўринда шуни ҳам эътироф этиш лозимки, жисмоний шахснигина истеъмолчи сифатида тан олиш замирида чуқур маъно ётади. Ҳар қандай жисмоний шахс энг аввало, биологик мавжудот, у яшаши, ҳаёт кечириши учун озиқ – овқат, қийим – бош, тураржой ва шу кабиларни истеъмол қилиши ва улардан фойдаланиши шарт. Унинг бу эҳтиёжлари фақат кишилиқ жамиятида қондирилиши мумкин.

Айни вақтда инсон социал мавжудот ҳам, у шахс сифатида жамиятда, фуқаро сифатида давлатда ҳаракат қилиш учун муайян ижтимоий хизматларга, товарларга, билим ва ахборотлар олишга, транспорт, коммуникация воситаларидан фойдаланиш ва шу кабиларга эҳтиёж сезади.

Жисмоний шахснинг биологик ва социал мавжудот сифатидаги эҳтиёжлари бу эҳтиёжларни қондириш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбунни қондирмай туриб, баркамол инсонни, шахсни, фуқарони шакллантириб бўлмайди. Шу сабабли ҳам инсоннинг моддий, маиший ва бошқа эҳтиёжларини қондириш – бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Аслини олганда, жамиятдаги барча ижтимоий институтлар, иқтисодий тузилмалар инсон мавжудлиги учун бор ва унга хизмат қилади. Инсоннинг моддий, маиший, маънавий эҳтиёжларини қондиришдан инсон ҳам, жамият ҳам тенг даражада манфаатдордир. Айни пайтда бу эҳтиёжларни қондириш шунчаки оддий, жўн жараён эмас. Агар таракқиётнинг тарихий босқичларида ривожланмаган натурал хўжалиқ устуворлик қилган даврларда инсон ўз эҳтиёжларини асосан ўзи қондирган бўлса, бугунги кунда у бунга қодир эмас. Чунки, биринчидан, инсон эҳтиёжлари доираси кенгайди, иккинчидан, ҳар қандай товар, иш, хизмат уни тайёрловчи ёки амалга оширувчидан махсус малака ва билим талаб этади. Энг асосийси шундан иборатки, инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун ҳар куни ўнлаб товар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар билан ҳуқуқий муносабатларга киришади. Бу ҳуқуқий муносабатларнинг пировард мақсади инсоннинг моддий, маънавий ва маиший эҳтиёжларини тўла ва самарали қондириш ҳисобланади. Демак, бундай ҳолатда, товарлар, ишлар, хизматлардан бевосита ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланадиган шахс алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиши лозим. Қонунда истеъмолчи ҳуқуқий мақоми шахсий истеъмол ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқарога берилиши белгилаб қўйилган. Агар фуқаро тадбиркорлик мақсадида (қайта сотиш мақсадида) товар сотиб олса, у

истеъмолчи ҳисобланмайди. Товар шахсий истеъмол мақсадида эмас, балки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда (масалан, шахсий томорқасида фойдаланиш учун) сотиб олинган ҳолларда ҳам унга истеъмолчи мақоми берилди. Шу сабабли ҳам якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган фуқаро истеъмолчи бўлмайди, дейиш нотўғри ҳисобланади. Якка тадбиркор шахсан истеъмол қилиш учун товарлар сотиб олган, иш ва хизматлардан фойдаланган ҳолда, у истеъмолчи ҳисобланади. Айнан вақтда шундай ҳуқуқий муносабатлар борки, бундай муносабатларда иштирок этган жисмоний шахс (якка тадбиркор) истеъмолчи мақомини ола олмайди. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси, контрактация шартномаси, корхонани ижарага олиш шартномаси, франшизинг (комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси) шартномаси ва шу кабилар. Ушбу шартномалар ўз моҳиятига кўра тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тузиладиган шартномалардир.

ФК 425-моддасининг 1-қисмида ҳам истеъмолчи тушунчаси мазмунини очиқ берувчи белгилар мужассамлашган. Унга кўра фуқаро чакана олди-сотди шартномаси орқали шахсий мақсадлар, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда товар сотиб олганда ҳам истеъмолчи ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи – истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

Ижрочи – маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

Сотувчи – олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

Шартнома – товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;

Товар – ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан импорт маҳсулоти;

Норматив ҳужжатлар – стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармокопеяси ҳамда муваққат фармокопея қоидалари ва бошқалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига оловчи бошқа ҳужжатлар;

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги – товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги;

Мувофиқлик сертификати – сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Товар (иш, хизмат)нинг нуқсони – товар (иш, хизмат) ва норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товарлар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номуофиқлиги;

Товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони – товар (иш, хизмат)дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қилинадиган камчилик;

Кафолат муддати – товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, неча иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к.) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;

Хизмат муддати – товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхталиши лозим;

Яроқлилиқ (сақлаш) муддати – муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин;

Касса чеки – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса апаратининг номери кўрсатилган ҳужжат;

Товар чеки – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.

Таянч иборалар: истеъмолчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шартнома, товар, норматив ҳужжат, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товар (иш, хизмат)нинг нуқсони, кафолат муддати, хизмат муддати, яроқлилиқ (сақлаш) муддати, касса чеки, товар чеки.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Республикамизда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?
2. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишига асосий зарурият нима эди?
3. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
4. «Истеъмолчи»нинг таърифини беринг.
5. Қонунда келтирилган асосий атамаларни тушунтириб беринг.

Мавзу 2. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Республика Федерациясининг ташкилий тузилиши ва вазифалари

Режа:

1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Республика федерациясининг ташкилий тузилиши.
2. Федерациянинг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва ҳуқуқлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти ва бу қарордан келиб чиқадиган вазифалар

1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Республика федерациясининг ташкилий тузилиши

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилингандан сўнгра Республикада Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этилди ва унинг Устави федерациянинг навбатдан ташқари 2003 йил 17 январдаги Конференциясида қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан тасдиқланди.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Ўзбекистон Республикасидаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган, ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат, нотижорат ташкилотидир.

Федерациянинг ташкилий тузилмаси. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туман ва шаҳар жамиятлари, шунингдек жамиятларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бирлашмалари Федерация иштирокчилари ҳисобланадилар.

Федерация мақсадларини қўллаб-қувватловчи бошқа ташкилотлар ҳам федерация қатнашчилари сифатида унинг таркибига киришлари мумкин. Улар билан муносабатлар қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома асосида ўрнатилади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туман ва шаҳар жамиятларининг тузилмаси асоси бўлиб маҳаллалар, уй-жой мулкдорлари, бозорлар, корхона ва ташкилотларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган таянч гуруҳлари ҳисобланади. Таянч гуруҳи уч кишидан кам бўлмаган ҳолда тузилади.

2. Федерациянинг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва ҳуқуқлари

Федерациянинг вазифалари куйидагилардан иборат:

– аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш;

- истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- ички бозорда сотилаётган истеъмол товар (иш, хизмат)ларнинг сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш бўйича мониторингларини ўтказиш;

- аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш;

- истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар билан биргаликда иш олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Федерациянинг фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Республикада истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган барча қонун, қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлаш учун бошқарув органларига яқиндан кўмаклашиш;

- қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича турли семинарлар, ўқув марказларини ташкил этиш, суҳбат ва учрашувлар ўтказиш, аҳоли ўртасида турли оммавий тадбирлар уюштириш;

- аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа манфаатларини ҳимоялашга доир тадбир ва таклифларни ишлаб чиқиш, давлат, бошқарув ва назорат органларига мурожат этиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишда бевосита иштирок этиш;

- семинарлар, симпозиумлар, конференциялар уюштириш;

- халқаро мутахассис ва экспертлар иштирокида турли хил лойиҳа ва дастурлар яратиш;

- товар ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочи, хизмат (иш) кўрсатиувчилар томонидан истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, ҳуқуқлар бузулганда ваколатли давлат, бошқарув, назорат ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, судларга мурожаат этиб, етказилган моддий ва маънавий зарарни айбдорлар томонидан тўла қоплашга эришиш;

- маҳсулотлар, турли хизматларнинг сифати ва сертификация даражаси бўйича аҳолини ва манфаатдор ташкилотларни мунтазам хабардор қилиш;

- истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир статистик ва бошқа турдаги ахборотларни йиғиш ҳамда таҳлил этиш тизимини шакллантириш;

- норматив ҳужжатлар, товар (иш, хизмат)лар сертификацияси ва экспертиза хулосалари билан аҳолини мунтазам равишда таништириб бориш;

- нотўғри рекламалардан аҳолини огоҳлантириш ҳамда уларни ҳимоя қилиш;

- маҳсулот ва хизмат турлари, сифати, уларнинг хавфсизлини таъминлаш учун федерация ва унинг тузилмалари таркибида мустақил, турғун ва кўчма экспертизаларни ташкил этиш;

- аҳолининг ҳаёти, соғлиги, мол-мулки ва атроф-муҳитга хавф туғдирувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишни тақиқлашга эришиш;

– истеъмолчиларнинг ҳукуқий билимларини ошириш мақсадида хабарномалар, варақалар, плакатлар, ўқув воситалари, оммабоп китоблар чиқариш;

– аҳоли ўртасида турли усуллар, жумладан анкеталар тарқатиш орқали сўровлар ўтказиш;

– халқаро жамоат ташкилотлари, жамғармалари ва уюшмалари билан тажриба алмашиш, ҳамкорлик қилиш, улар билан шартнома ва битимлар тузиш. Шунингдек, истеъмолчиларнинг халқаро ҳаракатида иштирок этиш;

– юридик маслаҳат марказлари ва клиникалар таъсис этиш;

– жисмоний ва юридик шахсларга маслаҳат ва ахборотлар бериш;

– суд ишларида даъвогар сифатида қатнашиш ва ҳоказо.

Федерациянинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

– истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жамоат назоратини амалга ошириш;

– истеъмолчилар манфаати юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат қилиш ва таклифлар киритиш;

– ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

– истеъмолчилар ҳуқуқига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқаришда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиш;

– истеъмолчилар манфаатида уй-жой қурилиш, лойиҳа-конструкторлик, баҳолаш ва яқка тартибдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

– истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғибот қилиш мақсадида мониторинглар, ижтимоий сўровлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

– ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

– оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини ошириш;

– ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

– мулкӣ ҳуқуққа эгалик қилиш, ўз мол-мулкни сотиш, алмаштириш, сотиб олиш, балансига олиш ва чиқариш ҳамда ижарага бериш;

– Федерация қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти ва бу қарордан келиб чиқадиган вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган №414 «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Қарори истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда катта аҳамият касб этди. Хусусан бу қарор бўйича қуйидагилар кўзда тутилади:

1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ташкил этилганлиги эътироф этилди ва аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш вазифаси юклатилди.

2. Шу қарор асосида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилишига рухсат этилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этилишига рухсат этилди.

Бу қарорда белгиланиши бўйича истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан солинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказиладиган жарималарнинг 50 фоизи, шунингдек халқаро ташкилотларнинг, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади.

4. Мазкур қарор бўйича Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига хўжалик юритувчи субъектларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қуйидаги 2 ҳолатда қўпол равишда бузганда олдиндан ёзма кўрсатма бермасдан жарима солишларига рухсат этилди:

1-ҳолат. Истеъмолчига товар қиймати кўрсатилган, товарнинг харид қилинганлигини ёки ишларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи касса, товар чеклари ва бошқа ҳужжатларни бермасдан товарлар сотилган ёки хизматлар кўрсатилган ҳолларда.

2-ҳолат. Яроқлилик муддати кўсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган товар қабул қилинган ёхуд сотилганда.

5. Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўздавстандарт агентлигига бу жамиятга ёрдам кўрсатиш борасида кўрсатмалар берилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш билан биргаликда 2003/2004 ўқув йилидан бошлаб белгиланган тартибда республиканинг барча таълим муассасалари дастурларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун

хужжатларини ўрганиш бўйича махсус курслари киритиш таклифи берилди ва ҳоказолар.

Таянч иборалар: Республика федерацияси, вилоят бирлашмалари, таянч гуруҳ, истеъмол маданияти, экспертиза, экспертиза хулосаси, меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Республика федерацияси қачон ташкил этилди?
2. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Республика федерациясининг ташкилий тузилмасини тушунтириб беринг.
3. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Республика федерациясининг асосий вазифалари нималар?
4. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Республика федерациясининг асосий ҳуқуқлари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг аҳамиятини тушунтириб беринг.
6. Вилоятлар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмасининг мақсади ва асосий вазифаларини тушунтириб беринг.

Мавзу 3. Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари. Товар тўғрисида маълумот

Режа:

1. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун бўйича истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари.
2. Истеъмолчининг товар (иш, хизмат)лар тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқи.

1. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун бўйича истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари

Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари мазкур қонуннинг 4-моддасида ўз аксини топгандир. Бу моддада келтирилишича истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;
2. Товар (иш, хизмат) ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;
3. Товар (иш, хизмат) нинг хавфсиз бўлиши;
4. Ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний

ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

5. Бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

6. Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Қонунда айтиб ўтилганидек истеъмолчиларнинг асосий ва муҳим ҳуқуқларидан бири бу ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот олиш ҳуқуқидир. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумот муҳим аҳамият касб этади, чунки у товар, иш ва хизматни эркин танлаш тамойилидан келиб чиқади (бу ҳақда батафсил қонуннинг 5, 6-моддаларига берилган шарҳларга қаралсин). Аммо ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар, истеъмолчиларга керакли товарни объектив танлаш имкониятини берувчи тўлиқ, ҳаққоний маълумотни, одатда, бермайдилар. Зеро, бундай маълумотнинг истеъмолчига берилиши уларнинг «манфаатлари (одатда, ноқонуний манфаатлари)га» путур етишига олиб келиши мумкин. Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлмиш юқорида изоҳ этилган истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра, истеъмолчиларнинг янги бошқа ҳуқуқини юзага келтиради. Бу ҳуқуқ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаси ҳақида билим олишга бўлган ҳуқуқидир.

Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқларидан яна бири бу товар (иш, хизмат)ни эркин танлашга бўлган ҳуқуқидир. Истеъмолчи ўзига керак бўлган товарни сотиб олиши ҳамда иш, хизматга буюртма бериши мумкин. У ўз хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, ҳеч кимнинг мажбурлови, ундовисиз ўзининг эҳтиёжлари учун мақбул ва керакли бўлган товар (иш, хизмат)ни ўзи хоҳлаган савдо ёки хизмат кўрсатиш корхонасидан эркин танлаган ҳолда сотиб олиш, буюртма бериш ёки унинг натижасидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Қонунда нормаланган истеъмолчининг асосий ва муҳим ҳуқуқларидан бири, бу ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар томонидан истеъмолчиларга тақдим этилаётган товар (иш ва хизмат)лар натижаларини тегишли даражада сифатли бўлишига бўлган ҳуқуқидир. Қонунда истеъмолчининг товар (иш, хизмат) сифатини текшириш ҳуқуқи ўз аксини топган (Қонуннинг 8-моддаси, 5-қисми). Товар (иш, хизмат)нинг тегишли даражада сифатли бўлишига нисбатан талаблар биринчи галда ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)га қаратилгандир. Шу ўринда «сифат» деган иборани талқин этиб ўтиш жоиз. Кўплаб олимлар унга турлича таъриф беришган. Жумладан, Аристотель фикрича, «сифат шундай мавжуд турга хос аломатки, у бир мавжудликни, унинг турига хослигини бошқа мавжудликдан, худди шу турга кирувчидан ажратади», яъни «нарсаларни таққослаб баҳолашга оид хусусиятдир». Гегель эса, «шундай нарсалар борки, ўзининг сифатига қараб борлигини тасдиқлайди», деб таъкидлайди. Бундан тўрт аср илгари инглиз географи ва

тарихчи олими Р. Гаклют экспортёрларга қарата: «...сизнинг маҳсулотларингиз сифати ишончилиги, бошиданок сизнинг маҳсулотингизга нисбатан ишонч уйғотади, аммо ўз вақти билан сохта ва ёлғон маҳсулотлар бу ишончни йўқотиб, сизга сизнинг маҳсулотларингизга нафрат ҳамда обрўсизланишни унутманг» деб тувсия этганди. Сифатни: «Сифат – муҳим белги, хусусият бўлиб бир предметни иккинчи предметдан ажратиш имконини яратади»; «сифатлилик – сифати яхши, эҳтиёжларни қондирувчи» деб шархлаш мумкин. Товар (иш, хизмат) сифати – тадбиркорлик фаолияти фойдалилигини белгиловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Демак, сифат бу – биринчи галда фарқ, иккинчи галда ишонч, учинчи галда баҳо, тўртинчи галда обрўни белгилайди.

Сифат жиҳатидан талабга жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)ларни қабул қилиш ёки қилмаслик борасида истеъмолчига кенг ҳуқуқлар берилади. Бундай қонданинг назарда тутилиши, аввало, истеъмолчи сифатида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Товарнинг сифатлилигини қуйидаги жиҳатлар билан белгилаш мумкин:

1. Сифатнинг олий даражаси (фойдаланиш учун яроқлилик, эҳтиёжни тўла қаноатлантириш хусусияти).

2. Узоқ муддатлилиги (чидамлилиги).

3. Ташқи кўриниши, шаклининг чиройлилиги, жозибадорлиги.

4. Алмашувчанлиги.

5. Фойдаланишга қулайлилиги, техник хизмат кўрсатишнинг ва таъмирлаш (тузатиш)нинг енгиллиги.

6. Монтаж қилиш (йиғиш)нинг енгиллиги ва эксплуатация (ишлатиш)да қулайлиги.

7. Хавфсизлик кўрсаткичи.

8. Юзага келадиган (қўшимча юкланишга чидамлилиги)(перегрузок) ни аниқлаш даражаси.

9. Хизмат кўрсатишнинг кафолатланганлиги, бошқа параметр (жиҳат)лари.

Демак, сифатли товар топшириш мажбуриятини олган ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига юқорида санаб ўтилган талабларни ўзида акс эттирган товарни топшириши керак бўлади.

Сифатни маҳсулотнинг унга қўйиладиган талабларга жавоб бериш даражасига мос келишига қараб тушуниш мумкин. Яъни: биринчидан, сифат ҳар бир маҳсулотнинг кўпгина хусусиятларига боғлиқ;

иккинчидан, агарда истеъмолчи маҳсулотнинг хусусиятларини уларнинг аҳамиятига қараб гуруҳлаш имкониятига эга бўлса, сифат рақамлар билан ифодаланиши мумкин;

учинчидан, сифат – бу ўлчанадиган қиймат, демак, маҳсулотнинг унга қўйиладиган талабларга жавоб бермаслигини, унда воқеъ бўладиган маълум бир қийматга қараб, кўп ҳолларда унинг нархига қараб аниқлаш мумкин бўлади.

Махсулотнинг сифатлилигини, яъни сифати лозим даражадалигини белгиловчи яна бир жиҳат – бу унинг ишончилигидир. «Ишончилилик» - махсулотни белгиланган вақт давомида, алоҳида шароитларда қўйилган талабларга мос келувчи функцияни (фаолиятни) бажара олишидир». Ишончилиликни сифатнинг маълум даражада таъминлаш усули, дейиш мумкин. Ишончилилик товар сифати билан ўрнатилади. Шунинг учун ҳам сифатни ҳуқуқий жиҳатдан ифодалаш талаб этиларкан, ишончилилик тушунчаси таркибига – тузатиш (таъмир)га лойиқчилилик, узоқ муддатлилилик ва сақланувчанликни киритиш мумкин.

Истеъмолчиларнинг яна бир муҳим ҳуқуқларидан бири бу товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқидир. Товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги деганда, аввало ушбу товар (иш, хизмат)дан фойдаланиш натижасида истеъмолчига ҳеч қандай зарар (моддий зиён, маънавий зарар) етмаслиги кераклиги тушунилади. Бу ҳуқуқ бир қанча халқаро ҳужжатларда, жумладан БМТнинг истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясига оид Резолюциясида Европа Кенгаши (Совети) томонидан қабул қилинган. Истеъмолчилар ҳақуқлари Хартиясида, 1975 йил 14 апрель ва 1981 йил 19 майдаги Истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимояси ва Информацион (маълумот) сиёсатга оид Дастлабки (биринчи) ва Иккинчи дастурларида ҳам ўз аксини топган. Товар (иш, хизмат)лар улардан мўлжалланган мақсадда фойдаланишга мувофиқ ва бошқа мақсадда фойдаланишда хавфсиз бўлиши лозим. Давлат стандартлар ва мажбурий қоидалар орқали истеъмолчининг бу ҳуқуқини кафолатлайди.

Истеъмолчига сотилган товар, кўрсатилган иш (хизмат) натижаси ундан оддий шароитларда фойдаланганда, сақланганда, ташилганда ҳамда йўқ қилинганда унинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда атроф-муҳит учун хавфсиз бўлиши ва унинг мол-мулкига зарар етказмаслиги истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқининг асосини ташкил этади. Товар (иш, хизмат) хавфсизлиги деганда, зарар етказилиши мумкин деган хавфга йўл қўйилмаслик ҳолатига айтилади. Товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш қоидалари истеъмолчилар манфаатларидан келиб чиқиши ва максимал тарзда ўрганилиши лозим. Ҳозирги даврга келиб, Истеъмолчилар масалалари бўйича стандартлаштириш халқаро ташкилотининг қўмитаси ушбу масала билан махсус шуғулланмоқда. Мазкур қўмита нафақат истеъмолчиларнинг ўзига, балки уларнинг мол-мулклари ҳамда атроф-муҳитга ҳам етказиладиган зарарларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш борасида жуда катта ишларни амалга оширмоқда.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)ларнинг қай даражада риоя этаётганликлари устидан назоратни махсус ваколат берилган давлат органлари: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш даслат қўмитаси, Ўзстандарт агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон


Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа ваколатли органлар амалга оширадilar (23-модда).

Қонун истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарган (иш бажарган, хизмат кўрсатган) ишлаб чиқарувчи (ижрочи) билан бир қаторда, норматив ҳужжатларни тасдиқлаган, мувофиқлик сертификати берган, соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация қилишга рухсат берган бошқа органлар ҳам жавобгар бўлишларини белгилаган. Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соқлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар тўлиқ ҳажмда қопланади (Қонуннинг 20-моддаси). Қонуннинг 12-моддаси 6-қисмига кўра, агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шартлиги белгиланган. Бу қоидалар оммавий қоидалар эмас, балки алоҳида, махсус қоидалар бўлиб ҳисобланади. Шунини алоҳида эътироф этиб ўтиш лозимки, бу ерда жуда ҳам муҳим ҳолат, яъни ишлаб чиқарувчи (ижрочи) эса уни истеъмолчига етказиши ўз ифодасини топган. Демак, махсус қоидалар ишлаб чиқилмаганлиги, тегишли тартибда тасдиқланмаганлиги, истеъмолчига етказилмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги жавобгар шахсни аниқлашда ҳамда давлат органи, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) ва сотувчилар ўртасидаги мажбуриятни тақсимлашда муҳим аҳамият касб этганлиги учун уни алоҳида эътироф этиш лозим. Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш иш (хизмат)и натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф-муҳитга зарар етказаётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт. Зарарнинг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда ҳам ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлашга, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатишга мажбур. Шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулоти сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан албатта утилизация қилиниши керак. Бу мажбуриятлар ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда, товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқларидан бири истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузишга бўлган ҳуқуқидир. «Куч – адолатда ва бирликда» деган тамойилдан келиб чиқиб, истеъмолчилар ўз манфаатларини

кўзлаб, бозор иқтисодиёти шароитида турли товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, уларни ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда жамоат бирлашмаларини тузишлари мумкинлиги уларнинг асосий ҳуқуқлари каторига киритилади. Бу эса адолатга ва ўз ҳуқуқларининг таъминланишидан манфаатдор бўлган барча истеъмолчи-фуқароларни бирлашган ҳолда, аниқ белгиланган режалар асосида, ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари учун кенг имкониятлари очиб беради. Қонуннинг 30-моддаси истеъмолчиларнинг юқорида айтиб ўтилган асосий ҳуқуқларидан бирига бағишланган бўлиб, у истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари деб номланади.

Қуйидаги схемада истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилишлари мумкинлиги ўз аксини топган



30-модда истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳларига қонун ҳужжатлари асосида савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва

афзалликлар берилиши мумкинлигини алоҳида эътироф этади. Масалан, ёқилғи қуйиш шаҳобчаларида уруш қатнашчилари ва 1-гурӯҳ ногиронлари автомашиналарига бепул хизмат кўрсатиш амалга оширилиши, умумий транспортларда ёш болаларга, ногиронларга махсус ўриндиқлар ажратилиши, савдо корхоналарида қарияларга, ногиронларга товарлар навбатсиз ва айрим ҳолларда имтиёзли нархларда сотилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Истеъмолчиларнинг юқорида кўриб ўтилган асосий ҳуқуқларини амалга ошириш аввало ҳар бир истеъмолчининг ўзига боғлиқдир. Амалиётда, яъни савдо-сотиқ, ишлар, хизматлар соҳаларида қонуннинг барча талабларига амал қилиниши ва истеъмолчиларнинг ушбу қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқларининг таъминланиши истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданияти, ўз ҳуқуқларини билиши ҳамда уларни талаб қилишида намоён бўлади.

2. Истеъмолчининг товар (иш, хизмат)лар тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқи

Қонуннинг 6-моддасида белгилаб қўйилган истеъмолчиларнинг асосий ва муҳим ҳуқуқларидан бири-ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот олиш ҳуқуқидир. Ушбу ҳуқуқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг раҳбарий тамойиллари» деб номланган (N 39/248 – сонли 1985 й. 9 апрел) резолюцияда, Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик дастурида (1975 йилдаги ЕИХ нинг биринчи дастурида), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлигининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги битимида (2000 йил 25 январ) ва бошқа кўпгина халқаро ҳужжатларда истеъмолчининг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилган.

Қонуннинг 6-моддасида келтирилган зарур, тўғри ва тушунарли маълумот тушунчаларига амалдаги Фуқаролик кодексида ҳам, Қонунда ҳам тўлиқ таъриф берилмаган. Шу ўринда зарур ва тўғри маълумот деганда нима тушунилади деган савол туғилади. Бизнингча, зарур маълумот деганда сотувчи томонидан харидорга бериладиган тўлиқ ҳажмдаги маълумотлар тушунилади. Зарур маълумот истеъмолчида товар (иш, хизмат) ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, айнан улардан қандай фойдаланиш кераклиги тўғрисида тушунчани вужудга келтириши лозим. Одатда, истеъмолчи сотиб олишни мўлжал қилган товар (иш, хизмат) ҳақида етарли маълумот (билим)га эга бўлмайди (эга бўлиши мумкин бўлса-да, қонун истеъмолчи бундай маълумотга эга бўлмайди, деб тахмин қилади). Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига товар (иш, хизмат) ҳақида етарли ва тўлиқ маълумот бериши лозим. Истеъмолчи эса унга тақдим этилган ушбу маълумотлардан оқилона фойдаланиб, ўзига маъқул бўлган, ўзини қизиқтирган товарнинг хусусиятлари, сифати, уни ишлатиш ва сақлаш

тартиби ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, ушбу товар (иш, хизмат) натижаларидан мутахассис кўмагисиз мутақил равишда фойдалана олиши лозим бўлади.

Юқорида келтирилган таърифдан келиб чиқиб, «зарур маълумот» деганда:

биринчидан, сотувчи (ижрочи, ишлаб чиқарувчи)нинг юридик манзили ва у тасарруф (реализация) қилаётган товар (базараётган иш, кўрсатаётган хизмат) ҳақида аниқ маълумотлар тушунилади (бу маълумот орқали истеъмолчи унга нуқсонли товар сотилганда ёки базарилган ишда (кўрсатилган хизматда) камчиликлар аниқланганда жавобгарни топиш билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келишининг олди олинади);

иккинчидан, ўзида албатта унинг сифати, асосий истеъмол хусусиятлари, нархи, ишлаб чиқарувчининг мажбуриятлари ва Қонуннинг 5, 6-моддаларида санаб ўтилган талабларни акс эттирган маъмот мажмуи тушунилади (бу эса истеъмолчига ўзига керакли товар (хизмат)ни танлаб олиш имконини беради);

учинчидан, сотувчи (ижрочи) истеъмолчига савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисида берадиган тўлиқ маълумот тушунилади. Бундай қоидаларнинг мавжудлиги унинг базарилиши мажбурлигини белгилайди. Бу эса истеъмолчининг кучи ва маблағи тежалишига олиб келади.

Тўғри маълумот деганда товар (иш, хизмат)да акс эттирилган маълумот унинг асл ҳолдаги кўринишига, яъни таркибига ва хусусиятларига мос келиши тушунилади.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- товар (иш, хизмат) мажбурий талабларга мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатларнинг номи;

- товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

- баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

- айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

- ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;

- товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

- товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек, бундай ишларни базармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг қайд рақами;

- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини базарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

– товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

– театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланиши тўғрисидаги ахборот.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига асосан, истеъмолчига сотилаётган қадоқланган ва ўралган озиқ-овқатлар, овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари ёрликларига (сукма варақаларига) эга бўлиши, уларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши кераклиги белгиланган. Яъни:

- озиқ-овқат номи;
- озиқ-овқатнинг нимага мўлжалланганлиги (махсус болаларбоп маҳсулотлар ва парҳез таомлар учун);
- тайёрловчининг номи;
- товар белгиси (белгига эга ташкилотлар учун);
- озиқ-овқат таркибига кирган нарсалар, шу жумладан озиқ-овқат қўшимчаларининг номи;
- озиқлик қиммати, нави;
- сақлаш шарт-шароитлари (масалан, қуёш нури тушмайдиган, салқин ва қуруқ жойда; +5 дан +20 гача даража иссиқликда);
- тайёрланган санаси, яроқлилик муддати;
- тайёрлаш усули (масалликлар ҳамда махсус болаларбоп ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);
- оғирлиги;
- фойдаланиш усули (биологик фаол қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари, махсус болаларбоп ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);
- мувофиқлик белгиси (маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган лицензияси бор корхоналар учун);
- норматив ёки техникавий ҳужжатларнинг номерлари ва шунга ўхшаш маълумотларни ўзида акс эттириши лозимлиги белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб товарни тўғри танлаш унинг маркировкасида етарли (оғирлиги, ҳажми ва таркиби ҳақида) маълумотлар бўлишини тақозо этади. Аммо кўплаб товарларни улгуржи, яъни катта ҳажмларда етказиб берилиши кўп ҳолларда уларда маълумотларни акс эттириш имконияти бўлмаслигига олиб келади. Шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган давлатлар қонунчилигида ишлаб чиқарувчиларнинг, товарларнинг миқдорини ва ҳар бир донасининг нархини ҳам алоҳида кўрсатишлари шартлиги белгиланган.

Истеъмолчиларга тўғри маълумот бериш усулларида бири – тўғри, мақбул ва чиройли тарзда дўкон ёки ателье пештахталарига сотувда мавжуд бўлган ёки ташкилотда тайёрланадиган маҳсулотлар намуналаригина қўйилади. Ҳар бир намуна аниқ жиҳозланган ёрлиқ ва нархнома билан таъминланади. Товар ёки хизматлар нархлари қайдномаси ҳаммага кўринарли жойга осиб қўйилиши лозим. Пештахталар белгиланган талаблар даражасида жиҳозланган бўлиши, улар ойналари терлашининг ҳамда музлашининг олди олиниши, кечкурунлари эса улар яхши ёритилган бўлиши керак. Бу, ўз навбатида, истеъмолчига пештахтадан маҳсулотларнинг хусусиятларига баҳо бериб, ўзига мақбулини танлаш имконини беради. Сотиб олувчининг талабига биноан пештахтадаги товар намунаси унга сотиб юборилиши мумкин.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотни тақдим этишда асосий вазифа – улар ичидан кераклисини танлаб олишдан иборат. Истеъмолчиларга тақдим этиладиган маълумотларнинг керакли ҳижмини ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ўзи белгилайди. Аммо у маълумот тўлиқ бўлмаганлиги учун қонунда белгиланган жавобгарлик мавжудлигини эсидан чиқармаслиги лозим. Айрим турдаги товар (иш, хизмат)лар ҳақидаги маълумотлар рўйхати ва уларни истеъмолчиларга етказиш усуллари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан белгиланиши мумкин. Улар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида умуммажбурий кучга эга бўлади.

Шу жумладан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар томонидан ўрнатилган қўшимча маълумотлар товарнинг хусусияти ва спецификаси ҳақида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлишга олиб қилиши мумкин.

Таянч иборалар: товар, товарнинг истеъмол қиймати, товарнинг хавфсизлиги, нуқсонли товар, товар ҳақида маълумот, товар ҳақида зарурий маълумот, товарнинг сифати, сифат даражаси, товарнинг хавфсизлиги.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқини қандай тушунасиш?
2. Товарнинг сифатини қандай тушунасиш?
3. Товарнинг хавфсизлигини қандай тушунасиш?
4. Истеъмолчиларнинг товарнинг хавфсиз бўлишига талаб қилиш ҳуқуқини қандай тушунасиш?
5. Истеъмолчининг соғлиғига зарар етказилган ҳолларда у ўз ҳуқуқини қандай ҳимоя қилиши керак?
6. Истеъмолчига етказилган маънавий зарар нималарда намоён бўлади?
7. Товар тўғрисида нотўғри маълумот берилганда истеъмолчи қандай ҳуқуқларга эга?
8. Товар тўғрисидаги маълумотда нималар кўрсатилади?

Мавзу 4. Истеъмолчиларнинг товарлар тўғрисида нотўғри маълумот берилганда ва товар (иш, хизмат) нинг хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи

Режа:

1. Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари
2. Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи

1. Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Бу ҳақда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида атрофлича фикрлар келтирилган. Бу моддада истеъмолчига товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёхуд етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилган тақдирда рўй бериши мумкин бўлган учта оқибат тўғрисида ёзилган.

1. Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарни қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2. Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

3. Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдида қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товарни қандай тушунмоқ керак?

Зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) мезонлари, энг аввало, муайян истеъмолчи эҳтиёжи, фойдаланиш мақсадлари, фойдаланиш шартлари ва шу кабилар билан боғлиқ. Зарур истеъмол хоссаларга эга бўлмаганлик товарнинг сифатсизлиги билан боғлиқ

эмас. Аксинча, ушбу товар сифатли, бироқ истеъмолчига тўлиқ маълумот берилмаганлиги сабабли у товар вазифалари, фойдаланиш шартлари бўйича бошқача тасаввурга эга. Албатта, истеъмолчининг бундай субъектив тасаввури товар ишлаб чиқарувчи (бажарувчи)нинг айби билан вужудга келганини унутмаслик лозим. Масалан, мобиль телефон аппарати фақат махсус батареяда ишлайди. Истеъмолчи эса одатдаги стандарт батареяларда ишлайди, деб ўйлаб сотиб олади. Агар истеъмолчи бу ҳақида маълумотга эга бўлганда эди, уни сотиб олмаган бўлар эди. Бинобарин, бундай ҳолда истеъмолчи олди-сотди шартномасини бир томонлама бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмаслик дейилганда, истеъмолчига нотўғри ёхуд етарли даражада тўлиқ бўлмаган ахборот, маълумот берилганлиги сабабли истеъмолчи товар (иш, хизмат)дан фойдалана олмаслиги, эксплуатация қила олмаслиги тушунилади. Масалан, бунда тегишли қўлланма бўлмаслиги ёки қўлланмада ундан фойдаланиш операциялари тўлиқ кўрсатилмаганлиги сабабли товарни таъмирлаш, унга техник хизмат кўрсатиш, сақлашни ташкил этиш бўйича зарур ахборотларга эга бўлинмаслиги мумкин. Бошқа сабабларга кўра товар (иш, хизмат)дан фойдалана олмаслик (масалан, истеъмолчининг ўзига боғлиқ бўлган уқувсизлиги, бунда малака, тажрибанинг йўқлиги, саводсизлиги ва ҳ.к.) ушбу норма қоидаларини қўллаш учун асос бўла олмайди.

Сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка товар (иш, хизмат) тўғрисида нотўғри ёки етарли бўлмаган маълумот берилганлиги сабаб бўлса, истеъмолчи бу ҳақда ёзма ариза билан сотувчи (бажарувчи)га мурожаат қилиши лозим. Аризада товар (иш, хизмат)дан фойдаланишга нима тўсқинлик қилганлиги аниқ-равшан кўрсатилиши, агар иложи бўлса зарур маълумотлар характери ҳам кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Истеъмолчи аризада зарур маълумотлар сотувчи (бажарувчи) томонидан муайян оқилона муддатда ўзига берилишини талаб қилиши лозим. Тегишли маълумот кўпи билан уч кун ичида истеъмолчига берилиши шарт (истеъмолчи ўз ихтиёри билан тегишли маълумотларни етказишнинг бундан ҳам кўпроқ муддатини, масалан, беш кун, ўн кун белгилаши мумкин). Агар истеъмолчига у белгилаган муддатда ёки уч кун ичида тегишли зарур маълумотлар берилмаса, у ҳолда истеъмолчи шартномани бир томонлама бекор қилиб, товарни (иш, хизмат натижасини) қайтаришга, тўлаган пулини қайтариб олишга, бошқа зарарларни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчига товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёхуд етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилган тақдирда рўй бериши мумкин бўлган учинчи оқибат истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилиши кўринишида намоён бўлади. Бундай зарар кўп ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотлари, товардан хавфсиз фойдаланиш, уни сақлаш ва утилизация қилиш усуллари ва қоидалари, товарнинг хизмат муддати, яроқлилик муддати, реализация қилиш муддати, ушбу муддатлар ўтганидан кейин қандай ҳаракатларни содир этиши тўғрисидаги маълумотлар тўла

равишда тақдим этилмагани билан боғлиқ равишда рўй беради. Истеъмолчининг ҳаётига зарар етказиш унинг ўлими, ҳаёти хавф остида қолиши каби ҳолатда намоён бўлади. Истеъмолчининг соғлиғига зарар етиши унинг касалланиши, ногирон бўлиб қолиши, бирор тана аъзоси ўзининг функционал хусусиятларини йўқотиши ёхуд шикастланиши, оғир жисмоний азобларга дучор бўлишида намоён бўлади. Бунда касаллик, ногиронлик, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳолатлари албатта тегишли тиббий муассасаларда қайд этилмоғи лозим.

Истеъмолчининг мол-мулкига етказилган зарар нафақат унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, балки у қонуний асосларда эгаллаб, фойдаланиб турган ҳар қандай ашёлар (масалан, ижара, текин фойдаланиш, лизинг, прокат ва шу кабилар асосида олинган мол-мулклар)га ҳам етказилиши натижасида намоён бўлиши мумкин.

Товар (иш, хизмат) тўғрисида нотўғри ёхуд етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказган ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) қонун ҳужжатларида назарда тутилган тарзда жавобгар бўлади.

Истеъмолчининг ҳаётига зарар етказилганда (ўлими ёки ҳаёти учун хавfli ҳолат) жавобгарлик Фуқаролик кодексининг 14 ва 1017-моддаси (товар, иш, хизмат тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаётига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш асослари) бўйича вужудга келади.

Фуқаролик кодексининг 1017-моддаси товар, иш, хизмат тўғрисидаги маълумот нотўғри ёхуд етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг соғлиғи, мол-мулкига зарар етказилган ҳолларда ҳам жавобгарлик асоси бўлиб хизмат қилади. Зарар миқдори, зарарни қоплаш усуллари, тартиб Фуқаролик кодексининг 57-бобида белгилаб қўйилган қоидалар асосида аниқланади.

Зарарни ундириш сотувчи, тайёрловчи (ижрочи)нинг айбидан, жабрланувчи улар билан шартномавий муносабатларда бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, амалга оширилади. Зарарнинг қопланиши тўғрисидаги талаб нафақат жабрланувчи томонидан, у вафот этган тақдирда, унинг оила аъзолари, шунингдек доимий қарамоғида бўлган шахслар томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

2. Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи

Истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилиқ муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ:

- ишлаб чиқарувчи (ижрочи);
- норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган;
- соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация қилишга рухсат берган бошқа органлар жавобгар бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ушбу қонуннинг 20-моддасига мувофиқ қоплиниши лозим.

Агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқариши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф-муҳитга зарар етказаётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарарнинг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай товарни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиши шарт, шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулоти сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан албатта утилизация қилиниши керак. Бу мажбуриятлар ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган товарларнинг партияларини муомаладан чиқариш, ишларни бажаришни ва хизматлар кўрсатишни тақиқлаб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Товарни қайтариб олиш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тақиқлаб қўйиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттиравериши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

Истеъмолчилар учун товар (иш, хизмат)ларнинг хавфсиз бўлишини таъминлаш воситаларидан энг ишончлиси бу товарларни маркалаш ва сертификатлаш ҳисобланади. Сертификатлаштириш одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат қилиш, истеъмолчини тайёрловчининг виждонсизлигидан ҳимоя қилиш, маҳсулот тайёрловчиси таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ёки ихтиёрий амалга оширилиши мумкин. Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш ишларини ташкил этиш Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат агентлиги зиммасига ёки унинг топшириғига биноан бошқа сертификатлаштириш органларига юклатилади.

Сертификатлаштириш шарт бўлган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланади. Мажбурий сертификатлаштириш норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ маҳсулот хусусиятини аниқлаш учун уни синашни, сертификатлаштирилган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини ўрнатишни ўз ичига олади.

Мажбурий сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчи, тайёрловчилар:

1. Мажбурий сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштиришга тақдим этишлари;

2. Сертификатланган маҳсулотни фақат сертификати бўлган тақдирда реализация қилишлари ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлишини таъминлашлари;

3. Сертификатланган маҳсулотни, башарти, у норматив ҳужжат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек, сертификатни олган муддати тугаган бўлса ёхуд унинг амал қилиш муддати сертификатлаштириш органи қарорига биноан тўхтатиб қўйилган ёки бекор қилинган бўлса, реализация қилишни тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;

4. Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз вакотлатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;

5. Сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технологик жараёнига киритилган ўзгартиришлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

6. Илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар истеъмолчи (харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

Таянч иборалар: истеъмолчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шартнома, товар, норматив ҳужжат, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товар (иш, хизмат)нинг нуқсони, кафолат муддати, хизмат муддати, яроқлилиқ (сақлаш) муддати, касса чеки, товар чеки.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилганда истеъмолчи қандай ҳуқуқларга эга?
2. Зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товарни қандай тушунмок керак?
3. Фуқаролик кодексининг қайси моддаларида истеъмолчининг ҳаётига, соғлигига етказилган зарар учун жавобгарлик кўрсатиб ўтилган?
4. Товарнинг хавфсизлик кўрсаткичларига нималар киради?
5. Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиги, мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик учун ким жавобгар ҳисобланади?
6. Товарни утилизация қилиш деганда нимани тушунаси?
7. Сертификатлаштириш деганда нимани тушунаси?
8. Сертификатлаштиришнинг мақсади нимадан иборат?
9. Мажбурий сертификатлаштиришни қандай тушунаси?
10. Ихтиёрий сертификатлаштиришни қандай тушунаси?

Мавзу 5. Нуқсонли товар сотилганда ва ишни бажариш, хизмат кўрсатишдаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Режа:

1. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари
2. Ишни бажариш, хизмат кўрсатишдаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

1. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари

Нуқсонли товар сотилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

- товарни айна шундай маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериш;
- товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нарҳини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;
- товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;
- харид нарҳини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;
- шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Агар нуқсонлар:

- товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида;
- кафолат муддати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;
- кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;
- мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларни рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган, тўпламлар, гарнитурлар, комплектлар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми бўлган ва мустақил нафга эга бўлган буюмларда нуқсонлар борлигини аниқлаган тақдирда, бутун тўпламлар, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг нуқсонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига қўяди.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади.

Истеъмолчи техник паспортни йўқотиб қўйган тақдирда, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқарувчи томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқарувчи билан сотувчининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

Мазкур қонуннинг нормалари бир-бири билан шунчалик ички мантикий боғланиш ҳосил қилганки, уларнинг ҳар бирини иккинчисидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Улар бир-бирини тўлдиришга хизмат қилади.

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айти шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айти шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Мазкур мода мазмунан 13-моддани тўлдиришга хизмат қилиб, у нуқсонли товарни алмаштириб бериш тартибига бағишланган.

Маълумки, харид жараёни шунчалик тез кўчадики, бу қисқа фурсат мобайнида истеъмолчи товар ҳақида, унинг ишлаб чиқарилиши, тузилиши, таркиби билан боғлиқ жиҳатларни (айнан камчилик ва нуқсонларни) аниқлашининг имкони бўлмайди. Чунки, у «мутахассис эмас».

Камчилик ва нуқсонлар очик ва яширин кўринишда бўлиши мумкин. Очик камчиликлар кўриниб туради ва одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида уни кўриш, билиш мумкин бўлади. Масалан, уй-жойнинг ассортименти (айнан ранги) бир-бирига мос келмаслиги каби. Яширин кўринишдаги камчиликларни харид маҳалидаёқ билиш мумкин бўлмайди ва бунинг уддасидан чиқиб ҳам бўлмайди. Масалан, автомобиль кузовининг урилганлиги, «калтак еганлиги». Табиийки, бундай автомобиль бозорга олиб чиқилар экан, «обдан таъмирланади». Бамисоли янги, конвейердан тушгандек ҳолга келтирилади. Бу «оми» истеъмолчини чалғитади, янги авто сотиб олишга бўлган талаби (эҳтиёжи) сотувчи томонидан мана шундай «калтак еган» товарни ўтказиш билан «сийланади». Аслини олганда, бундай бир марта «яхши калтакланган» автонинг нархи, баҳоси анча паст бўлиши табиий ҳолдир.

Товарнинг ишлаб чиқарилишига доир камчиликлари унинг технологик жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, унда товар анча маънавий эскирган, ибтидоий ишлаб чиқариш усуллари ёки бўлмаса санитария-гигиена талабларига номувофиқ шароитларда ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ камчиликлар назарда тутилмоқда. Масалан, колбаса маҳсулотидан темир моддасининг ҳиди келиб туриши, спиртли ичимликдан керосин ҳидининг анқиб туриши ёхуд озиқ-овқат маҳсулотларидан хашаротларнинг чиқиб келиши каби. Булар – табиийки, оддий истеъмолчининг ҳам таъбини тирриқ қилади, иштаҳасини бўғади.

Товарнинг тузилишига доир камчиликлари унинг шакл-шамойили, миқдори, ўлчами, фасони, габарити билан боғлиқ камчиликлардир. Масалан, 1-синф ўқувчиси учун ишлаб чиқарилган «Ўқиш китоби»нинг ўта майда шрифтда ёзилиши ёш, ҳали гўдак ўқувчини анча қийнаб кўяди.

Товарнинг таркибига доир камчиликлари унинг сифати, сифат кўрсаткичлари билан боғлиқ камчиликлардир. Масалан, истеъмол учун мўлжалланган ёғ маҳсулотида инсон саломатлиги учун анча зарарли бўлган моддаларнинг (хусусан, холестерин моддасининг) ортиқлиги, костюм-шим материалининг таркиби унинг артикулида ёзилган нисбатга тўғри келмаслиги каби.

13-модданинг 3-қисми истеъмолчининг мавқеини янада мустаҳкамлайди. Унга кўра, юқоридаги муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида

неустойка (пеня) тўлайди. Вақт – олий ҳакам. Вақтнинг ўтиши кимнинг фойдасига ишлайди? Бир қарашда, истеъмолчининг фойдасига. Аслида ҳиқикий истеъмолчи бундан манфаатдор эмас. У ҳуқуқи бузилганлиги дарҳол бартараф қилинишига, кўрилган зарарларнинг қопланишига одатланган бўлса масала янада чигаллашади. Қонунда белгиланаётган мазкур неустойка (яъни, қонуний неустойка. Бундан ташқари, шартномавий неустойка ҳам бор) қайсидир маънода истеъмолчини «юпатиш»га хизмат қилади. Неустойка – сотувчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг усули бўлиб, мажбурият бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда кретиторга (яъни, ушбу муносабатларда истеъмолчига) тўлаши шарт бўлган пул суммасидир. Унинг икки шакли бўлиб, сотувчи мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка шаклидир. Демак, сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир қаторда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди. Қоидага кўра, пенянинг миқдори товар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш сотувчи (ишлаб чиқарувчи)ни истеъмолчига асл товарни бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

2. Ишни бажариш, хизмат кўрсатишдаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга), шунингдек ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) қараб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)нинг босқичма-босқич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, ҳудди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб

берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёнки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқларни:

➤ ишни (хизматни) қабул қилиб олиш вақтида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуқсонлар аниқланган тақдирда;

➤ кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган тақдирда эса, иш (хизмат) қабул қилиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида;

➤ иморат ёки бошқа кўчмас мулкда нуқсонлар аниқланган кундан эътиборан икки йил давомида рўёбга чиқариши мумкин.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб қўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуқсонлар, агар шартномада бирмунча қисқарок муддат белгиланмаган бўлса, истеъмолчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчи ундириб олган неустойка (пеня) суммаси иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг алоҳида тури баҳосидан ёки буюртманинг умумий баҳосидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бажарилган ишдаги нуқсонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун ижрочи тўлаган неустойка (пеня) қопланиши лозим бўлган зарар ҳисобига кирмайди.

Ижрочининг мажбуриятни умуман ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (пеня) тўлаши ва зарарни қоплаши уни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

Истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда ёки истеъмолчининг материалидан фойдаланиб бажарилган ишда жиддий нуқсонлар бўлса ёки у бузиб бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни қайтариши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалидан иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш), бунинг имконияти бўлмаган тақдирда эса, аёшнинг (материалнинг) талаб қўйилган пайтдаги қийматини икки баравар қилиб тўлаши шарт.

Ижрочи томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун қабул қилиб олинаётган ашё (материал) қиймати шартнома тузиш пайтида томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Ишда (хизматда) жиддий нуқсонлар мавжуд бўлганида ёки шартнома талаблари жиддий бузилганида, шунингдек ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда истеъмолчи билан ҳисоб – китоб ишнинг (хизматнинг) ёки материалнинг шартномани бекор қилиш пайтидаги ошган нархини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сифатсиз бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар учун ижрочи ушбу қонуннинг 20, 22, 27 29-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномалар бўйича истеъмолчилар билан ижрочи ўртасидаги муносабатларнинг ўз моҳиятига кўра ушбу моддага мос келмайдиган хусусиятлари, шунингдек шартномаларнинг умуман ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги туфайли келиб чиқадиган оқибатлар бундай шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган қоидалар билан аниқланади.

Қонун ижрочи ва истеъмолчи ўртасидаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) муносабатларига нисбатан муддати, ҳажм ва сифат мезонларини ўрнатади. Унга мувофиқ ижрочи ишни айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидалари ва истеъмолчи билан тузиладиган шу туркумдаги шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда бажариши лозим. Бу ўринда қонун асосий эътиборини айрим турдаги ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) қоидаларга қаратади (бу ҳолда нормада «Қоидалар» шартномага қараганда олдин ифодаланганлигидан ҳам билиш қийин эмас). Шундай экан ижрочи ва истеъмолчининг иш бажариш (хизмат кўрсатиш) муддатлари, ҳажми ва сифатини давлат томонидан тартибга солиниши, бу ҳолатларни тарафларнинг ўзлари томонидан тартибга солинишига қараганда кенгроқ қўлланилишини билдиради. Зеро, истеъмолчи ижрочи билан бўлган муносабатларда унга нисбатан камроқ ҳуқуқларга эга ҳисобланади ва бундай ҳолатда давлатнинг аралашуви ана шундай нотенгликка барҳамберади.

Айрим турдаги ишларни бажариш қоидалари бевосита Ҳукумат (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси) ёки тегишли ваколатга эга орган томонидан чиқарилади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли қарорига 5-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш Қоидалари» ҳудди шундай меъёрий ҳужжатдир.

Иш бажариш, хизмат кўрсатишнинг турли-туманлигини ҳисобга олиб, Қонун иш бажариш (хизмат кўрсатиш) муддатларини белгилашда ҳар бир иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Қонунга мувофиқ, агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар), ишлар бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг босқичма-босқич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Маълумки, вақтли матбуот почта хизмати томонидан етказиб берилади. Лекин вақтли матбуотни етказиб беришда хусусий фирмалар ҳам хизмат кўрсатиши мумкин.

Вақтли матбуот доимий равишда нашр этилишини ҳисобга олиб, иш бажарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги шартномада вақтли матбуотни етказиб бериш ҳафта кунлари билан белгиланади. Масалан, «Халқ сўзи»

газетаси ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба кунлари чиқиши туфайли ижрочи айнан шу кунлари газетани истеъмолчига етказиб бериши лозим бўлади. Бунда асосий эътибор вақтли матбуотни етказиб бериш куни ва етказиб бериш соатларига қаратилади. Зеро, ахборот асри ҳисобланган XXI асрда ахборотнинг «Янги» ва «Эски» лиги соатлар билан эмас дақиқалар билан ўлчанади.

Иш бажаришнинг босқичма-босқич муддатлари нафақат вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш соҳалари, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам кенг қўлланилади. Масалан, пудрат шартномасида иш бажаришнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари (оралиқ муддатлар) кўзда тутилиши мумкин (ФКнинг 635-моддаси).

Қисмларга бўлиб бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар босқичма-босқич муддатлар асосида амалга оширилганда, бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматнинг ҳар бир қисмидаги кетма-кетлик аниқланиши зарур. Яъни, қайси қисмдан кейин ишнинг қайси босқичи бажарилиши зарурлиги белгиланиши керак. Акс ҳолда мантиқий боғланиш мавжуд (вақтли матбуотни етказиб беришда) бўлмаган ишлар ва хизматларда тарафлар ўртасида турли келишмовчиликлар вужудга келиши мумкин.

Ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса, яъни турли важлар билан ишни бажаришга киришишни орқага сурса ёхуд иш бажаришни жуда секинлик билан олиб боришидан, унинг ишни белгиланган муддатда бажара олмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи шартномадан бир томонлама воз кечишга ва ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Истеъмолчининг шартномадан бир томонлама воз кечиш ҳуқуқи ФКнинг 382-моддасига мувофиқ, 2-тараф (яъни, ижрочи) шартномани жиддий бузса, амалга оширилади. Бу ҳолатда эса ижрочи ишни бажаришга ўз вақтида киришмаслиги ёки уни ўта секинлик билан бажариш натижасида шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги оқибатида шартномани жиддий бузиш ҳисобланади. Бундан ташқари, ижрочининг шартнома шартларини бажаришга киришмаслиги истеъмолчининг ушбу иш ёки хизматга нисбатан қизиқишининг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаган ва шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолган ҳолларда ижрочи истеъмолчига етказилган зарарни қоплайди. Бунда зарар миқдори ва ҳажми истеъмолчи томонидан исботланиши зарур. Бу ҳолатда фақатгина истеъмолчига етказилган ҳақиқий зарар ундирилади. Бой берилган фойда иш бажариш, хизмат кўрсатиш шахсий манфаатлар, уй-рўзғор ва тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларни кўзлаганлиги учун ҳисобга олинмайди. Истеъмолчига етказилган зарар таркибига унинг ишни бажариш учун қилган харажатлари, ишни бажариш учун сотиб олган материаллари, ишнинг бажарилишини кутиб ўтказган вақти, ижрочини чақириб келишга бўлган ҳаракатлари киради. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторларнинг талабларини

ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин (ФК 324-моддасининг 2-қисми).

Қонун ижрочининг шартнома шартларини бузиши ва иш бажарилганда нуқсонларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари учун, истеъмолчига бир неча ҳуқуқларини талаб қилиш имкониятини беради. Яъни, ижрочи қуйидаги ҳолатлар учун истеъмолчи олдида жавобгардир:

1. Шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса;
2. Иш (хизмат)да бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса.

Ишни қабул қилиш жараёнида истеъмолчи ижрочининг иштирокида иш натижаларини кўриб чиқиши, кўздан кечириши мумкин. ФКнинг 646-моддасига мувофиқ, ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликларини аниқлаган буюртмачи (истеъмолчи) бу камчиликлар ёхуд уларни тузатиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйиши мумкинлиги далолатнома ёки қабул қилишни тасдиқловчи бошқа ҳужжатда кўрсатилган ҳоллардагина уларни ваз қилиб келтиришга ҳақли.

Буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган камчиликлар (очик кўриниб турган камчиликлар)ни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Буюртмачи иш қабул қилиб олинганидан сўнг унда пудрат шартномасидан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган бошқа хил камчиликлар (яширин камчиликлар)ни, шу жумладан пудратчи қасддан яширган камчиликларни аниқласа, улар аниқланганидан сўнг, ўн кунлик муддат ичида бу тўғрида пудратчига хабар қилиши шарт.

Буюртмачи билан пудратчи ўртасида бажарилган ишнинг камчиликлари ёки уларнинг сабаблари юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, истаган тарафнинг талаби бўйича экспертиза тайинланиши керак. Экспертиза ўтказиш харажатлари пудратчи зиммасида бўлади, экспертиза пудрат шартномаси бузилмаганлигини ёки пудратчининг ҳаракатлари билан аниқланган камчиликлар ўртасида сабабий боғланиш йўқлигини аниқлаган ҳолларда мустасно. Бундай ҳолларда экспертиза харажатларини экспертиза ўтказишни талаб қилган тараф, агар экспертиза тарафларнинг ўзаро келишуви билан тайинланган бўлса, иккала тараф тенг миқдорда тўлайди.

Истеъмолчи ижрочининг ишни бажариш (хизматни кўрсатиш) жараёнини кузатиб туриши, зарур пайтда ижрочидан ишнинг сифати ва иш натижаларининг чидами, улардан фойдаланиш тартиби ҳақида ҳамда бажарилаётган ишга тааллуқли ўзи билиши керак бўлган бошқа ҳолатлар ҳақида ижрочидан маълумот олишга ҳақли. Истеъмолчи ишнинг бажарилиш жараёнида нуқсонларни аниқласа, ушбу модданинг 4-қисмидаги ҳуқуқларни амалга ошириши мумкин. Маълумки, кафолат муддати ишлаб чиқарувчи,

ижрочи ёки сотувчининг ўз товари, бажарган иши, кўрсатган хизмати учун, уларнинг белгиланган мақсадларда бенуқсон ишлашига нисбатан ва тегишли нуқсонлар вужудга келганда уларни бепул бартараф этишни ўз зиммасига оладиган муддатдир (конуннинг 1-моддасига қаранг). Умумий қоидага кўра қафолат муддати иш натижасини ташкил этувчи ҳамма нарсага тегишли бўлади. Одатда, қафолат муддати истеъмолчи бажарилган иш натижасини қабул қилган ёки қабул қилиши лозим бўлган пайтдан ўта бошлайди.

Ишдаги нуқсонларни бартараф этиш, кечиктирилганлиги учун истеъмолчига неустойка тўлашдан ташқари ижрочи унга етказилган зарарни ҳам қоплаши зарур. Бунда ижрочи тўлаган неустойка (пеня) қопланиши зарур бўлган зарар ҳисобига кирмайди. Яъни, неустойка ва зарар алоҳида-алоҳида ҳолда ҳисобланиши ва тўланиши лозим.

Умумий қоидага кўра, жариманинг тўланиши ва зарарнинг қопланиши қарздорни асосий мажбуриятни бажаришдан озод этмайди.

Таянч иборалар: истеъмолчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шартнома, товар, норматив ҳужжат, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товар (иш, хизмат)нинг нуқсони, қафолат муддати, хизмат муддати, яроқлилиқ (сақлаш) муддати, касса чеки, товар чеки.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Товарнинг нуқсони деганда нимани тушунаси?
2. Товарларда қандай нуқсонлар учрайди?
3. Товарнинг ишлаб чиқаришга доир камчиликларига қандай камчиликлар киради?
4. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари нималардан иборат?
5. Шартнома шартларида нималар кўрсатилади?
6. Шартнома қандай тузилади?
7. Шартнома шартлари бузилганда истеъмолчи қандай ҳуқуқларга эга?
8. Ижрочи шартнома шартларини бажаришга киришмаганда истеъмолчи қандай ҳуқуқларга эга?
9. Экспертиза қайси ҳолатда тайинланади?
10. Экспертизанинг вазифалари нималардан иборат?

Мавзу 6. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш

Режа:

1. Товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкӣ жавобгарлик
2. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш
3. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузганлик учун жавобгарлик

1. Товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкӣ жавобгарлик

Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

Қонун товарнинг қуйидаги жиҳатларидаги нуқсонлар учун жавобгарликни белгилайди:

- 1) товарнинг тузилишига;
- 2) товарнинг ишлаб чиқарилишига;
- 3) товарнинг таркибига;
- 4) товарнинг бошқа жиҳатларидаги нуқсонлар.

Товарнинг тузилиши деганда, унинг белгиланган шакли-шамойили, мавжуд стандартларга мослиги, муайян тасаввур доирасидалиги, тегишли мақсад учун фойдаланиладиган товар туркумидаги бошқа товарларга ўхшашлиги тушунилади. Масалан, оддий пиёла ёки ручканинг тузилишини тасаввур қиладиган бўлсак, пиёла конуссимон шаклдаги атрофи ясси қилиб ишланган суюқлик истеъмол қилишга мўлжалланган предмет ҳисобланса, ручка ўз шакли шамойилига кўра қўлда ёзиш учун қулай бўлган ашё ҳисобланади.

Истеъмолчига топширилган товарда нуқсоннинг мавжудлиги, истеъмолчи томонидан етказилган зарарни қоплашнинг талаб қилинишига асос бўлади.

Товарнинг ишлаб чиқарилишидаги нуқсон бу товар (айниқса, махсус идиш ва ўрамда сотиладиган товарлар)даги уни ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган, лекин оддий кўздан кечириш жараёнида аниқлашнинг имкони бўлмаган камчиликлар ҳисобланиб, товардаги бундай нуқсонлар у ишлаб чиқарилиб тегишли сотувчиларга топширилишидан олдин вужудга келган бўлиши керак. Ишлаб чиқарилиши давомида товарда вужудга келган камчилик (нуқсон)ни ишлаб чиқарувчи билан ёки билмаганлигидан қатъи назар истеъмолчи олдида жавобгардир. Зеро, бундай нуқсон товар ишлаб чиқарилиш жараёнидаги камчилик ва товар ишлаб чиқарувчининг ишга бўлган нотўғри муносабатидан келиб чиққан ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устунлиги тамойилидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариши лозим. Шу муносабат билан қонун чиқарувчи товарнинг ишлаб чиқарилишидаги нуқсонлар учун жавобгарлик ҳолатини белгилайди. Инчунун, бундай меъёрнинг мавжудлиги истеъмолчи ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилмаслиги учун унга қарши турган барча шахсларнинг масъуллигини кафолатлайди.

Товарнинг таркиби атамаси ўзида товарнинг бутлиги, унинг комплекти ибораларини ифодалайди. Одатда «таркиб» сўзи мураккаб ашёлар (агар турли хил ашёлар бирикманинг моҳияти билан белгиланадиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади. ФКнинг 91-моддаси)га нисбатан ишлатилади. Лекин, товарнинг таркибига нафақат муайян қисмлар, балки умумийликка эга бўлган бир неча алоҳида (мустақил) ашёлар ҳам киради.

ФКнинг 1017-моддасига мувофиқ, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) конструктив, рецептуравий нуқсонлари туфайли етказилган зарар қоплиниши лозим. Шу ўринда товарнинг конструктив жиҳати деганда, унинг ташқи тузилиши, муайян қоидага мос келувчи қурилиши тушунилишини эслатиб ўтиш зарур.

Рецептуравий нуқсонлар эса товарнинг ички тузилиши, таркиби ва товардан фойдаланиш қоидаларидаги камчиликлар бўлиб, бундай нуқсонлар одатда, истеъмолчининг эътирози асосида мутахассислар томонидан аниқланади. Ҳар қандай товар сотилаётганда, унинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар товарнинг ўзида ёки товарга қўшиб харидор (истеъмолчи)га топшириладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилиши керак. Умумий қоидага кўра бундай ҳужжатлар мансуб ашё ва ҳужжатлар ҳисобланади ҳамда бундай ҳужжатларнинг истеъмолчига қўшиб топширилмаслиги учун сотиб олувчи жавобгар бўлади. Мансуб ашё ва ҳужжатлар жумласига товарнинг сифат сертификати, товардан фойдаланиш йўриқномаси, техник паспорт, телевизор учун пулт ва ҳ.к. лар киради. Бундай ашё ва ҳужжатларни топширмаган соувчи сотиб олувчига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарарни қоплаши лозим бўлган ҳолат сифатида Қонун истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарни келтириб ўтади. Истеъмолчига тақдим этилаётган ҳар қандай товар, иш, хизмат ёки бошқа нарсалар унинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етиши хавфини туғдирмаслиги лозим. Шу жумладан, иш бажариш ёки хизмат кўрсатишда ижрочи томонидан қўлланилаётган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар ва бошқа воситалар (масалан, иш бажаришда ижрочи томонидан фойдаланилаётган транспорт воситаси ёки бошқа ошиқча хавф манбаи) ҳам истеъмолчининг юқорида санаб ўтилган субъектив ҳуқуқларига зарар етказмаслиги зарур.

Ишнинг (хизматнинг) нуқсонлари оқибатида етказилган зарар ишни бажарган ёки хизматни кўрсатган шахс (ижрочи) томонидан қоплиниши лозим. Зеро, зарар истеъмолчига айнан шу шахслар томонидан етказилади. Бундан ташқари, истеъмолчи билан муносабатга киришган томонлар ҳам сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ва ижрочи (пудратчи, масалан, маиший пудрат шартномасида истеъмолчи билан айнан пудратчи шартномавий муносабатга киришади) деб аталади.

Умумий қоидага кўра истеъмолчи деганда, товар сотиб олган, иш хизматга буюртма берган шахс (фуқаро)лар тушунилади. Лекин Қонунда истеъмолчи деганда, товар сотиб олмаган, иш ёки хизматга буюртма бермаган, бироқ товардан ёки иш ва хизматнинг натижасидан фойдаланган шахслар ҳам истеъмолчи ҳисобланиши таъкидланган. Бунда, товардан ёки иш ва хизматнинг натижасидан фойдаланган шахсларнинг товарни сотиб олган ёки иш хизматга буюртма берган шахс билан қандай шахслар ҳам истеъмолчи ҳисобланади ва товар, иш ёки хизмат натижасида ўзига етказилган ҳар қандай зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. Уларнинг сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартномавий муносабатларга киришган-киришмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Муҳими товар (иш, хизмат) кимдан сотиб олинганлиги (иш ёки хизмат ким томонидан бажарилганлиги)ни аниқлаш, бу товарни ким ишлаб чиқарганлигини билиш ҳисобланади. Истеъмолчининг (яъни, зарар етказилган истеъмолчининг) сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома тузган ёки тузмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчининг товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги, бу истеъмолчининг мутлоқ ҳуқуқи ҳисоблансада, унинг субъектив ҳуқуқи сифатида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қонун истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг қоплиниши лозим бўлган муддатларни белгилайди:

- 1) норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида;
- 2) бундай моддалар белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида.

Маълумки, яроқлилик муддати ва хизмат муддати давомида товар (иш ёки хизмат)нинг бенуксон ишлаши ва хизмат қилиши юзасидан жавобгарликни сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўз зиммасига олади. Зеро, бундай ҳолатлар норматив ҳужжатларда қатъий ўрнатилиб қўйилади. Ана шу муддат давомида истеъмолчига етказилган зарар учун Қонун жавобгарликни белгилайди. Бундай муддат ўтгандан вужудга келган зарар учун жавобгарлик юзага келмайди.

Ҳар қандай товарларга нисбатан ҳам норматив ҳужжатларда хизмат (яроқлилик) муддатлари белгиланмаслиги сабабли Қонун, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни назарда тутиб, бундай товарларнинг нуксонлари туфайли етказилган зарарни қоплаш учун ўн йиллик (анча узоқ) муддатни белгилайди. Ана шу ўн йил мобайнида товар (иш, хизмат)даги нуксонлар туфайли истеъмолчига етказилган зарар қопланса, ўн йилдан сўнг етказилган зарар қопланмайди.

2. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар.

Қуйидагилар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

Қонуннинг шарҳланаётган моддасида истеъмолчилар ҳуқуқлари ўз аксини топган. Бу модда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида эътироф этилган норма билан ҳамоҳангдир. Яъни, Конституциянинг юқорида зикр этилган моддасида, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди, - деб кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) манфаатлари тенг келиб қолганда устуворлик истеъмолчи томонидан бўлади. Бу ҳолат жамиятда кенг

тарқалган «истеъмолчи ҳамиша ҳақ» деган тамойил амалда бўлишига замин яратади.

Аҳолининг истеъмолга бўлган эҳтиёжларини сотувчилар, ишлаб чиқарувчилар, иш ва хизматларни бажарувчилар таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида улар ўзларига қулай шартларда истеъмолчининг товар ва хизматларни сотиб олишига ундайдилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аксарият ҳолларда товарларнинг салмоқли қисми сифат жиҳатидан пастлиги, энг хавотирга соладигани уларнинг инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши билан характерланади. Худди шунинг учун ҳам ҳар бир истеъмолчи ҳуқуқларининг ҳимояси ва кафолати учун давлат ҳимояси зарурдир. Маълумки, давлатнинг асосий белгиларидан бири, бу – унинг юридик кучга эга бўлган, ҳуқуқ нормаларини ўзида акс эттирган қонунлар ва уларга асосланиб чиқарилган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ҳисобланади. Давлат ўзи қабул қилаётган қонунлар орқали ишлаб чиқарувчиларни сифатли маҳсулот чиқаришга, иш ва хизматлар кўрсатувчиларни, четдан товарларни импорт қилувчиларни ўз фаолиятларини истеъмолчилар манфаатларидан келиб чиқиб белгилашга, уларнинг ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда фаолият кўрсатишга ундайди. Ана шундай ҳолатларни ўзида ифодалаган қонунчилик истеъмолчи иштирокидаги муносабатларни тартибга солишини давлат таъминлаши зарур.

Маълумки, давлат вазифалари ва функцияларини давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари амалга оширадилар. Шу маънода истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан давлатнинг функциялари давлат ҳокимияти бошқаруви органлари, судлар томонидан амалга оширилади ва истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси айнан шу органлар орқали таъминланади.

Конституциянинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади дейилган. Бундан келиб чиқиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис чиқаради, унинг ижросини, ушбу қонунларга амал қилишни ва уларда мустаҳкамланган истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилмаслигини ижро этувчи орган, яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари таъминлаш чораларини кўради. Суд ҳокимияти эса, истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, яъни жавобгарларни аниқлашни ва тегишли тартибда жавобгарликка тортишни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси «Стандартлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабр Қонун – Республикамиз ҳудудига четдан олиб кириладиган, маҳсулотларнинг аҳолига реализация қилинишида инсон соғлиғига хавфсиз ҳамда сифати лозим даражада бўлишини таъминлашга қаратилган.

«Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни – инсоннинг тоза ва соғлом атроф муҳитда яшашга бўлган ҳуқуқига асосий эътиборни қаратади.

«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги 1997 йил 30 август Қонуни – озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва

хавфсизлиги бўйича, уларни ишлаб чиқариш материаллари, қадоқлаш, ўраш, маркировка қилиш, сақлаш, ташиш ҳамда реализация қилишга оид талабларни белгилайди. Шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат назорати ва текшируви тартибини белгилайди.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги) тўғрисида»ги Низомига асосан амалга оширади. Унга асосан «Ўзстандарт» агентлиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши ва риоя этилиши мажбурий бўлган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қилиш ва норматив ҳужжатлар чиқариш;

- стандартлаштириш, метрология, маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш масалаларини ҳал этиш учун давлат бошқарув органларини, юридик шахслар бирлашмаларини, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларини жалб этиш;

- қонунлар ҳамда бошқа қонунчилик ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда Ҳукуматга киритиш, стандартлаштириш, метрология, маҳсулотлар ва хизматлар сифатини сертификатлаштириш ва назорат қилиш масалалари бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан хулосалар бериш;

- давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар ва республика жамоат бирлашмаларидан «Ўзстандарт» агентлигига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни олиш;

- хўжалик бирлашмаларидан стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотлар ва техник қўмиталар ташкил этишни талаб қилиш;

- стандартлаштириш, метрология, республика халқ хўжалиги учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш муаммоларини кўриб чиқиш бўйича вақтинчалик илмий-техника комиссиялари тузиш;

- идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан стандартлар ва техник шартларга риоя қилиниши, ўлчовларнинг, сертификатлашнинг ягоналиги таъминланиши, истеъмолчилар ва давлат манфаатларини, шу жумладан одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсизлик, атроф-муҳитнинг муҳофаза қилиниши, маҳсулотларнинг мувофиқлиги ва ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчанлиги, ресурсларни тежаш, уларни назорат қилиш методларининг ягоналиги ва маркировка қилинишининг ягоналиги билан боғлиқ стандартлар ва техник шартлар талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида

белгиланган бошқа талабларни ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек экспортга етказиб берилаётган ва импорт бўйича олинаётган маҳсулотлар сифати устидан давлат назоратини амалга ошириш;

➤ давлат метрология назоратини ўтказиш;

➤ назорат қилинаётган маҳсулотлар кўрсаткичларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш мақсадида сотиш ва сақлаш корхоналарида назорат харидини ўтказиш йўли билан маҳсулотлар сифатининг давлат назоратини ўтказиш;

➤ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қоидалари бузилганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсир кўрсатишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирларини қўллаш;

➤ маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини оширишни таъминламайдиган ҳамда истеъмолчилар талабларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив ҳужжатларни бекор қилиш, уларнинг амал қилиш муддатини чеклаш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида аттестат (гувоҳномалар)ни бекор қилиш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш;

➤ маҳсулотлар, хизматлар, сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш ва мувофиқлик сертификатлари бериш;

➤ стандартларда ва техник шартларда маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматлар сифатига нисбатан аҳоли турмуши ва саломатлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, мувофиқлик, ўзаро бир-бирининг ўрнини босишни ва ресурсларни тежашни таъминлашга йўналтирилган талабларни белгилаш;

➤ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва малга оширишда қатнашиш каби ваколатларни амалга оширадilar.

3. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари, агар ишлаб чиқарувчи, сотувчи истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товласа ёки ўз вақтида бажармаса, унга жарима солишга ҳақли.

Ўзстандарт агентлиги:

1) товарларни мажбурий сертификатлаштириш қоидалари ишлаб чиқарувчи томонидан бузилса;

2) ўзларининг кўрсатмаларини ишлаб чиқаруви (сотувчи, ижрочи) бажаришдан бўйин товласа, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаса;

3) норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, жарималар солишга ҳақлидир.

Жарима миқдори ва уни ундириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Жарима сўзсиз ундириб олинади.

Қайси ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қувватлаш давлат қўмитаси жарималар солади.

1) яроқлилик муддати ўтиб кетган ёки қонун ҳужжатларида яроқлилик муддатлари мажбурий равишда кўрсатилиши белгиланган бўлса ҳам яроқлилик муддатлари кўрсатилмаган товарларни сотиш учун қабул қилганлик ва сотганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида;

2) товарнинг сотиб олинганлигини ёки ишнинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товарнинг баҳоси ҳақидаги маълумот кўрсатилган касса ва товар чеклари ҳамда бошқа ҳужжатлар истеъмолчига берилмасдан товарлар сотилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида;

3) ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги зарур ахборот, товар (иш, хизмат) тўғрисидаги ахборот мавжуд эканлиги, шунингдек товарни алмаштириш тартиби ва шартлари бажарилмаганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баравари миқдорида;

4) товар (иш, хизмат) тўғрисида ишончли бўлмаган ёки етарлича тўлиқ бўлмаган ахборот берилганлиги энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида жарима солишга ҳақли.

Таянч иборалар: истеъмолчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шартнома, товар, норматив ҳужжат, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товар (иш, хизмат)нинг нуқсони, кафолат муддати, хизмат муддати, яроқлилик (сақлаш) муддати, касса чеки, товар чеки.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкӣ жавобгарликни қандай тушунаси?

2. Қайси органлар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлайди?

3. «Ўзбекистон» агентлигининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини тушунтириб беринг.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини тушунтиринг.

5. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини тушунтиринг.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини тушунтиринг.

7. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тўғрисидаги Қонун ҳужжатларини бузганлик учун қандай жавобгарлик қўлланилади?

Мавзу 7. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва бошқа жорий қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли.
2. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги монандлиги.

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва бошқа жорий қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли

Бевосита истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор халқаро қонун ҳужжатлари, шартномалар ва битимлар мавжуд.

1. БМТнинг Истеъмолчилар манфаатлари ҳимоясига оид резолюцияси.

2. 1973 йилда Европа иқтисодий ҳамжамияти Кенгаши томонидан қабул қилинган Истеъмолчилар ҳуқуқлари хартияси.

3. ЕИҲК томонидан 1981 йил 19 майдаги Истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимояси ва информацион сиёсатга оид Дастлабки (биринчи) ва Иккинчи дастурлари.

4. МДҲга азо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг 1995 йил 13 майдаги Санкт-Петербург шаҳрида имзоланган «Парламентлараро Ассамблеяси қатнашчиси бўлган давлатларнинг истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини тартибга солишнинг умумий тамойиллари ҳақида»ги тавсиявий характердаги қарори.

Аввало шуни айтиш зарурки, истеъмолчилар ҳуқуқларини асосий қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш умуминсоний тамойилларга асосланади, яъни инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Инсон ўз шахсий ҳаёти учун товар сотиб олишдан, муайян хизматлардан фойдаланишдан ва ишлар бажарилиши натижасидан манфаатдор экан, у истеъмолчи сифатида ўз ҳаётини гўёки «гаровга» қўяди. Чунки нуқсонли, сифатсиз, фойдаланишга яроқсиз товар (иш, хизмат) унинг ҳаётига, соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин.

«Истеъмолчи ҳамиша ҳақ» тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, истеъмолчига ўзи бузилган ҳуқуқини, манфаатини суд орқали тиклаш имконини беради. Ушбу моддага асосан «ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади».

«Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак» (И. Каримов).

Давлат бош ислохотчи сифатида ҳар қандай мамлакатни ривожлантириш йўлида ислохотларни амалга оширар экан, аввало, инсон манфаатини биринчи ўринга қўяди. Инсон эса жамиятда асосий фуқаролик муносабатларида истеъмолчи сифатида гавдаланади. Айнан шу ҳолат ҳам мамлакатимиз Бош қонунда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида таъкидланишича, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенглигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатлари орасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Зеро, истеъмолчи ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлиб, унинг ўрганиш предмети ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси II қисмдан иборат бўлиб қуйидаги бўлимларни ўз ичига қамраб олади:

1-бўлим. Умумий қоидалар

2-бўлим. Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар.

3-бўлим. Мажбурият ҳуқуқи.

4-бўлим. Интеллектуал мулк.

5-бўлим. Ворислик ҳуқуқи.

6-бўлим. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ этиш.

Жами моддалар (статья) 1199 та.

Фуқаролик кодекси асосан мулкӣ ва шахсий-номулкий муносабатларни тартибга солади. Фуқаро истеъмолчи сифатида ижтимоий муносабатга киришганда у мулкӣ мазмун касб этади.

Фуқаролик кодексининг 3-моддаси «Фуқаролик қонун ҳужжатлари» деб номланиб, унинг иккинчи қисмига асосан бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари фуқаролик кодексига мос келиши керак. Демак, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан бири – истеъмолчи билан боғлиқ муносабатни тартибга солувчи «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам фуқаролик кодекси талабларига мос келиши талаб қилинади. Агар фуқаролик кодекси ва «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда бир-бирига мос келмайдиган, қарама-қарши нормалар мавжуд бўлса, амалиётда қўллашда фуқаролик кодекси устивор ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун фуқаролик қонун ҳужжатлари жумласига

киради ва унга нисбатан бевосита ёки билвосита фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари татбиқ қилинади.

2. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги монандлиги

Маълумки, ҳар қандай қонунда муайян ўзига хос атамалар, иборалар мавжуд бўлади. Кўп ҳолларда турмушда ушбу иборалар ва атамалар турли мазмун касб этиши ва турлича маънода талқин этилиши мумкин. Бу эса қонунлар мазмунини тўғри англаб етиш ва уларни ижро этишга халақит беради. Худди шу сабабли «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида ушбу қонунда қўлланилган асосий тушунчаларга таъриф берилган.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида истеъмолчи тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: истеъмолчи – фойда чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс) ҳисобланади. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, фақатгина жисмоний шахс истеъмолчи бўлиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 16-моддасига асосан жисмоний шахс деганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Жисмоний шахс ҳуқуқ субъекти сифатида қандай белгиларга эга бўлиши керак, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, фуқаро муайян мажбурият муносабатларида қатнашиш, йирик суммаларда битимлар тузиш учун муомула лаёқатига эга бўлиши керак. Бироқ, истеъмолчи мақомини олиш учун ҳеч қандай муомала лаёқати талаб этилмайди. Фуқаронинг ҳуқуқий лаёқатига эга бўлиши кифоя.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг 17-моддасига асосан, фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. Фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни 18-моддада берилган. Бу моддага асосан фуқаролар:

Мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, (деҳқон) фермер хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин. Фуқаролар бошқа мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларига ҳам эга бўлишлари мумкин.

Бу ўринда шуни ҳам эътироф этиш лозимки, жисмоний шахснигина истеъмолчи сифатида тан олиниши замирида чуқур маъно ётади. Ҳар қандай жисмоний шахс энг аввало, биологик мавжудот, у яшаши, ҳаёт кечириши учун озиқ-овқат, кийим-бош, тураржой ва шу қабиларни истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиши шарт. Унинг бу эҳтиёжлари фақат кишилиқ жамиятида қондирилиши мумкин.

Айни вақтда инсон социал мавжудот ҳам, у шахс сифати жамиятда, фуқаро сифатида давлатда ҳаракат қилиш учун муайян ижтимоий хизматларга, товарларга, билим ва ахборотлар олишга, транспорт, коммуникация воситаларидан фойдаланиш ва шу қабиларга эҳтиёж сезади.

Жисмоний шахснинг биологик ва социал мавжудот сифатидаги эҳтиёжлари бу эҳтиёжларни қондириш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу эҳтиёжларни қондирмай туриб, баркамол инсонни, шахсни, фуқарони шакллантириб бўлмайди. Шу сабабли ҳам инсоннинг моддий, маиший ва бошқа эҳтиёжларини қондириш – бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Аслини олганда жамиятдаги барча ижтимоий институтлар, иқтисодий тузилмалар инсон мавжудлиги учун бор ва унга хизмат қилади. Энг асосийси шундан иборатки, инсон мавжудлиги учун ҳар куни ўнлаб товар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар билан ҳуқуқий муносабатларга киришади. Бу ҳуқуқий муносабатларнинг пировард мақсади инсоннинг моддий, маънавий ва маиший эҳтиёжларини тўла ва самарали қондириш ҳисобланади. Демак, бундай ҳолатда, товарлар, ишлар, хизматлардан бевосита ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланадиган шахс алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиши лозим ва бундай мақом истеъмолчи ҳуқуқий мақоми ҳисобланади.

Фуқаролик Кодексининг 425-моддасининг (чакана олди-сотди шартномаси) 1-қисмида ҳам истеъмолчи тушунчаси мазмунини очиб берувчи белгилар мужассамлашган. Унга кўра фуқаро чакана олди-сотди шартномаси орқали шахсий мақсадлар, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда товар сотиб олган ҳам истеъмолчи ҳисобланади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида санаб ўтилган истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари қаторига истеъмолчиларнинг билим олишга бўлган ҳуқуқини ҳам киритиш лозим. Шунингдек қонунга алоҳида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида истеъмолчиларнинг билим олишга бўлган ҳуқуқи» деб номланган моддани киритиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки истеъмолчилар ҳам ўзларининг ҳуқуқлари ҳақида етарли билимга эга эмаслар. Бозор иқтисодиёти истеъмол бозорида барча истеъмолчиларнинг ушбу билимларга эга бўлишларини тақозо этади.

Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқларидан яна бири, бу ишлаб чиқарувчилар томонидан истеъмолчиларга тақдим этилаётган товар (иш, хизмат)лар натижаларини тегишли даражада сифатли бўлишига бўлган ҳуқуқлар. Шу жиҳатдан Қонуннинг 8-моддасининг мазмуни Ўзбекистон

Республикаси фуқаролик кодексининг «Товарнинг сифатини текшириш» деб номланган 407-моддаси мазмунига яқин. Аммо улар ўртасида бевосита номутаносиблик мавжуд. ФКнинг ушбу моддасида товар сифатини текшириш шартномада ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилиши назарда тутилган. ФКда жумладан шундай дейилган: «Агар қонун ҳужжатларида, шу жумладан давлат стандартларида, ёки олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига топшириладиган товар сифатини текшириш (синаш, айнан таҳлил қилиш, кўздан кечириш ва ҳоказо) мажбурияти назарда тутилган бўлса, сотув олувчининг талаби билан сотувчи унга товар сифати текширилганлигининг исботини тақдим қилиши лозим». Қонуннинг 8-моддасининг охириги бандида эса бундай дейилган: «Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларини тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт».

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси «Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш» деб юритилади. Бунда истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди. Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкӣй зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

Маънавий зарар деганда, истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганда унга етказилган жисмоний оғриқлар, руҳий изтироблар, қийноқлар тушунилади. Фуқаролик кодексининг 1022 моддасида маънавий зарар худди шу маънода талқин қилинади.

Қуйидагилар ушбу норма орқали маънавий зарарни ундириш учун асос бўлиб ҳисобланади:

а) истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилиши. Бу ҳуқуқлар 4-моддада келтирилган. Ушбу ҳуқуқлар истеъмолчи билан шартномавий муносабатларга киришган тадбиркорлик субъекти (товар сотувчи, иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) томонидан бузилган бўлиши мумкин. Айни вақтда шуни ҳам унутмаслик керакки, гарчи истеъмолчи билан шартномавий муносабатларга киришмаган бўлса ҳам, товарлар, иш, хизматлардан фойдаланиш жараёнида фуқарога маънавий зарар етса, у ҳолда ушбу товарларни сотувчи (ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи субъект) маънавий зарарни пул кўринишида қоплаши шарт.

б) истеъмолчига маънавий зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши. Бунда айб ҳар қандай шаклларда намоён бўлиши мумкин.

с) маънавий зиённинг мавжудлиги. Юқорида айтилганидек, маънавий зарар истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганлиги сабабли унга етказилган жисмоний азоб-уқубатлар ва руҳий психологик қийналишлар, изтироблар кўринишида намоён бўлади. Маънавий зарар етказилганлиги фактини аниқлашда жабрланувчи – истеъмолчининг тиббий картасидаги қайдлар,

тиббий экспертиза, рухий экспертиза якуний хулосалари муҳим роль ўйнайди.

Маънавий зарар истеъмолчи ва товар ишлаб чиқарувчи, ўртасида ихтиёрий келишув асосида ҳам, суд қарори асосида ҳам қопланиши мумкин.

Маънавий зарар жиноят натижасида, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёхуд фуқаролик ҳуқуқбузарлиги орқасида 1021-1022 – моддаларида белгиланган қоидалар асосида қопланади. Маънавий зарарни пул кўринишида қоплаш миқдорини суд белгилайди. Суд бунда ўз ҳолича иш тутмасдан, балки ФКнинг юқоридаги нормаларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелида қабул қилинган «Маънавий зарар қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори асосида иш кўради.

ФКда маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш мезонлари аниқ-равшан кўрсатилган. Бинобарин, суд бунда биринчи галда эътиборга олиши лозим бўлган ҳолат, бу ҳуқуқбузарнинг айби бор ёки йўқлигидир. Одатда, маънавий зарар ҳуқуқбузарнинг айби бўлган ҳолатдагина қопланади.

Қуйидагилар маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш мезонлари бўлиб ҳисобланади:

1. Жабрланувчи истеъмолчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятлари:

а) зарар етказилган ҳақиқий ҳолат (яъни, зарар етказиш усули, оқибатлари, ҳуқуқбузарликнинг содир бўлиш шарт-шароитлари ва шу кабилар);

б) жабрланувчининг шахсий хусусиятлари (ўзига оғир олгани, жинси, оилавий ҳолати, хизмати, соғлиги, ёши, жамиятдаги мавқеи ва шу кабилар).

2. Зарур етказувчининг айбдорлик даражаси (қасддан, ғаразли мақсадларда содир этгани, кўзлаган мақсади ва кўрган манфаати ва шу кабилар) ҳисобга олинади.

3. Оқилоналик талаблари (яъни, ҳуқуқбузарнинг шахсий ва мулкӣ ҳолати, унинг маънавий зарарни қоплаш бўйича саъй-ҳаракатлари ва имкониятлари, жабрланувчининг мулкӣ ҳолати), оладиган товон пулини унинг азоб-уқубатларини бартараф этишга таъсири ва шу кабилар.

4. Адолат талаблари (тўланадиган пул миқдори ва маънавий зарар характери ўртасида мутаносиблик, тўланадиган тавон ҳуқуқбузарни ҳушёр тортиришга, тарбияланишига, қайта тузилишига хизмат қилиши) ҳам эътиборга олиниши зарур.

Яна бир жиҳатни унутмаслик лозим. Англосаксон ҳуқуқ тизимида маънавий зарарни ундиришда асосий мезон-зарар етказувчининг мулкӣ ҳолати ҳисобланади. Агар у ўта бой бўлса, у тўлайдиган тавон пули ҳам шу қадар катта ҳажмда белгиланади.

Таянч иборалар: мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, интеллектуал ҳуқуқ, муомула лаёқати, ҳуқуқӣ лаёқати, маънавий зарар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қандай халқаро ҳужжатлар мавжуд?
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси неча бўлимдан ташкил топган?
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси неча моддадан ташкил топган?
4. Фуқаронинг (истеъмолчининг) ҳуқуқ лаёқатини қандай тушунаси?
5. Фуқаронинг муомула лаёқатини қандай тушунаси?
6. Фуқаролик кодексининг қайси моддалари истеъмолчини ҳимоя қилишга қаратилган?
7. Фуқаролик кодексининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан монандлиги нимада?
8. Фуқаролик кодексининг 1022 соддасига биноан маънавий зарарни ундириш учун нималар асос бўлиб ҳисобланади?
9. Истеъмолчиларга етказилган маънавий зарарни ундиришда асосий меъзонлар нималар ҳисобланади?
10. Маънавий зарарни қоплаш фуқаролик кодексининг қайси моддаларида келтирилган?

Мавзу 8. «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти

Режа:

1. Стандартлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти.
2. Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш хизмати.
3. Стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари.

1. Стандартлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти

Одатда аёс "нòàíààðò áóèè÷à" àããàí èáíðàíè êŷí èøèàòàìès. Õŷø ñòàíààðò ŷçè íèìà? Ñòàíààðò – áó êŷí÷èèèè ìàíòààòàíð òíííèàð èáèèøóàè àñíñèàà èøèàá ÷èкèèãàí àà ìàíèòí ñíхàèàðàà ýíã ìàқáóè ààðàæàèè òàðòèáèàøèðèðèãà éóíàèòèðèèãàí òàíàà òàíèèŷòíèíã òàð òèè òòðèàðèãà àà ìàòèæàèàðèãà òãèèøèè áŷèãàí òíòíèè àà òàèðíð қŷèèàíèèàèèãàí кííóí-кíèààèàð, òàâñèòèèàð, òàèàáèàð àà óñóèèàð áãèèèèàíãàí òàíàà òàí íèèíãàí èãíðà òíííèèàí òàñàèкèàíãàí ìàú,ðèè òóæàòàèèð.

Ñòàíààðòèèàð òàí, òãííèèè àà òàæðèáèèàðíèíã òíòíèàøèðèðèèãàí ìàòèæàèàðèãà àñíñèàíãàí òàíàà æàíèŷò ó÷óí ðкíðè ààðàæààãèè òíèãàãà ŷðèøèãà éóíàèòèðèèãàí áŷèèèè èãðàè.

Ñòàíààðòèèàð ààðàæàñèèàà қàðàá òàèқàðí, ìèíòàқààèè, àãèèàòèèàððí, ìèèèèè àà êíðòíà ìèк,ñèèàà òàíèèŷò èŷðñàòààè.

Стандартлаштириш ҳар қандай объектининг муайян жиҳатлари билан чекланиши мумкин. Масалан, оёқ кийимга нисбатан ёндашиладиган бўлса, унинг катта-кичиклиги ва пишиқлигини алоҳида стандартлаштириш мумкин.

Стандартлаштириш объекти сифатида хизмат – халққа хизмат қилишни ҳамда корхона ва ташкилотлар учун ишлаб чиқариш хизматини ўз ичига олади. Стандартлаштиришнинг бошқа объектлари фаолиятининг бириктирилган соҳаларида Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан белгиланади.

Одатда халқаро, минтақавий ва миллий стандартлаштириш идоралари мавжуд бўлади.

Халқаро стандартлаштириш фаолиятида барча мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этиши мумкин.

Минтақавий стандартлаштириш деганда дунё миқёсида биргина жуғрофий ёки иқтисодий минтақасига қарашли мамлакатларнинг тегишли идоралари учун эркин ҳолда иштирок этишлари мумкин бўлган стандартлаштириш тушунилади.

Миллий стандартлаштириш – бу муайян бир мамлакат доирасида ўтказиладиган стандартлаштириш фаолиятidir.

Стандартлаштириш ҳар хил фаолият турлари ва унинг натижаларига тегишли қоидалар, умумий қонун-қоидалар ёки тавсифларни ўзида қамраб олган меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

«Меъёрий ҳужжат» атамаси стандартлар, техник шартлар, шунингдек умумий кўрсатмалар, йуриқномалар ва қоидалар тушунчасини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Стандартлаштириш мақсадлари кўп қиррали бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборат: уйғунлаштириш (ҳар хилликни бошқариш), қўлланишлик, маслашувчанлик, ўзаро алмашинувчанлик, соғлиқни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ташқи муҳитни асраш, маҳсулотни ҳимоялаш, ўзаро тушунишликка эришиш, савдодаги иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва бошқалар. Бир мақсаднинг амалга ошиши билан бир вақтда бошқа мақсадлар ҳам амалга ошиши мумкин.

Стандартлаштиришда «маҳсулотнинг ўз вазифасига мувофиқлиги» деганда маҳсулот, жараён ёки хизматнинг белгиланган шароитларда муайян вазифаларни бажариш қобилияти тушунилади.

Мослашувчанлик эса, маълум шароитларда белгиланган талабларни бажариш учун номақбул таъсир кўрсатмасдан маҳсулотларнинг биргаликда қўлланишга яроқлилиги тушунилади.

Ўзаро алмашинувчанлик – бир хил талабларни бажариш мақсадида бир маҳсулот (жараён, хизмат)дан фойдаланиш ўрнига бошқа бир маҳсулот (жараён, хизмат)дан фойдаланишга яроқлилигидан иборат. Қар хилликни бошқариш (унификациялаштириш ёки бирхиллаштириш деб, муайян эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган энг мақбул ўлчамларни ёки маҳсулот, жараён ва хизмат турларини танлашга айтилади.

2. Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш хизмати

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларнинг ташкил этилишини, мувофиқлаштирилишини ва ишларнинг мақбул даражада олиб борилишини қуйидаги идоралар таъмин қиладилар:

- тармоқлараро йуналишга белгиланган маҳсулот бўйича уздавстандарт;
- қурилиш ва қурилиш саноати, лойиҳалиш ва конструкциялаш бўйича – Ўзбекистон республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;
- табиий ресурслардан фойдаланишни йўлга қўйиш, атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳаси бўйича – Ўзбекистон Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;
- тиббий йўналишдаги маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори-дармонлар ва республика саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркибида инсон учун зарарли моддалар миқдорини тартибга солиш бўйича – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни вазирликлар, техникавий қўмиталар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг истиқболли режалар асосида тузилган йиллик режа бўйича Ўздавстандарт амалга оширади.

Республика стандартлаштириш режасига биринчи навбатда миллий стандартлар талаблари билан уйғунлаштириш, кишиларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсизлиги, атроф-муҳитнинг муҳофаза қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши, миллий ижтимоий-иқтисодий ва техниавий дастурларнинг амалга оширилишининг таъминлайдиган миллий стандартларни ишлаб чиқиш киритилади.

Ўзстандарт агентлиги, Давархитектурқурилишқўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бириктирилган соҳалар бўйича республика стандартларни кўриб чиқади, тасдиқлайдилар, уларнинг қўлланиш муддатини чўзадилар ва бекор қиладилар ҳамда унга ўзгартиришлар киритадилар.

Халқ хўжалиги тармоқларида стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология бўйича Ўзстандарт агентлигининг вазифалари қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча жисмоний шахслар ва мулк шаклидан қатъи назар юридик шахсларга Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш туғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификациялаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ва меъёрий актларга амал қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

2. Олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари асосида стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

3. Халқаро стандартлар бўйича (ISO) ягона маълумотлар базасини яратиш;

4. Мажбурий сертификатлаштиришга кўрсатилган маҳсулот ва хизматларнинг янги рўйхатини белгиланган тартибда тузиш ва тасдиқлаш. Бу рўйхатни хар йили янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларни эътиборга олган ҳолда, тадбиқ этилаётган янги технологиялар ва материалларни эътиборга олган ҳолда янгилаб бориш;

5. Маҳсулот ва хизматларни сертификациялаштиришнинг янги тартибини ишлаб чиқариш ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш;

6. Замонавий давлат стандартлари ва эталонларини ишлаб чиқиш ва уларнинг халқаро тизимга уйғунлигини таъминлаш;

7. Маҳсулотлар ва хизматларни сертификациялаштириш ва синовларни ўтказишнинг замонавий тизимини ташкил этиш ва бошқалар.

3. Стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари:

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

– ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари:

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

– Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ҳақида;

1. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?
2. Товарларнинг сифатини қандай тушунасиш?
3. Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қандай тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади?
4. «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли нимадан иборат?
5. Стандартлаштиришнинг мақсадлари нималардан иборат?
6. Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
7. ЎзСтандарт агентлигининг вазифаларини тушунтириб беринг.

Мавзу 9. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти

Режа:

1. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунда келтирилган асосий атамалар, уларнинг мазмуни, сертификатлаштиришнинг мақсади ва вазифалари
3. Сертификатлаштириш схемалари.
4. Эксперт аудиторлар ва уларга қўйиладиган талаблар.

1. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунда келтирилган асосий атамалар ва уларнинг мазмуни

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни 1993 йил 28 декабрда қабул қилинди. Бу қонун 4 та бобдан ташкил топган бўлиб 23 та моддани қамраб олади. Бугунги кунда Республикамизда сертификатлаштириш миллий тизими жорий қилинган бўлиб, фаолият кўрсатмоқда. Мазкур қонунга биноан маҳсулотларни сертификатлаштириш деганда – маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга доир фаолият тушунилади.

Мазкур Қонунда қуйидаги асосий атамалар ишлатилади:

- «сертификатлаштириш миллий тизими» - давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказиш ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим;
- «маҳсулотларни сертификатлаштириш» (матнда бундан кейин «сертификатлаштириш» деб юритилади) – маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият;
- «мувофиқлик белгиси» - муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

➤ «бир турдаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни сертификатлаштириш тизими)» - айнаи бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаштириш тизими;

➤ «синов лабораториясини аккредитация қилиш» - синов лабораториясининг (марказининг) муайян маҳсулот синовини ёки муайян синов турини амалга оширишга доир ваколатларининг расмий эътирофи.

2. Сертификатлаштиришнинг мақсади ва вазифалари

Сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари Қонунда қуйидагича келтирилган:

а) одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

б) маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

с) мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар ҳалқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро-савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

д) истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

е) маҳсулот тайёрловчиси таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

3. Сертификатлаштириш схемалари

Сертификатлаштириш бўйича ИСО таркибидаги қўмита томонидан тайерланган хужжатда учинчи томон тарафга ошириладиган сертификатлаштиришнинг саккизта схемаси берилган бўлиб, республикамизда ҳам айнан шу 8 та схема тадбиқ этилган:

Биринчи схема. Бу схема билан фақат маҳсулот намуналари турларини стандартлар талабларига мувофиқлигини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилади. Бу хилдаги сертификатлаштиришда синовга тақдим этилган намунани белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланади, холос. Бу йил ўзининг соддалиги ва унга қўп харажат талаб қилмаслиги туфайли миллий ва халқаро савдо муносабатларида муайян даражада тарқалган.

Иккинчи схема. Бу схемада маҳсулотнинг намуна турларини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилиб, сўнгра унинг сифатини савдо шахобчаларидан вақти-вақти билан олинадиган намуналар асосида назорат қилиб борилади. Бу усул тақдим этилган намуналар сифатини баҳолаш билан серияли чиқаётган маҳсулотнинг сифатини ҳам баҳолаш имконини беради. Усулнинг афзаллиги унинг соддалигидадир. Унинг камчилигига эса назорат синовлар натижасига қараб, агар маҳсулот стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланилса, барибир уни савдо

шаҳобчаларидан чиқариб ташлаш мумкин бўлмайди ёки уни чиқариб ташлаш учун бирмунча қийинчиликлар туғилади.

Учинчи схема. Маҳсулот намуналарининг турларини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказиш, сўнгра сотувчи ёки истеъмолчига юбормасдан туриб вақти-вақти билан намуналарнинг текширувини назорат қилишга асосланади. Иккинчи схемадан фарқланувчи томони шуки маҳсулот савдо шаҳобчаларига тушмасдан туриб, синов назорати ўтказилади ва стандартга номувофиқлиги аниқланса, маҳсулотнинг истеъмолчига жўнатилиши тўхтатилади.

Тўртинчи схема. Маҳсулот намуналарининг турларини худди 1-3-схемалардек синовдан ўтказишга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасидаги ҳамда ишлаб чиқаришдан олинган намуналарининг текшириш назорати вақти-вақти билан ўтказиш орқали маҳсулотнинг сифати ҳисобга олинади. Бу ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг чиқарилишига маълум харажатлар бўлгандан кейин стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланади.

Бешинчи схема. Бу схема маҳсулот намуна турларини тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифатини баҳолашга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасида ва ишлаб чиқаришда намуналар сифатини назорат қилиб борилади. Бу сертификатлаштириш усули фақат маҳсулотнинг сифатини назорат қилибгина қолмай, балки корхонада чиқазиладиган маҳсулотнинг сифатини керакли даражада бўлишини ҳам назорат қилади. Табиийки, корхонада маҳсулот сифатини таъминлашда, тизимни баҳоланишида ва унинг мезонини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу усул саноати ривожланган мамлакатларда ҳамда халқаро сертификатлаштириш тизимларида энг кўп тарқалган схемадир. Биринчи-тўртинчи схемаларига қараганда бу схема энг мураккаб ва нисбатан қимматроқ турадиган схема бўлиб, унинг афзаллиги истеъмолчи маҳсулот сифат даражасини юқори эканлигига ишонч ҳосил қилади, бу эса асосий мезон ҳисобланади.

Олтинчи схема. Фақат корхонадаги маҳсулотнинг сифатини таъминлаш билан тизимини баҳолашини ўтказишга мўлжалланган. Бу усул айрим вақтда корхона-тайёрловчини аттестатлаш деб ҳам юритилади. Бу хил сертификатлаштиришда фақат корхонанинг белгиланган сифат даражадаги маҳсулотни чиқариш қобилияти баҳоланади.

Еттинчи схема. Маҳсулотнинг хар бир тайёрланган тўдасидан синовларга танлаб олишга асосланган. Танлаб олиш синовларнинг натижаларига қараб тўдани ортиш учун қарор қабул қилиниши аниқланади. Бу хилдаги сертификатлаштириш учун танланманинг ҳажми аниқланиши лозим. Бу эса тайёрланган тўданинг катта-кичиклигига мақбул бўладиган сифат даражасига боғлиқ. Ўлабул қилинган қоидага асосан танланмани тушлаш ваколатланган синов ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бу хил сертификатлаштириш қўлланилиши статистик усулни қўллаш билан боғлиқдир.

Саккизинчи схема. Кар бир тайерланган, айрим буюмнинг стандартлар талабига мувофиқлиги синовлар ўтказиб аниқлашга асосланган. Бу сертификатлаштириш усулида юқорида схемаларга қараганда таъминловчининг масъулияти анча юқори. Табиийки муваффақиятли синовлардан ўтган буюмларгина сертификат ёки мувофиқлик белгисини олади. 8-схема маҳсулотга нисбатан юқори ва қатъийроқ талаблар қўйилганда ишлатилишга асосланган ёки маҳсулотнинг ишлатилиши натижасида стандарт талабларга мос келмаслиги истёъмолчига катта иқтисодий зарар етказганида қўлланилади. Бу хил сертификатлаштириш қимматбаҳо металллардан ва қотишмалардан тайёрланадиган буюмларда кўпроқ қўлланилади. Бундан асосий мақсад қимматбаҳо металлларнинг белгиланган миқдорини, таркибини ва буюмнинг тозалигини текширишдир.

Буюк Британия институти томонидан сертификатлаштиришнинг янги ҳили яратилиб, бу усул билан фақат ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларини тасдиқланиши (аттестатланиши)га асосланган.

Хозирги замон адабиетида ҳар бир сертификатлаштириш схемасининг афзаллиги ва камчиликлари таҳлил этилган. Буларнинг ичида энг мукаммал ва мураккаби бешинчи схемадир. Бу схема тулик булганлиги учун уни асос қилиб олиб, ҳозирги замон халқаро сертификатлаштириш тизимини яратилмоқда.

Сертификатлаштириш тизимларини бошқарувчи идора муайян турдаги маҳсулот сифатининг назоратини ташкил этиш, стандартларга риоя қилишни мажбурий талаб этишини, истёъмолчи ва савдо талабларини эътиборга олиб, мамлакатдаги амалда булган қонунлар ва меъерий ҳужжатлар асосида уз ишини ташкил этади.

Сертификатлаштириш идораси синовларни ўтказиш, корхонадаги ва савдо шаҳобчасидаги маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш ҳамда назоратни ташкил қилиш ва шунга ухшашларни бажариб ўқинчи томон вазифасини бажаради.

4. Эксперт аудиторлар ва уларга қўйиладиган талаблар

Сертификатлаштириш билан боғлиқ булган фаолиятга фаол қатнашувчи шахс бу эксперт-аудитордир. У одатда сифат тизимларини, ишлаб чиқаришни ва маҳсулотни сертификатлаштиришда синов лабораторияларини аккредитлашда ва бошқа ишларда қатнашиши мумкин.

Эксперт-аудитор деб, сертификатлаштириш соҳасида муассаси ва корхоналар фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга булган аттестатланган шахсга айтилади.

Эксперт-аудитор сифатида Ўздавстандарт томонидан белгиланган тартибда аттестатланган фан, саноат, маиший хизмат, институтлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳамда белгиланган ҳужжатлар билан ишлашда етарли чуқур билимга эга булган хусусий шахс ҳам бўлиши мумкин.

Эксперт-аудитор қуйидаги вазифаларни бажаради:

– махсулот, жараен, хизматларни, сифат тизимларни ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш;

– сертификатлаштирилган махсулот, жараен ва хизматларнинг тавсифларини ҳамда сертификатлаштирилган сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришнинг тургунлигини назорат қилиш;

– сертификатлаштириш бўйича аккредитлаш идоралари, синов лабораторияларини (марказларини) ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш; -сертификатлаштиришда тавсиялар бериш.

Эксперт-аудитор уз фаолиятини сертификатлаштириш миллий идораси, бир турдаги махсулотни сертификатлаштириш идоралари, сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш доирасида амалга оширади.

Эксперт-аудитор муайян талабларга жавоб бериши лозим:

– тўлиқ олий маълумотли ва сертификатлаштириш соҳасида етарли билимга эга бўлиб, фаолияти сертификатлаштиришнинг маълум тури бўйича аттестатланган бўлиши керак;

– олий укув юртини тамомлагандан сунг камида 5 йиллик амалий стажга эга бўлиши, шундан камида 3 йили стандартлаштириш, метрология, синовлар, сифатни бошқариш ва таминлаш соҳаларида ишлаган бўлиши керак.

– Эксперт-аудитор чуқур билимли, тадбиркор булмоги лозим. У қуйидаги соҳалар бўйича билимларни мукаммал эгаллаган бўлиши шарт:

– Республика сертификатлаштириш миллий тизиминингкоида ва тартиблар;

– сертификатлаштириш утказиш бўйича билимлар ва меъерий ҳужжатларни тушуниш;

– сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича асосий ишлар мазмуни;

– сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича иктисодий ва ҳукукий асослари;

– мамлакат ичидаги ва чет эллардаги сертификатлаштириш ва аккредитлаш тажрибаси;

– сертификатлаштириш. Метрология ва сифат тизимларининг асослари;

– текширувга утказиш ва сифатни бошқаришининг статистик усуллари.

Эксперт-аудитор таҳлил қилиш, мантикий асослаш, узининг фикрини каттик ва асосланган ҳолда химоя қилишлик; ижодий қобилиятга ва мураккаб вазиятга тугри қарор қабул қилиш хусусиятларига эга бўлиши; ҳаққоний, маъсулиятли, принципаал равишда ҳайрихоҳ, ҳушмуомалали, одобли ва узини тута билишлик каби шахсий сифатларга эга бўлиши керак. Эксперт-аудитор текшириладиган объектнинг ходимлари билан алоқада бўлиш ва керакли ҳужжатлар билан танишиш; маълумот учун ҳар қандай қушимча маълумотлар талаб қилиш(сертификатлаштириш мақсадлари учун); тизимда амалдаги меъерий-услугий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича уз таклифини бериш; сертификатлаштирувчи махсулот, жараен, хизматлар, Сифат тизими ва ишлаб чиқариш бўйича режаларни тузатиш юзасидан уз мулоҳазаларини қиргазиш ҳукукига эгадир.Корхоналарда

сертификатлаштириш соҳасидаги ишларни инобатларга олиб, сертификатлаштириш миллий идораси Ўздавстандарт томонидан эксперт-аудиторлар тайерлаш махсус турлари ташкил этилиб, бу соҳадаги уқишнинг ташкилий томонлари ЎзТМТИнинг асосий фаолиятларидан бири деб қаралмоқда. Эксперт-аудиторларини тайерлаш одатда икки босқичда олиб борилади: назарий билимларни олиш ва аттестатлаш натижасида уларга тегишли расмий ҳужжатлар топшириш.

Талабларнинг назарий билимларини Ўздавстандарт томонидан тузилган махсус комиссия баҳолайди. Баҳолашни натижалари етарли даражада бўлса, уларга сертификатлаштириш миллий тизимининг эксперт-аудитори деган гувоҳномаси берилади (агар аттестатлашдан утмаса рад этилади).

Эксперт-аудиторлар уларга юклатилган вазифалари бўйича муъайян бурч ва маъсулиятларга эгадирлар.

Таянч иборалар: истеъмолчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шартнома, товар, норматив ҳужжат, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товар (иш, хизмат)нинг нуқсони, кафолат муддати, хизмат муддати, яроқлилиқ (сақлаш) муддати, касса чеки, товар чеки.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?
2. Товарларнинг сифатини қандай тушунаси?
3. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизимини тушунтириб беринг.
4. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг мақсадлари нималардан иборат?
5. «Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?
6. Мувофиқлик сертификати нима?
7. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини тушунтириб беринг.
8. Сертификатлаштириш схемаларини тушунтириб беринг.
9. Эксперт-аудиторларга қандай талаблар қўйилади?

Мавзу 10. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонунининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли

Режа:

1. Қонунда келтирилган асосий атамалар ва уларнинг мазмуни.
2. Метрологияга доир фаолиятни давлат томонидан бошқариш.
3. Ишлаб чиқаришда метрология таъминоти ва унинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли.

1. Қонунда келтирилган асосий атамалар ва уларнинг мазмуни

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни 1993 йил 28-декабрда қабул қилинган бўлиб, 5-бўлим ва 21-моддadan иборат.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасида метрология хизматларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини яратиб берди.

Истеъмолчиларнинг метрология соҳасидаги ҳуқуқлари айнан шу Қонун орқали ҳимояланади.

Қонуннинг 1-моддасида Қонунда келтирилган асосий атамалар ва уларнинг мазмуни келтирилади. Қуйида уларни келтирамиз:

➤ «метрология» - ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан;

➤ «ягона ўлчов бирлиги» - ўлчовларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилган ва хатоликлари берилган эҳтимолликдан маълум бўлган ўлчов ҳолати;

➤ «ўлчов воситаси» - ўлчовлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятларга эга бўлган техника воситаси;

➤ «бирлик эталони» - физик ўлчам бирлигини бошқа ўлчов воситаларига ўтказиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчов воситаси;

➤ «давлат эталони» - ваколат берилган миллий органнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлчов бирлигининг ўлчами сифатида эътироф этилган эталон;

➤ «метрология хизмати» - давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

➤ «давлат метрология назорати» - метрология қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида давлат метрология хизмати органлари амалга оширадиган фаолият;

➤ «ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш» - ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмати органлари (ваколат берилган бошқа органлар, ташкилотлар) томонидан бажариладиган операциялар мажмуи;

➤ «ўлчов воситаларини калибрлар» - метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматларини ва ўлчов бирликларининг қўллашга яроқлилигини аниқлаш

ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган операциялар мажмуи;

➤ «ўлчов воситаларини метрологик аттестация қилиш» - ягона намуналарда ишлаб чиқариладиган (ёки Ўзбекистон ҳудудига ягона намуналар олиб кириладиган) ўлчов воситаларининг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш асосида улар қўлланиш учун ҳаққоний эканлигининг метрология хизмати томонидан эътироф этилиши;

➤ «метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш» - ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш ишларини аккредитация қилишни белгиланган соҳада ўтказишга метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларининг ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши;

➤ «ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун юридик шахслар метрология хизматини аккредитация қилиш» - юридик шахслар метрология хизматининг белгиланган соҳада ўлчов воситаларини калибрлашдан ўтказишда ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши;

➤ «ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш» - ўлчовларни бажариш услубиётининг унга қўйилган метрология талабларига мослигини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида тадқиқот ўтказиш;

➤ «ўлчовларнинг бажарилиши услубиёти» - операциялар ва қоидалар мажмуи бўлиб, уларнинг бажарилиши хатолари маълум бўлган ўлчов натижалари олишни таъминлайди.

2. Метрологияга доир фаолиятни давлат томонидан бошқариш

Қонуннинг 4-моддасида метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқариш тартиби келтирилади.

Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқаришни метрология бўйича миллий орган – Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги) амалга оширади.

«Ўзстандарт» агентлиги ваколатига:

➤ метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, метрологияга оид фаолиятни минтақалараро ва тармоқлараро мувофиқлаштириш;

➤ миллий эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг халқаро даражада солиштирилишини таъминлаш қоидаларини белгилаш;

➤ ўлчов воситалари, усуллари ва натижаларига қўйиладиган умумий метрологик талабларни аниқлаш;

➤ давлат метрология текшируви ва назоратини амалга ошириш;

➤ метрология масалалари бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан давлатнинг бошқа бошқарув органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон

Республикасининг бутун худудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

- метрология соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасидаги халқаро шартномаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- Метрология масалалари бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизими фаолият олиб бориши ва ривожланишини ҳамда унинг халқаро ўлчов тизими ва бошқа мамлакатларнинг ўлчовлар тизимлари билан уйғунлашувини таъминлаш;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини, фуқороларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини, атроф-муҳитни ҳамда давлат манфаатларини нотўғри ўлчов натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар қиради.

3. Ишлаб чиқаришда метрология таъминоти ва унинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишидаги роли

Ўлчаш ахборотига нафакат микдор бўйича талаблар, балки сифат бўйича ҳам талаблар қўйилади. Бунда унинг (ўлчашнинг) аниқлиги, ишончлилиги, таннархи ва самарадорлиги каби тавсифлар қиради.

Бу сифат тавсифларининг барчасининг асосида метрологик таъминот ётади. Метрологик таъминот деб ўлчашлар бирлигини таъминлаш ва талаб этилган аниқликка эришиш учун зарур бўлган техникавий воситалари, тартиб ва қоидаларнинг, меъёрларнинг, илмий ва ташкилий асосларнинг белгиланиши ва тадбиқ этилиши тушунилади.

Ушбу тавсифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, метрологик таъминотнинг вазифасига қуйидагилар юклатилган:

- ўлчаш воситаларининг ишга яроқлилигини ташкил этиш, таъминлаш ва тадбиқ этиш;
- ўлчашларни амалга ошириш, унинг натижаларини қайта ишлаш ва тавсия этиш борасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;
- ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш;
- ўлчаш воситаларнинг давлат синовлари;
- ўлчаш воситаларнинг, услубларнинг метрологик аттестацияси ва ҳоказолар.

Метрологик таъминотнинг 4 та ташкил этувчиси мавжуддир:

1. Илмий асоси - метрология ўлчашлар ҳақидаги фандир;
2. Техникавий асослари-катталиклар бирлигининг давлат эталонлари, катталиклар бирлигини элонлардан ишчи воситаларига узатиш, ўлчаш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқишни йўлга қўйиш, ўлчаш воситаларининг мажбурий давлат синовлари ва улар бажариш услубларининг метрологик аттестацияси, ўлчаш воситаларини ишлаб чиқаришда, таъмирлашда ва ишлатишда мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш, модда

ва материалларнинг таркиби ва хоссалари бўйича стандарт намуналарини яратиш, стандарт маълумотномалар, мажбурий давлат синовлари;

3. Ташкилий асоси - давлат ва маҳкамалардаги метрологик хизматдан ташкил топган ЎзР метрология хизмати;

4. Меъёрий қонуний асослари бўлиб эса тегишли республика қонунлари, давлат стандартлари, давлат ва тармоқларининг меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади.

Метрологик таъминотнинг ўз олдига қўйган асосий мақсадлари:

- маҳсулот сифатини, ишлаб чиқариш ва уни автоматлаштиришни самарадорлигини ошириш;
- деталлар ва агрегатларнинг ўзаро алмашувчанлигини таъминлаш;
- моддий бойликларнинг ва энергетик ресурсларнинг ҳисобини олиб бориш ишончилигини таъминлаш;
- атроф-муҳитни ҳимоя қилиш;
- саломатликни сақлаш ва ҳоказолар.

Метрологик таъминот даражаси маҳсулотнинг сифатига бевосита таъсир қилади. Бу таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида метрологик профилактика ишларига ва ишлаб чиқаришни тайёрлашдаги метрологик таъминот масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Бу эса ўз вақтида республикада бозор муносабатларини янада чуқурроқ шаклланишига ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт имкониятини оширилишига муносиб замин яратади.

Таянч иборалар: истеъмолчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шартнома, товар, норматив ҳужжат, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товар (иш, хизмат)нинг нуқсони, кафолат муддати, хизмат муддати, яроқлилиқ (сақлаш) муддати, касса чеки, товар чеки.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?
2. «Метрология тўғрисида»ги Ўонуннинг истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини тушунтириб беринг.
3. «Метрология тўғрисида»ги Ўонунининг мақсадлари нималардан иборат?
4. «Метрология тўғрисида»ги Ўонунининг вазифалари нималардан иборат?

Мавзу 11. «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти

Режа:

1. «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунда келтирилган атамалар ва уларнинг мазмуни.
2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорат қилиш.
3. Озиқ-овқат маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва нормалар, қоидаларга мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини йўқ қилиб ташлаш тартиби.

1. «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунда келтирилган атамалар ва уларнинг мазмуни

«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни 1997 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб 18 та моддани ўз ичига камраб олади. Бу Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти бекиёс даражада каттадир.

Бу Қонуннинг аҳамиятини яхши тушуниб етмоқ учун Қонунда келтирилган қуйидаги атамаларнинг мазмунини тўлиқ тушуниб етмоқ керак.

1. Озиқ-овқат маҳсулоти – озиқ-овқат хом ашёси (шу жумладан алкаголли ичимликлар) ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар, ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар;

2. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати – озиқ-овқат товарларининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи;

3. Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги – озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларига ва қоидаларига мослиги;

4. Озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати (фойдаланиш муддати) – бу муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга яроқли бўлиб туради, бу муддат тамом бўлганидан кейин эса маҳсулот одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин;

5. Озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш – озиқ-овқат хом ашёсининг ҳамда озиқ-овқатларнинг хоссалари ва мезонларини атайлаб ўзгартириш ёки уларни алмаштириб қўйиш;

6. Гигиена сертификати – озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жараёнлар амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

7. Токсикология-гигиена экспертизаси – озиқ-овқат маҳсулоти устидан амалга ошириладиган бир туркум лаборатория тадқиқотлари бўлиб, улар мавжуд нормалар ва қоидалар билан қиёслашга мўлжалланган бўлади.

Мутахассисликларнинг фикрича озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланишининг асосий сабаблари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Рухсат этилмаган бўёқ моддалари, консервантлар, антиокислителларни қўллаш ёки рухсат этилганларни меъёридан ортиқча миқдорда ишлатиш;

2. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ноананавий технологияларини қўллаш, шу билан бир қаторда кимёвий, микробиологик синтез йўли билан озиқ-овқат маҳсулотларини олиш;

3. Қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонот маҳсулотларининг ўсимлик зараркунандаларига қарши ва ҳайвонлар касалланишининг олдини олишга қарши ишлатиладиган пестицидлар билан ифлосланиши;

4. Қишлоқ-хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўғитларни, саноат чиқиндиларини ишлатишнинг гигиеник қоидаларининг бузилиши;

5. Чорвачилик ва паррандачиликда рухсат этилмаган емлар, консервантлар, ўсиш стимуляторлари, даволаш медикаментларини ишлатиш;

6. Озиқ-овқат маҳсулотларига жиҳозлардан, идишлардан, инвентарлардан, ўраш-жойлаш материалларидан токсик моддаларнинг ўтиши (полимер, резина, металл материалларидан);

7. Озиқ-овқат маҳсулотларини иссиқлик ишлови берганда таркибида зарарли моддаларнинг тўпланиши;

8. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш жараёнларида санитария нормаларига итоат қилмаслик, натижада бактериял токсинларни келтириши;

9. Озиқ-овқат маҳсулотларига атмосфера, тупроқ, сув орқали токсик моддалар, хусусан радионуклеидларнинг тушиши.

2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорат қилиш

Келтирилган маҳсулотлардан шуни англаш мумкинки, озиқ-овқат товарлари турли йўللار билан ифлосланар экан. Шу сабабли ҳам «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун 1997 йил 30 августда қабул қилинди. Демак, шу кундан бошлаб истеъмолчиларни сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишдан ҳимоя қилишнинг ҳукуқий асослари яратилди десак хато қилмаймиз. Ушбу Қонуннинг озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви деб аталадиган 4-моддасида хусусан шундай дейилган: «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Бош давлат

инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат Стандартлаш агентлиги ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади: давлат томонидан нормалаш, озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш, давлат назорати ва текшируви.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни тасдиқлаш ва белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озиқ-овқат муомаласи соҳасида иш олиб борилаётган юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этиши устидан ишлаб чиқариш назоратини таъминлайдилар. Ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш тартиби озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидаларга, норматив ҳамда технология ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар бажарадиган ишлар ва хизматларнинг хусусиятларини ва шарт шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ҳамда тегишли давлат назорати органлари билан келишилади. Масалан, товарнинг шифобахш соғломлаштириш хусусияти, кишилар ҳаёти ва соғлигига, ҳайвонот дунёсига зарарли таъсири йўқлиги ёки унинг бошқа махсус тавсифи тўғрисидаги ахборотлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзстандарт агентлиги рухсати билан тақдим этилади. Товарлар ишлаб чиқарувчи агар товар хавфсизлиги тўғрисидаги қоидаларни ишлаб чиқмаган, тасдиқлашдан ўтказмаган, истеъмолчилар эътиборига маълум қилмаган бўлса ёхуд ушбу ахборот етарли бўлмаса, у ҳолда ушбу товарлардан етказилган зарар учун жавобгарлик вужудга келади.

Ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва талабларнинг қоидалари бузилганлиги аниқланган тақдирда ишларни амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйишлари шарт.

Қонунда четдан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган алоҳида модда мавжуд.

3. Озиқ-овқат маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва нормалар, қоидаларга мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини йўқ қилиб ташлаш тартиби

Мазкур қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулоти тегишли нормалар ва қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Четдан олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотини етказиб берувчи, уни дўлат рўйхатидан ўтказиш учун ишлаб чиқарувчининг ва экспорт қилувчи мамлакат махсус вакил қилган органнинг ушбу маҳсулот хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларини, тегишли экспертиза ўтказиш зарур бўлганида эса озиқ-овқат маҳсулотининг намуналарини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулоти, технологиялар ва ускуналар қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигининг нормалар ва қоидаларга мослиги давлат назорати органлари томонидан божхона органлари билан белгиланган тартибда аниқланади.

Яроқлилик муддати ўтган; сифатсизлиги белги бериб турган; таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек давлат санитария ва ветеринария назорати органлари томонидан гигиена ва ветеринария экспертизаси ва сертификатлаш синовлари натижалари бўйича овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари унинг эгаси томонидан тегишли давлат назорати органлари билан келишиб олинади. Йўқ қилиб ташлаш учун комиссия тузилади. Комиссия таркибига давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг, дўлат назорати органларининг, солиқ органларининг ва жамоатчиликнинг вакиллари киради.

Озиқ-овқат маҳсулотини экспертиза қилиш, йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартларини белгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ харажатларни унинг эгаси тўлайди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг эгаси давлат санитария ва ветеринария назорати органларига маҳсулотдан фойдаланилганлиги ёки у йўқ қилиб ташланганлиги ҳақида далолатнома тақдим этади.

Таянч иборалар: истеъмолчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шартнома, товар, норматив ҳужжат, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товар (иш, хизмат)нинг нуқсони, кафолат муддати, хизмат муддати, яроқлилик (сақлаш) муддати, касса чеки, товар чеки.

Такрорлаш учун саволлар:

1. «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?
2. Қонундаги асосий атамаларнинг мазмунини тушунтириб беринг.
3. «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли нимадан иборат?
4. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай давлат бошқаруви органлари мавжуд?
5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан товар келтириш тартиби қандай?
6. Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий хавфсизлик кўрсаткичлари ким томонидан назорат қилинади?
7. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичлари ким томонидан назорат қилинади?
8. Нормалар, қоидаларга мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини йўқ қилиб ташлаш тартиби қандай?

Мавзу 12. «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти

Режа:

1. «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли.
2. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли.

1. Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли

Соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи – инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бўлиб, уларсиз бошқа бойлик ва қадриятлар ўз қимматини йўқотади.

Шуни қайд этиш лозимки, соғлиқ инсоннинг шахсий бойлигигина бўлиб қолмасдан, ўта муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Агар жамиятда соғлигини йўқотган кишиларнинг сони кўп бўлса, самарали ривожланиш бўлмайди, чунки «боқимандалик»нинг юки аҳолининг соғлом ва ишга яроқли қисми зиммасига тушади. Демак, ҳар бир киши ўз соғлиги тўғрисидаги қайғуриши бошқаларнинг соғлигига путур етказмаслиги, давлат эса соғлиқни сақлаш тизимининг сифатли, самарали фаолият кўрсатиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиб бериши лозим.

Ўзбекистонда фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва тиббий хизмат олиш ҳуқуқи Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган. Республика қонунчилиги томонидан барча фуқаролар учун бепул ва

кафолатланган асосий, ҳамда аҳолининг айрим қатламлари учун қўшимча тиббий ёрдам кўрсатилиши белгилаб берилган.

Аммо республика фуқаролари бу ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлсада, авваламбор ўзларининг сусткашлиги туфайли бепул тиббий хизматлардан фойдаланишнинг мавжуд шартлари ва имкониятлари ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар.

Шу сабабли бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳаси, тиббий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларига риоя қилиш нуқтаи назаридан энг муаммоли соҳалардан бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ҳам Республикамизда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонун истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Бу қонун 1996 йил 29-августда қабул қилинган бўлиб, 47-моддадан иборат.

Бу қонуннинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

а) фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;

б) фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

с) давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Бу қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатлари келтирилган. Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат ёши, жинси, миллати, ирқи, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар фуқаролар соғлиғи сақланишини таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъий назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қонундан бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ушбу қонуннинг 5-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари келтирилган.

Бунга кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида даволаш-профилактика, санитария, эпидемияга қарши, радиация, экология масалалари юзасидан чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига биноан миқдор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари;

б) шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;

с) санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;

д) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўйган тартибда ўз илтимосига кўра бошқа мутахассисларнинг консилиум қилиши ва улардан маслаҳат олиш;

е) маълумотларнинг сир сақланишини;

ф) тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;

г) тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлигига зарар етказилган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши;

ҳ) ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун ҳузурига адвокат ёки бошқа қонуний вакил қўйилиши.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Қонунда миқознинг мажбуриятлари ҳам кўзда тутилган, булар қуйидагилар:

а) ўзининг ва ўзганинг соғлигини эҳтиёт қилиш;

б) тиббий ёрдам сўраб ўз вақтида мурожаат этиш;

с) мурожаат этишга сабаб булган касаллик тарихи тўғрисида врачга тўлиқ маълумот бериш;

д) тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида врач билан ҳамкорлик қилиш;

е) врачнинг барча кўрсатмаларига риоя қилиш;

ф) тиббиёт муассасасидаги қоидаларга риоя қилиш;

г) бошқа беморлар ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш.

Қонуннинг 46-моддаси истёъмолчи учун жуда муҳим ҳисобланади. Бу модда “Фуқароларнинг соғлигига етказилган зарарни қоплаш” деб юритилади. Бу моддада кўрсатилишича фуқароларнинг соғлигига зарар етказилган ҳолларда айбдорлар жабрланганлар кўран зарар ўрнини қонун ҳужжатларид белгиланган ҳажми ва тартибда қоплашлари шарт.

Ҳайриқонуний ҳатти-ҳаракатлардан жабр кўрган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишга сарфланган маблағлар уларнинг соғлигига етказилган зарар учун жавобгар бўлган жисмоний ва юридик шахслардан ундирилади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тиббиёт ва фармоцевтика ходимларини қонунга мувофиқ интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

Шундай қилиб миқозга сифатсиз тиббий хизмат кўрсатилган ёки врач унинг соғлигига путур етказган ҳолларда у ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қила олади?

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида ўз касб вазифаларини лозим даражада бажармаган (116-модда), мансабига совуққонлик билан қараш (207-модда), ҳаёти ва соғлиги хавф остига бўлган шахсларни ёрдамсиз қолдирганларга нисбатан

жавобгарлик кўзда тутилади. Бунда ўзининг бевосита хизмат вазифасини сувоққонлик ёки виждонсизлик билан бажарувчиларнинг жавобгарлиги назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг 988 ва 1022 моддаларида кўзда тутилган ҳолатлар, яъни мижоз (жабрланувчи)нинг соғлигига зиён етказилган ҳолларда, унга сабабчи бўлган тиббиёт ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш билан биргаликда даволаш-профилактика муассасасига моддий жавобгарлик юклатилади. Ушбу кодекснинг 1021 ва 1022 моддаларида етказилган маънавий зарарни суд қарорига асосан пуллик қоплаш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннига асосан мижозлар ўз соғлигига етказилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга. Бунинг учун у тиббиёт муассасаси раҳбарига ўз норозилигини хат орқали билдириши, агар натижа бўлмаса юқори турувчи-соғлиқни сақлаш вазирлигигача бўлган бошқарув органларига мурожаат этиши мумкин. Агар бунда ҳам натижа бўлмаса, у ҳолда судга даъво аризаси киритилади. Хат ҳам, даъво аризаси ҳам асосланган бўлиши-яъни маълумотнома, тиббий хизмат учун ҳақ тўланганлик тўғрисидаги қвитанция, дори ва тиббий воситалар учун касаллик тарихи картасидан кўчирма мижоз қонуннинг 24, 46, 47 моддалари бўйича зарарни ундиради ва шикоят қилади.

2. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун 1997 йил 25-апрелда қабул қилинган, 7-моддадан ташкил топган.

Асосий тушунчалар

Дори воситалари – келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир неча дори моддалари ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар.

Дори моддалари – келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган, қўллашга рухсат этилган биологик фаол моддалар.

Фармакологик воситалар – белгиланган фармакологик фаолликка эга бўлиб, клиник синов объектлари ҳисобланадиган муайян доривор шаклидаги моддалар ёки моддалар аралашмаси.

Фармакопея – дори воситалари сифатини, уларни тайёрлаш, сифат-микдор жиҳатидан назорат қилишни, сақлаш шарт-шароитларини ва номлашини белгилайдиган давлат стандартлари тўплами.

Дорихона – дори воситалари тайёрлаш, қадоқлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек дори воситалари, тиббий буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи тиббиёт муассасаси.

Бу қонуннинг 3-моддаси «Аҳолини дор воситалари билан таъминлаш соҳасидаги давлат кафолатлари» деб юритилади.

Унинг мазмуни қуйидагича: давлат дори воситаларининг асосий турларини бемалол олишни ва улар сифатли бўлишини кафолатлайди. тиббий мақсадда қўлланишга рухсат этилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан иш кўришнинг барча шакллари таъқиқланади.

Тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситаларининг тиббий буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатни белгилайди ва рўёбга чиқаради, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга доир соғлиқни сақлаш дастурларини тасдиқлайди ва маблағ билан таъминлайди, уларнинг нархларни назорат қилади.

6-модда. Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қуйидагилар мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак:

а) даволаш, касалликнинг олдини олиш, ташҳис қўйиш воситалари, шифобахш озиқ-овқат ва парафармация маҳсулотлари;

б) дориларни тайёрлашда қўлланиладиган дори воситалари субсанциялари ва ёрдамчи моддалар;

с) рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг янги комбинациялари;

д) янгича қадоқланган, янги шакл ва таркиблардаги ёки янги технология бўйича тайёрланаётган дори воситалари;

е) тиббий буюмлар.

13-модда. Дори воситаларини сотиш

Дори воситалари фақат дорихона муассасалари орқали сотилади.

Дорихоналар иши дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

Дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотларга эга шахсларгагина рухсат этилади.

Барча дорихона муассасалари санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб бериши лозим.

Муддати ўтган дори воситаларини сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

Дорихоналарнинг фармацевтика фаолиятини назорат қилишнинг давлатнинг ваколатли органлари амалга оширади.

Таянч иборалар: дори воситалари, дори моддалари, дорихона, фармакологик воситалар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган ва неча моддадан иборат?

2. Қонуннинг мақсади нимадан иборат?

3. тиббиёт амалиётида қўлланиладиган дори воситаларининг рўйхатини Ким белгилайди?

4. Кимларга дорихона очишга рухсат этилади?

5. Мазкур Қонунга биноан дори воситаларини сотиш қандай амалга оширилади?

6. Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги Қонуннинг асосий мақсади нимадан иборат?

Мавзу 13. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти

Режа:

1. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади ва унинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти.
2. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади ва унинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти.

1. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади ва унинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти

Ушбу қонун 6 бўлимдан иборат бўлиб, 32 моддани ўз ичига олади. Қонун 1992 йил 3 июлда қабул қилинган.

Ушбу Қонун санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади, одамнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларини ва уларни амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлайди.

Давлат санитария назорати бу санитария қонунларининг бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария-эпидемиология хизматининг фаолиятидир.

Санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

➤ атроф муҳитни соғломлаштириш, овқатланишни, меҳнат, турмуш, дам олиш, таълим-тарбия бериш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши ташкилий тадбирлар мажмуини амалга ошириш асосида одамнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқларини кафолатлаш;

➤ халқ хўжалик объектлари, технология ускуналарини ва асбобларини, транспорт воситаларини ривожлантириш, жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш чоғида атроф муҳит омиллари аҳоли саломатилигига зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олишга қаратилган фаолиятининг устуворлигини таъминлаш;

➤ аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

➤ санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий фаолиятнинг мажбурий қисми сифатида амалга ошириш;

➤ мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг санитария нормаларига, гигиена нормативларига риоя қилмаслик ҳамда санитарияга доир ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширмаслик натижасида аҳолининг саломатлигига ва атроф муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

➤ санитария нормалари, қоидаларига риоя этилиши ва санитария-гигиена тадбирлари амалга оширилиши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш (2-модда) ва бошқалардан иборат.

Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари илмий тадқиқот ва бошқа муассасалар томонидан ишлаб чиқилади, Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланади ва шундан сўнг уч ой муддат ичида матбуотда босиб чиқарилиши керак (3-модда).

«Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида аҳоли саломатлиги ва атроф муҳитнинг аҳволи ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи келтирилган. Бунга кўра ҳар бир киши касалликлар, эпидемия ва радиация вазияти, атроф муҳитнинг ҳолати ҳамда уларнинг одамлар саломатлигига таъсири ҳақида, шунингдек гигиена соҳасидаги ва махсус ўтказилган бошқа экспертизалар ҳақида ҳаққоний маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Қонунда мавжуд бўлган 6-модда ҳам истеъмолчиларни ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бунга биноан ҳар бир одам атроф муҳитнинг зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа омиллари, шунингдек сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва бошқа саноат буюмлари таъсирида ўзига етказилган зарарнинг ўрнини тўлатиб олишга ҳақлидир.

Қонуннинг 7-моддасида давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқарувчиларнинг мажбуриятлари келтирилади. Бунга кўра норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқаётган давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар аҳолининг саломатлигини сақлашни ва санитария-эпидемия масалаларида хотиржамлигини таъминлашга қаратилган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

Қайд этилган идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар янги кимёвий ва биологик моддаларни, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини ҳамда мана шу манбаларга эга бўлган асбобларини, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини, материаллар, технология жараёнлари, ускуналар ва бошқа халқ истеъмоли молларини жорий этишдан олдин аҳолининг санитария-эпидемия хавфсизлигини таъминлашга доир нормативлар бўйича илмий асосланган таклифларни, уларга риоя этилиши устидан назорат қилиш усулларини, зарарли маҳсулот ва чиқитларни

зарарсизлантириш йўллари ишлаб чиқишлари ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачига тақдим этишлари шарт.

Қонуннинг 14-моддаси ҳам истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлашга ва сотишга қўйиладиган санитария талаблари» деб юритилади.

Унга биноан мулкчилик шаклларида қатъи назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёси ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, ташиш, сотиш билан шуғулланувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар тиббиёт-биология талабларига, санитария нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этишлари шарт.

Янги озуқа қўшимчаларини, махсус қўйиладиган биологик актив моддаларни, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини, шунингдек озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари бевосита солиб қўйиладиган идишларнинг янги турларини қўлланишга улар заҳарлилиги ва гигиенаси жиҳатидан баҳоланганидан кейингина ва Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг рухсати билан йўл қўйилади.

Истеъмолчилар учун Қонуннинг 16-моддаси ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Бу мода чет эллардан сотиб олинadиган маҳсулотни етказиб бериш ва сотишга қўйиладиган талаблар келтирилган.

Унга биноан давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва алоҳида шахслар чет эллардан сотиб олинadиган технологиялар, материаллар, хом ашё ва маҳсулотларни етказиб бериш, сотиш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врач томонидан тасдиқланган санитария нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

Қонунда махсус экспертиза ўтказиш ҳам кўзда тутилган (20-модда). Бунга биноан аҳоли ва алоҳида шахслар саломатлиги ва касалланиш ҳолатини махсус экспертиза қилишнинг санитария-гигиена, санитария-экология, тиббий, биологик, техникавий, социологик ва бошқа турлари, шунингдек лойиҳа, техника ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни, ускуналарни, асбобларни ва аппаратларни, кимёвий моддаларни, турли бирикмаларни, материалларни ва муҳитларни, озиқ-овқат хом ашёсини ва маҳсулотларини, саноат буюмларини, радиоактив материалларни, радиация техникасини экспертиза қилиш санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва муассасалар, шунингдек илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, бошқа муассаса ва ташкилотлар томонидан буюртмачининг маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарорига биноан ўтказилади.

Қонунда юқорида айtilган масалаларни амалга оширишда санитария назорати ва текшируви муҳим ҳисобланади.

Санитария назорати ва текширувини амалга оширувчи идоралар ва муассасалар.

Ўзбекистон Республикасининг давлат санитария-эпидемиология хизмати қайси идорага бўйсунитидан ва мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан давлат санитария назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ўрта Осиё темир йўлининг ишлатилаётган ва қурилатган объектларида идоравий санитария назоратини тегишли вазирликлар ва идораларнинг санитария-эпидемиология станциялари амалга оширадilar.

Санитария милицияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаган Низомга мувофиқ санитария текширувини амалга оширади.

Давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари, муассасалари ва мансабдор шахслари қайси идорага бўйсунитидан қатъи назар, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик қиладилар, уни уйғунлаштириб ва текшириб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар.

Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ва унинг ўринбосарлари, вилоятлар, шаҳарлар, ноҳиялар бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари қуйидаги ваколатларга эга (25-модда):

- давлат санитария эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қиладилар, давлат санитария назоратини амалга оширишнинг асосий вазифаларини ва устувор йўналишларини белгилайди;
- санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди;
- атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир республика норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва нашр этади;
- авария вазиятларини йўқотиш чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш юзасидан муваққат санитария нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳри, бош давлат санитария врачларини тайинлайди;
- санитария-эпидемиология хизмати муассасаси раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади;
- одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган яшаш ва ҳўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;
- ҳудудларни карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган республика ва маҳаллий эпидемияга қарши жамғармалардан ва моддий-техникавий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганини назорат қиладилар.
- Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди.

2. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади ва унинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган. Бу Қонун XI бўлимдан иборат бўлиб 53 моддадан ташкил топган.

Ушбу Қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад қуйидагилар ҳисобланади:

➤ инсон саломатлиги учун, экологик муносабатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

➤ жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

➤ экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

➤ экология хавфсизлигини таъминлаш;

➤ табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир.

Шу сабабли бу масалаларнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб Қонунга атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг давлат бошқаруви деган модда (8-модда) киритилган. Бунга мувофиқ атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат (9-модда):

➤ табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритади;

➤ табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солади;

➤ табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилайди ва бундай кадастр юритилишини таъминлайди, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг заҳираларини тасдиқлайди;

➤ экология жиҳатидан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

➤ табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга оширади;

➤ табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, зарарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек табиий

ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилайди;

➤ экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлайди;

➤ табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва хўжалик фаолияти режимларини тасдиқлайди;

➤ табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантиради;

➤ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширади.

Қонунда кўрсатилганидек истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат экологик экспертизасини ўтказиш жуда муҳим ҳисобланади.

Давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир.

Давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ёки ўзга фаолиятнинг экология жиҳатдан қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш, бу ҳилдаги фаолият табиатни муҳофаза қилиш қонунларнинг талабаларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборатдир (24-модда).

Мазкур қонунда давлат экология экспертизаси ўтказиш билан бир қаторда давлат санитария-экология экспертизаси ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат санитария-экология экспертизаси атроф табиий муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига қанчалик зарарли таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Давлат санитария-экология экспертизаси соғлиқни сақлаш идораларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайинланади.

Давлат санитария-экология экспертизасини ўтказиш тартиби ва усуллари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза этиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайди (26-модда).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади (28-модда).

Бу масалаларни амалга оширишда экологик назоратнинг аҳамияти жуда муҳимдир.

Экологик назорат олдида:

- атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитини соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини тешириш вазифаси қўйилган.

Экологик назорат тизимини давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат (29-модда).

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва қончилик назорати давлат қўмитаси;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экология хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин (31-модда).

Қонунда табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик (47-модда).

Тубандаги ҳолларда:

- табиатнинг муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш,

қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуктаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишга ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, талабларини бузишда;

➤ табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабаларини бажармаганликда;

➤ табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганликда;

➤ табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

➤ табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

➤ атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

➤ алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузганликда;

➤ атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

➤ ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлаштириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

➤ атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

➤ атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

Мавзу 14. Хизматлар соҳасида қабул қилинган қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти

Режа:

1. «Шаҳар йўловчилар тарнспорти тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли.
2. «Атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш тўғрида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти.
3. “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти.

1. Хизматлар соҳасида қабул қилинган Қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши мумкин бўлган соҳалардан яна бири хизматлар соҳаси ҳисобланади. Биз истеъмолчилар ҳар куни қандайдир хизмат турларидан фойдаланамиз. Лекин, ҳар доим ҳам хизматлар юқори савияда қилинмайди ва уларнинг даражаси истеъмолчилар талабини қондирмайди. Ана шу хизматлар даражасини кўтариш ва истеъмолчиларнинг бу борада ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бир неча хил қонунлар яратилди ва бу қонунлар ҳаётимизда қўлланилмоқда.

Масалан, ана шундай Қонунлар қаторига «Шаҳар йўловчилар тарнспорти тўғрисида»ги Қонунни ҳам киритиш мумкин. Бу Қонун 1997 йил 25-апрелда қабул қилинган. Бу Қонуннинг 24-моддаси йўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

24-модда. Йўловчилар ҳуқуқлари.

Йўловчилар:

- шаҳар йўловчилар тарнспортининг ҳар қандай туридан фойдаланиш;
- бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзилларидан фойдаланиш;
- ўзлари билан биргаликда етти ёшгача бўлган болаларини бепул олиб юриш;
- белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлаб багаж олиб юриш;
- ҳаёти ва соғлигини шахсий суғурта қилиш ҳақида ихтиёрий равишда шартнома тузиш;
- бекатлар ва охирги диспетчерлик манзиллари диспетчерларидан шаҳар йўловчилар тарнспортининг иши тўғрисида аборт олиш.

Қонун ҳужжатларида берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Бугунги кунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилаётган соҳалардан яна бири табиат билан боғлиқ. Шу мунособат билан ҳам 1992 йил 9 декабрда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳисобланади. Мазкур Қонун ўн бир бўлим, 53-моддадан иборат. У табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги мунособатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари,

табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитига эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад қуйидагилардан иборат (3-модда):

– инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, Республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

– экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

– табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир.

2. «Атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли

Бу борадаги Қонунларимиздан яна бири 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳисобланади.

Республикаимиз, айниқса Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Олтинсой районлари аҳолиси атмосфера ҳавосининг бузилишидан азият чекмоқда. Бунинг сабаби қўшни Тожикистон Республикасининг Мирзо Турсунзода районида жойлашган Алюминий заводи ҳисобланади.

Таниқли ёзувчи-шоир Сирожиддин Сайиднинг 2005 йил 13 сентябр халқ сўзи газетасида «Тажовус ёхуд яна Тожикистон Алюминий заводи ҳақида» номли мақоласида келтирилишича завод мўриларидан ҳар йили йигирма бир минг тонна заҳарли чиқинди тутунлар ҳавога чиқарилади. Шунинг бир юз ўн тўққиз тоннаси фтор водородидир. Корхона тоғлар этагида жойлашганлиги сабабли, шамол жанубга, Сурхондарёга қараб эсади ва бу заҳарнинг асосий миқдори, табиийки, шу ҳудудга келиб тушади.

Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси лабораторияси бошлиғи Даврон Тангриевнинг маълумотига кўра фторли водороднинг (HF) ҳаводаги меъёрий миқдори 0,012 мг метр куб бўлиши керак. Денов, Олтинсой ҳудудларида унинг миқдори 1,6 – 1,7 мг метр кубни ташкил этган. Бу дегани унинг миқдори ҳаводагидан 130 баравардан ортиқроқ экан деган маънони англатади. Мутахассасларнинг фикрича фтор водороди инсоннинг аъзойи баданида кўп етишмовчиликлар келтириб чиқаради. Организмдаги етишмовчилик эса танадаги эндокрин безлар фаолиятининг бузилишига олиб келади. Бу безларнинг фаолиятига путур етдими, бир-биридан оғир, асоратлари ҳам бир умр кетмайдиган хасталиклар, касалликлар юзага келади. Бу муаммонинг ечимини топиш масаласида мамлакатимизда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг Республикаимиздаги ваколатхонаси, Барқарор

ривожланиш бўйича давлатлараро комиссиясининг илмий-тадқиқот вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида жиддий муҳокома қилинди.

Ана шундай муаммоларни ҳал этишда жамоат ташкилотлари ҳам фаол ҳаракат қилишлари лозим.

Таянч иборалар: истеъмолчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шартнома, товар, норматив ҳужжат, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товар (иш, хизмат)нинг нуқсони, кафолат муддати, хизмат муддати, яроқлилиқ (сақлаш) муддати, касса чеки, товар чеки.

Такрорлаш учун саволлар:

1. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини тушунтиринг.
2. «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини тушунтириб беринг.
3. Хизматлар соҳасида қабул қилинган бошқа қонунларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини тушунтириб беринг.

Мавзу 15. Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд оқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Режа:

1. Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.
2. Суд оқали истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

1. Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт.

Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги ҳақида истеъмолчига ахборот бериши шарт.

Молиявий хизматлар жумласига нималар киради ва улар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қандай аҳамиятга эга? Молиявий хизматлар жумласига банклар томонидан фуқароларни унга қўйган омонатларини сақлаш борасидаги хизматлар, қимматли қоғозларни эмиссия қилган эмитентлар томонидан қимматли қоғоз эгаларига

қилинадиган хизматлар, шунингдек турли лотерея ва бошқа ўйин ташкилотчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар киради.

Истеъмолчи банка қўйилган омонатлари юзасидан омонатчи сифатида иштирок этишида унинг фойда олишни мақсад қилиб олгани истеъмолчи тушунчасига зид бўлса-да, унинг ушбу банк томонидан кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланишда истеъмолчи бўлиб ҳисобланиши назарда тутилади. Банк кўрсатаётган хизматлари ва ички қоидалари ҳақида, банкнинг ўзи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишда, ахборотларни ўз вақтида беришда омонатчи истеъмолчи мавқеига эга бўлади. Банклар томонидан фуқаро (истеъмолчилар)нинг омонатларини сақлаш бўйича хизмат кўрсатишдан аввал омонатга қўювчилар билан банк омонати шартномаси тузилади. Банк омонати шартномаси тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган.

Кодекснинг 759-моддасига мувофиқ, банк омонати шартномасига кўра, омонатчидан қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини – омонатни қабул қилиб олган банк шартномада назарда тутилган шартларда ва тартибда омонатнинг суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Айнан банка қўйилаётган омонат тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳам таъриф бериб ўтади. Ушбу қонунга мувофиқ, омонат (депозит) талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатларда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёки бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси ҳисобланади.

2002 йил 5 апрелда фуқароларни банка қўйган омонатларини ҳимоя қилиш ва ушбу ҳуқуқий ҳимояни кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги омонатлари ҳимояланишини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг мақсадини амалга ошириш учун Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди тузилди. Ушбу фонд ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 19 сентябрдаги «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги 326-сон Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарорида ўз аксини топган.

Фонд юридик шахс ҳисобланади ва банклар билан ёзма равишда тузиладиган битимлар асосида фаолият юритади. Фонднинг мол-мулки банкларнинг мажбурий бадаллари, маблағ қўйилишидан олинган

даромадлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан шакллантирилади.

Фонднинг пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида сақланади.

Фонднинг ўз маблағларини давлат қимматли қоғозларига ва бошқа активларга қўйишдан олган даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Фондни бошқариш Фонднинг Кузатув кенгаши ва Фонднинг ижро этувчи молиявий ёрдам кўрсатиши ва хайрия фаолияти муассиси бўлиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ муносабатларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», 1996 йил 25 апрелдаги «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида», 1998 йил 29 августдаги «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида», 2001 йил 30 августдаги «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», шунингдек 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари тартибга солади.

Қимматли қоғозлар жумласига «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ акция, облигация, хазина мажбуриятлари, қимматли қоғозларнинг ҳосилалари, депозит сертификатлари, векселлар киради.

«Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига асосан қимматли қоғоз харидори қимматли қоғозлар бозорида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. эмитентдан қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги эмитентнинг жорий молиявий ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳақидаги ахборотни тақдим этишни талаб қилиш;

2. қимматли қоғозлар бозорида уларга ўз хизматларини таклиф этувчи инвестиция институтларидан қимматли қоғозларнинг фонд биржасидаги савдоларини ва биржадан ташқари савдосини ўтказиш қоидалари ҳақидаги ахборотни талаб қилиш;

3. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органлиридан инвестиция институтлари ва уларнинг бирлашмалари тўғрисида, қимматли қоғозлар эмиссиясини тўхтатиб қўйишга, қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолиятга доир лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва бекор қилишга доир барча ҳолатлар, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органларининг даъво аризалари бўйича эмитентлар ёки инвестиция институтларига нисбатан чиқарилган суд қарорлари ҳақида ахборот олиш.

Бундан ташқари лотерея ўйинларини ташкил этувчи ташкилотлар ҳам молиявий хизмат кўрсатувчи субъектлар ҳисобланади. Ва айнан ушбу хизматдан фойдаланувчилар истеъмолчи ҳисобланадилар.

Молиявий хизматлар кўрсатувчи ижрочилар (банклар, қимматли қоғоз чиқарувчи эмитентлар, лотерея ўйинларини ташкил қилувчи ташкилотлар) юридик шахс сифатида ўз фаолиятларини тугатиш ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт. Ушбу суғуртанинг моҳияти мулкӣ ёки бошқа талофатлар ҳамда зиёнлар ўрнини тез ва тўла қоплашдан иборат.

Молиявий хизматлар кўрсатувчи ижрочилар тугатилиши ёки банкрот бўлиши ушбу ижрочи ташкилотларнинг ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топганлигини ёки келажакда агар банкротлик даражасидан чиқа олмаса тугатилиши мумкинлигини билдиради. Демак, ўз-ўзидан тугатилган ташкилот кўрсатган молиявий хизмат фойдаланувчиси-истеъмолчи зарарини тўлашда қарздор ҳисобланади.

Фуқаролик Кодексининг 57-моддасига мувофиқ, юридик шахс кредиторлар талабини қондиришга қурби етмаса, суд қарорига мувофиқ у ночор деб ҳисобланиши мумкин. Бу эса унинг тугатилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига кўра банкротлик деганда, бу хўжалик суди томонидан эътироф этилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги тушунилади.

Ва айнан мана шу банкротлик-тўловга қобилятсизлик келажакда молиявий хизмат фойдаланувчиси кўрган зарарларнинг ўрнини қоплаш имконини бермаслиги эҳтимоли борлиги сабабли ҳам қонун ушбу хавфни мажбурий суғурталашни талаб этади ва бу ҳақда истеъмолчига маълумот беришни шарт қилиб қўяди.

Молиявий хизматлар кўрсатувчи, ижрочилар хизматидан фойдаланувчиларга уларни қизиқтирган турли ахборотларни олишда истеъмолчи бўлар экан, демак, ахборот бермаганлик ёки бошқача маълумотларни тақдим қилганлик учун истеъмолчига муайян зарар етказилиши мумкин. Шу сабабли молиявий хизматлар кўрсатувчи ижрочи истеъмолчига унга етказилиши мумкин бўлган зарар учун ўзининг жавобгарлигини суғурталанганлигини таъкидлаши лозим.

2. Суд орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек товарлар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг манфаатларини кўзлаб қўзғатилган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Мурожаат этувчи шахсларнинг шу жумладан, истеъмолчиларнинг ҳам судга бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида мурожаат қилишлари қонун билан кафолатланади.

Суд ушбу мурожаат, шикоят, аризаларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланганидек, бошқа давлат органларидан устун ва алоҳида ҳолда иш кўради. Одил судловнинг айнан судлар томонидан амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида ҳам ўз ифодасини топган.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари жумласига бундан ташқари Фуқаролик процессуал кодекси ва 2003 йил 2 февралда амалга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳам кирази.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунга асосан, ариза, шикоят ёки таклиф билан мурожаат этаётган истеъмолчи фуқаронинг ихтиёрийлик (10-модда), камситишга йўл қўймаслик (11-модда), мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги (12-модда) ва бошқа бир қатор тамойилларга асосланади.

Истеъмолчи судга мурожаат этишда ўзига қулай, яъни ўзи жойлашган жой туман (шаҳар) судига ёки унинг ҳуқуқларини бузган жавобгарнинг яшаб турган ёки у ташкилот бўлса, у жойлашган жой фуқаролик судига мурожаат этишга ҳақли. Агар истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилганлигини ва уни тиклаш учун асос бўладиган ашёвий далилларнинг кўпчилик қисми қаерда жойлашган бўлса, шунингдек унга зарар етказилган жойда зарар етказилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлса, истеъмолчи шу зарар етказилган жойдаги туман ёки туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси билан мурожаат этиши мумкин.

Истеъмолчининг ўз бузилган ҳуқуқларини тиклаш муддати қонун билан муайян чегарага солиб қўйилиши мумкин. Яъни, қонун судга даъво орқали ўз бузилган ҳуқуқларини тиклаш муддатини белгилаши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 149-моддаси талабларига мувофиқ, шахс ўз бузилган ҳуқуқларини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддат даъво муддати бўлиб, умумий даъво муддати уч йил қилиб белгиланган. Айнан бузилган ҳуқуқни тиклаш муддати истеъмолчи шахс ўз ҳуқуқини бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошланади. Демакки, истеъмолчи товар сотиб олганда, ишлар бажарилиши ва хизмат кўрсатилишидан манфаатдор бўлганда унинг бузилган ҳуқуқларини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан уч йил давомида судга мурожаат этиб, ўз бузилган ҳуқуқларини тиклаши мумкин.

Агар молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчи омонатчи сифатида катнашса, ҳуқуқлари бузилганлигини билса унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддати белгиланмайди, яъни унга даъво муддати жорий қилинмайди.

Бундан ташқари агар истеъмолчининг ҳаётига ёки соғлигига етказилган зарар билан боғлиқ даъволар бўлса, истеъмолчига муайян жиноятлар туфайли зарар белгиланган бошқа ҳолларда бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ даъволарга ҳам даъво муддати жорий қилинмайди.

Фуқаро – истеъмолчиларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, ҳужжатлар билан танишишга имконият бермаслик ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилгани учун таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқаро-истеъмолчининг аризаси ёки шикоят қаноатлантирилган тақдирда истеъмолчига сарф қилган харажатлари тўланади ва маънавий зиён ҳам суд тартибида компенсация қилиниши мумкин.

Агар фуқаро муайян товар (иш, хизмат) натижасида зарар кўрганлиги тўғрисида тухмат ва ҳақоратдан иборат ариза, тақлиф ёки шикоят берганлиги аниқланса, у ҳолда қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиш учун сабаб бўлади. Агар харажатлар қилинган бўлса истеъмолчидан ундириб олиниши мумкин.

Суднинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори судга шикоят берилиши мумкин.

Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий ва уни бажариш шарт.

Суднинг қарори хатти-ҳаракатлари устидан шикоят берилган орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек фуқарога қарор қонуний кучга киргач, кечи билан ўн кун ичида юборилади.

Қарор бажарилганлиги ҳақида судга ва фуқарога суд қарори олинган кундан бошлаб кечи билан бир ой ичида хабар қилиниши шарт. Қарор бажарилмаган тақдирда суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган чоратadbирларни кўради.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчиларнинг манфаатларини кўзлаб кўзғатилган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинади. Давлат божининг миқдори қонун билан белгиланади.

Таянч иборалар: истеъмолчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шартнома, товар, норматив ҳужжат, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги, мувофиқлик сертификати, товар (иш, хизмат)нинг нуқсони, кафолат муддати, хизмат муддати, яроқлилиқ (сақлаш) муддати, касса чеки, товар чеки.

Такрорлаш учун саволлар:

1. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини тушунтириб беринг.
2. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонунининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини тушунтириб беринг.
3. Молия хизматлари соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тушунтириб беринг.
4. Суд орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтириб беринг.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мазкур қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон қонуни,
ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон қонуни.

- 1-модда. Ушбу қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар
- 2-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
- 3-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар
- 4-модда. Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари
- 5-модда. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот
- 6-модда. Товар (иш, хизмат)лар тўғрисидаги маълумот
- 7-модда. Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари
- 8-модда. Истеъмолчининг савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳасида шартнома тузиш ҳамда сотиб олинаётган товар (иш, хизмат) сифатини текшириш ҳуқуқи
- 9-модда. Олди сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалари
- 10-модда. Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби
- 11-модда. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари
- 12-модда. Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи
- 13-модда. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари
- 14-модда. Нуқсонли товарни алмаштириб бериш тартиби
- 15-модда. Товар нуқсонларини бепул бартараф этиш тартиби
- 16-модда. Истеъмолчининг нуқсонли товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилишни талаб қилиш ҳуқуқи
- 17-модда. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилган тақдирда у билан ҳисоб-китоб қилиш
- 18-модда. Истеъмолчининг мақбул сифатли товарни алмаштириб олиш ҳуқуқи
- 19-модда. Ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари
- 20-модда. Товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарарлар учун мулкӣ жавобгарлик
- 21-модда. Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган шартлари ҳақиқӣ эмаслиги
- 22-модда. Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш

- 23-модда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш
- 24-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши
- 25-модда. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари ваколатлари
- 26-модда. Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг ваколатлари
- 27-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик
- 28-модда. Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
- 29-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш
- 30-модда. Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари

1-модда. Ушбу қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар

Ушбу қонунда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмони шахс);

ишлаб чиқарувчи – истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

ижрочи – маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлаб бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

сотувчи – олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация қилинадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

шартнома – товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;

товар – ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан импорт маҳсулоти;

норматив ҳужжатлар – стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, дори дармонлар хусусидаги давлат фароқопияси ҳамда муваққат фармокопоя қоидалари ва бошқалар) техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлар;

товар (иш, хизмат) нинг хавфсизлиги – товарларни истеъмол қилиш ва ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ва атроф муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги;

мувофиқлик сертификати – сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

товар (иш, хизмат)нинг нуқсони – товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларининг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги;

товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони – товар (иш, хизмат)дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қиладиган камчилик;

кафолат муддати – товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, неча иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳоказо) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;

хизмат муддати – товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъий назар, ундан фойдаланиш тўхталиши лозим;

яроқлилиқ (сақлаш) муддати – муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин;

касса чеки – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратурининг номери кўрсатилган ҳужжат;

товар чеки – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳам сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.

2-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қонун ҳужжатларини ушбу қонунда белгиланган истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиши, уларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини камайитириш мумкин эмас.

3 – модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома ёки битимда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

4-модда. Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари

Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;
- товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;
- товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;
- ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулк учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайри қонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;
- бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;
- истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

5-модда. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот

Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юримдик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўратилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юримдик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш муваққат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўкончалар орқали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи)нинг доимий жойлашган манзилидан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмолчилар эътиборига етказилиши керак.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

6-модда. Товар (иш, хизмат)лар тўғрисидаги маълумот

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

- товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

- баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

- айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

- ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;

- товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

- товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

- товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

- театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланиши тўғрисидаги ахборот.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

7-модда. Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган товар (иш, хизмат) дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар

маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдига қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир;

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларни сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

8-модда. Истеъмолчининг савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари соҳасида шартнома тузиш ҳамда сотиб оинаётга товар (иш, хизмат) сифатини текшириш ҳуқуқи

Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш, хизматни) эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида келувчилар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади.

Томонлар ўртасида шартнома нарсаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Тузилган заҳоти бажариладиган шартнома, қоида тариқасида, оғзаки шаклда тузилади, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

9-модда. Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар

Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар, шунингдек айрим турдаги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация

қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланади.

10-модда. Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби

Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳукумати томонидан тасдиқланадиган товарларни кредитга сотиш қоидалари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товр чекини бермасдан сотиш тақиқланади.

11-модда. Ишлаб .чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари

Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса,бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан бутловчи буюмларнинг нормал ишлаши (қўлланилишини, улардан фойдаланишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товр (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатларда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъминланиши ва унга техник кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товрнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришнинг олиб ташланган пайтларидан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки бу муддати ўтиб кетган товрларни қабул қилиши ва реализация қилиш ман этилади.

12-модда. Истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи

Истеъмолчи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шужумладан радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф муҳит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек унинг мол-мулкига зарар етмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ:

- ишлаб чиқарувчи (ижрочи);
- норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган;
- мувофиқлик сертификати берган орган;
- соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация қилишга рухсат берган бошқа органлар жавобгар бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаётий, соғлиғи ёки мол – мулкига етказилган зарар ушбу қонуннинг 20 – моддасига мувофиқ қопланиши лозим.

Агар товар (иш, хизмат) дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол мулкига ёки атроф муҳитга зарар етказалаётганлиги ёхуд зарар етказилиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарарнинг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиши шарт, шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулоти сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан албатта утилизация қилиниши керак. Бу мажбуриятлар ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиш,

муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган товарларнинг партияларини муомаладан чиқариш, ишларни бажаришни ва хизматлар кўрсатишни тақиқлаб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Товарни қайтариб олиш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тақиқлаб қўйиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттиравериши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

13-модда. Истеъмолчига нуқсонли товар соилганда унинг ҳуқуқлари

Нуқсонли товар соилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз ҳоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

➤ товарни айти шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

➤ товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нарҳини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш;

➤ товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;

➤ харид нарҳини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;

➤ шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Агар нуқсонлар:

➤ товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида;

➤ кафолат муддати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;

➤ кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;

➤ мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларини руёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган, тўпламлар, гарнитурлар, комплектлар ва комплексларнинг мусақил таркибий қисми бўлган ва мустақил нархга эга бўлмаган буюмларда нуқсонлар борлигини аниқлаган тақдирда, бутун тўплам, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг нуқсонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига қўяди.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнинин босувчи бошқа ҳужжатни тарқдим этган тақдирда қўриб чиқилади.

Истеъмолчи техник паспортни йўқотиб қўйган тақдирда, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқарувчи томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқарувчи билан сотувчининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

14-модда. Нуқсонли товарни алмаштириб бериш тартиби.

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқланган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айти шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айти шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

15-модда. Товар нуқсонларини бепул бартараф этиш тартиби

Товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса, ўн кун ичида бепул бартараф этиши лозим.

Истеъмолчи кафолат муддати тугагандан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин.

Узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарни таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиб туриш учун истеъмолчининг талабига биноан нуқсонли товар қайтариб берилганидан кейин уч кун ичида унга айти

шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилади (сотувчининг ҳисобидан унинг ўзи ёки вакили элтиб беради). Бунинг учун ишлаб чиқарувчи сотувчи билан биргаликда шартнома асосида товарларнинг алмашув фондини назарда тутишлари шарт. Мазкур талаблар татбиқ этилмайдиган узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси белгилайди.

Товардаги нуқсонларни барараф этиш хусусида талаб қўйилган тақдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлайди.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиш учун шундай товарни бериб туриш ҳақидаги талабини бажариш кечиктирилган ҳар бир кун учун, шунингдек нуқсонларни барараф этишнинг шартномадан келиб чиқадиган муддатларидан ортиқ кечиктирилган ҳар бир кун учун товар нархининг бир фоизи миқдорида истеъмолчига неустойка (пеня) тўлайди.

16-модда. Истеъмолчининг нуқсонли товарнинг харид нарҳини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи

Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни барараф этиш ҳақидаги талаблари бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нарҳини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб, етказилган зиён ва зарарни ушбу қонуннинг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли.

17-модда. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилган тақдирда у билан ҳисоб-китоб қилиш

Нуқсонли товар айти шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нурхи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Нуқсонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товрага алмаштириб берилаётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нурхи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товр нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарқ қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Шартнома бекор қилинаётганда товар нархи ошган бўлса, истеъмолчи билан ҳисоб-китоб товарнинг тегишли талаб қўйилган пайтдаги қийматига

қараб, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги қийматига қараб амалга оширилади.

Товар истеъмолчиларга кредитга сотилган бўлса, пул суммаси товар қайтарилаётган пайтга қадар узилган кредит миқдори қайтариб берилади, шунингдек кредит берганлик ҳақи тўланади.

Ҳажми катта ёки вазни беш килограммдан зиёд товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотувчининг (ишлаб чиқарувчининг) кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда товарни элтиш ва қайтариб олиб келиш истеъмолчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчининг товарни элтиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ харажатларини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) қоплаши шарт.

18-модда. Истеъмолчининг мақбул сифатли товарни алмаштириб олиш ҳуқуқи

Истеъмолчи мақбул сифатли ноозик-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар соиб олинган жойдаги сотиб олувчидан уни айна шундай товрға алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар билан белгиланади.

19-модда. Ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўраиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга), шунингдек ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) қараб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса, (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)нинг босқичма-босқич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси

нуксонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли, шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёнки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқларини:

➤ ишни (хизматни) қабул қилиб олиш вақтида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуксонлар аниқланган тақдирда;

➤ кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган тақдирда эса, иш (хизмат) қабул қилиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида;

➤ иморат ёки бошқа кўчмас мулкда нуксонлар аниқланган кундан эътиборан икки йил давомида руёбга чиқариши мумкин.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аниқланган нуксонларни бартараф этиш муддатлари шартномада бўлгилаб қўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуксонлар, агар шартномада бир мунча қисқароқ муддат белгиланган бўлса, истеъмолчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуксонлар белгиланган муддатда барараф этилмаган, шунингдек иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймат алоҳда белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчи ундириб олган неустойка (пеня) суммаси иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг алоҳида тури баҳосидан ёки буюртманинг умумий баҳосидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бажарилган ишдаги нуксонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун ижрочи тўлаган неустойка (пеня) қопланиши лозим бўлган зарар ҳисобига кирмайди.

Ижрочининг мажбуриятни умуман ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (пеня) тўлаши ва зарарни қоплаши уни мажбуриятни асл холида бажаришдан озод этмайди.

Истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда ёки истеъмолчининг материалдан фойдаланиб бажарилган ишда нуксонлар бўлса ёки у бузиб бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни қайтарилиши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалдан иш бажариши ёки хизмат кўрсаиши), бунинг имконияти бўлмаган тақдирда эса, ашёнинг (материалнинг) талаб қўйилган пайтдаги қийматини икки баробар қилиб тўлаши шарт.

Ижрочи томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун қабул қилиб олинаётган ашё (материал) қиймати шартнома тузиш пайтида томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Ишда (хизматда) жиддий нуксонлар мавжуд бўлганида ёки шартнома талаблари жиддий бузилганида, шунингдек ашё (материал) йўқолган, ишдан

чикқан, унга путур етган тақдирда истеъмолчи билан ҳисоб-китоб ишининг (хизматнинг) ёки материалнинг шартномани беаор қилиш пайтида ошган нархини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сифатсиз бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар учун ижрочи ушбу қонуннинг 20, 22, 27, 29-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномалар бўйича истеъмолчилар билан ижрочи ўртасидаги муноабатларнинг ўз моҳиятига кўра ушбу моддага мос келмайдиган хусусиятлари, шунингдек шартномаларнинг умуман ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги келиб чиқадиган оқибатлар бундай шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган қоидалар билан аниқланади.

20-модда. Товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкӣ жавобгарлик

Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкнинг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъий назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар барараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

21-модда. Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган шартлари ҳақиқӣ эмаслиги

Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқӣ эмас деб ҳисобланади. Агар уларни қўлланиш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга ҳақли эмас.

22-модда. Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънувий зарар учун ҳақ тўлаш мулкӣй зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъий назар, амалга оширилади.

23-модда. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар. Қуйидагилар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси; Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

24-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун маҳаллий ҳокимият органлари:

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини ташкил этадилар;
- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органлар ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиладилар;
- истеъмолчиларнинг шакоятлари, аризалари ва таклифларини кўрииб чиқадиладар;
- истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этадилар;
- ўз ҳуқуқлари доирасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда
унинг ҳудудий органлари ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларини ҳимоя қилиш мақсадида:

➤ истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

➤ истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўлланиш масалалари юзасидан расмий тушунтиришлар берадилар;

➤ истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар;

➤ истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлидир;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

**26-модда. Товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва
уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви
органларининг ваколатлари**

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи бошқа давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

➤ товар (иш, хизматлар)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир мажбурий талабларни белгилайдилар ҳамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

➤ товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар, шунингдек бу ҳақда истеъмолчиларни хабар қиладилар;

➤ ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатига доир талабларни бузганлари тақдирда уларнинг устидан судларга даъво қўзғатадилар.

Товар (иш, хизматлар)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мувофиқлаштириб боради.

27-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари, агар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товласа ёки ўз вақтида бажармаса, унга жарима солишга ҳақли.

«Ўзстандарт» агентлиги ва ушбу қонун 26-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган давлат бошқарувининг бошқа органлари:

- товарларни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаш қоидалари ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бузилса;
- ўзларининг кўрсатмаларини ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бажаришдан бўйин товласа, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаса;
- норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, жарималар солишга ҳақлидир.

Жарима миқдори ва уни ундириш тартибини қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Жарима сўзсиз ундириб олинади.

Жарима солиш ишлаб чиқарувчини (ижрочини, сотувчини) йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд жарима солиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Ариза бериш, агар суд кўрсатмаларнинг ёки жарима солиш ҳақидаги қарорнинг ижро этилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқармаган бўлса, унинг судда кўриб чиқиш даврида бу ҳужжатларнинг бажарилишини тўхтатиб қўймайди.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ҳақидаги талабларга жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)лар туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати усидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

28-модда. Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт.

Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги ҳақида истеъмолчига ахборот бериши шарт.

29-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

30-модда. Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир.

**Ўзбекистон
Республикаси
Президенти**

И.А. Каримов

Тошкент шаҳри
1996 йил 26 апрел

**Стандартлаштириш тўғрисида
Ўзбекистон Республикасининг
1993 йил 28 декабр-**

ҚОНУНИ
(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1994 йил, 2-сон, 46-модда)

1 бўлим. УМУМий ҚОИДАЛАР

1-модда. Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари:

- маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда «маҳсулот» деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;
- маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан;
- фан ва техник тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан;
- барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;
- ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан;
- табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлиги таъминлашдан;
- истеъмолчиларни ишлаб чиқараётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан;
- мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлашдан;
- ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборат.

2-модда. Давлат стандартлаштириш тизими

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

- халқ хўжалиги тармоқларида-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази («Ўздавстандарт»);
- қурилиш, қурилиш индустрияси, соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давлат архитектура ва қурилиш қўматиси);

➤ табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида – Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси);

➤ тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширилади.

Ушбу Қонунга мувофиқ Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни (бундан буён матнда «стандартлар» деб юритилади), шунингдек ушбу Қонунни қўллашга доир йўриқномалар ва изохларни ишлаб чиқадиладар, тасдиқлайдиладар, рўйхатга оладиладар, нашр этадиладар.

3-модда. Стандартлаштириш ишларини ўтказиш

«Ўздавстандарт» ушбу Қонунга мувофиқ стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамо бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди.

«Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиши қўматаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўматаси ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш ишларини бажаришни бошқ-ташкитлотларга топширишга ҳақлидирлар.

Стандартларни тасдиқланган органлар стандартларга доир ахборот жамғармаларини ҳосил қиладилар ва юритадиладар ҳамда манфаатдор истеъмолчиларини ҳосил қиладилар ва юритадиладар ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикасини стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги халқаро шартномалар, техник-иктисодий ҳамда ижтимоий ахборот давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлайдиладар.

Стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишни уларни тасдиқланган органлар амалга оширадиладар.

4-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қарақолпоғистон Республикасида стандартлаштириш соҳасидаги муносабатлар Қарақолпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

5-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти халқаро шарнома ёки битимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таърифланганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

II бўлим. Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар

6-модда. Норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

- халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;
- Ўзбекистон Республикасининг стандартлари;
- тармоқ стандартлари;
- техник стандартлари;
- корхона стандартлари;
- хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби «Ўздавстандарт» томонидан белгиланади.

Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва норматив Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини «Ўздавстандарт» ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилмайди.

Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган, анъанвий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талабалар белгилаб қўйилади.

Чет истеъмолчиларга етказиб бериладиган маҳсулотга доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгаришлар тегишинча «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги органларида ёки уларнинг ишлаб чиқувчи жойлашган ердаги минтақавий органларида ҳақ тўланмасдан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Маҳсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатидан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашинувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари риоя этиш учун мажбурийдир.

Стандартларда маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган, қонун ҳужжатларида назар мувофиқлиги талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Импорт маҳсулот, башарти у Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларнинг мажбурий талаблар қисмига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, етказиб берилиши ва белгиланган мақсадда ишлатилиши мумкин эмас.

7-модда. Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланилиши

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар сертификатлаштиришни амалга оширишда риоя этиладиган талабаларни, шунингдек ушбу талабаларга мувофиқликни назорат қилиш ва синаш усуллари ўз ичига олиши лозим.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар маҳсулотнинг мазкур дастурини сертификатлаштириш тизимида белгиланган қоида ва тартибларга мувофиқ қўлланилиши лозим.

III бўлим. Стандартлар устидан давлат назорати

8-модда. Давлат назорати органлари ва объектлари

Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабаларга, стандартлаштиришга таалукли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек бошқа махсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Идоравий бўйсунувчи ва мулк шаклидан қатъи назар хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек тадбикроклик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат назорати объекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

➤ стандартларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат инспекторлари;

➤ стандартларни назорат қилиш бўйича вилоят, шаҳар бош давлат инспекторлари;

➤ стандартларни назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

9-модда. Давлат инспекторлари, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.

Давлат инспектори:

➤ хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига монеликсиз кириш;

➤ хўжалик фаолияти субъектидан давлат назоратини ўтказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

➤ давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;

➤ стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стандартларнинг талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари ҳамда нухсаларини танлаб олишни ўтказиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва синовларни (таҳлилларни, ўлчовларни) ўтказиш харажатлари теширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимларига киритилади;

➤ маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, реализация қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), маҳсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида, стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

➤ хўжалик фаолияти субъекти текширувдан бўйин товланган тақдирда маҳсулотни реализация қилишни манн этиш ҳуқуқига эга.

Стандартларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республика бош давлат инспекторлари, стандартлари назорат қилиш бўйича вилоят, шаҳар бош давлат инспекторлари бундан ташқари:

➤ стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

➤ стандартлар бузилишида айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини муъмурий жавобгарликка тортиш;

➤ текширилган маҳсулотни у стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда реализация қилишни (етказиб беришни,

сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тақиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

➤ стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган импорт маҳсулотни реализация қилишни манн этишда мутлақ ҳуқуқга эгадирлар.

Давлат инспекторларининг маҳсулотни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни) манн этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бузганлик учун хўжалик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайдилар.

Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва қарорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни прокуратура органларига ёки судга оширадилар.

Давлат инспекторлари зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлатёки тижорат сирини ошкор қилган тақдирларида қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

10-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу Қонун қоидалари бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

IV бўлим. Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти. Стандартларни қўллашни рағбатлантириш

11-модда. Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти

Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишлар, хусусан:

➤ халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, норлари ва тавсияларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш;

➤ аниқ стандартлаштириш объектлари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек стандартларнинг тақибий ташкилий-техник ва умутехник мажмуиларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш;

➤ техник-иқтисодий ахборот классификаторларини ишлаб чиқиш, улар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек уларни барча манфаатдор фойдаланувчиларга юбориш;

➤ стандартлаштириш бўйича умудавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзига ишларни олиб бориш;

➤ стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;

➤ стандартлар фондини, техник-иқтисодий ахборотлар классификаторларини, халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини, шунингдек стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрини шакллантириш ҳамда юритиш;

➤ стандартлаштириш соҳасида Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси аниқлайдиган ўзга ишлар давлат йўли билан молиявий таъминланиши шарт.

Нашр қилинган (қайта нашр этилган) стандартларни, техник-иқтисодий ахборот классификаторларни, маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрига киритилган, стандартларга мувофиқ белгиси билан тамғалаш маҳсулот ва хизматларнинг нашр қилинган (қайта нашр этилган) каталогини сотишдан белгиланган тартибда олинадиган маблағлар, шунингдек ушбу Қонун қоидаларини бузганлик учун ундириладиган жарима маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат назорати органларига йўлланадиган қисми ҳам стандартлаштириш, стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратига доир ишларни молиявий таъминлаш манбалари бўлиши мумкин.

Республика бюджети маблағларидан тўлиқ ёки қисман таъминладиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини норматив жиҳатидан таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозим.

12-модда. Стандартлар қўлланилишини рағбатлантириш

Давлат стандартларга, шу жумладан истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларининг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талабларни ўз ичига олган стандартларга, мувофиқ белгиси билан тамғаланган маҳсулотни ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ва маҳсулотларни стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини олган хўжалик фаолияти субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти** **И.А.Каримов.**

Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида
Ўзбекистон Республикасининг
1993 йил 28 декабр
Қонуни
(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1994 йил, 2-сон, 50-модда)

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни (матнда бундан кейин «маҳсулотлар» деб юритилади) сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкидий асосларини; шунингдек сертификатлаштириш иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаб беради.

I боб. Умумий қоидалар

1-модда. Асосий тушунчалар

Мазкур Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилмоқда:

- «сертификатлаштириш миллий тизими» - давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказиш ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим;
- «маҳсулотларни сертификатлаштириш» (матнда бундан кейин «сертификатлаштириш» деб юритилади) – маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият;
- «мувофиқлик белгиси» - муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;
- «бир турдаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни сертификатлаштириш тизими)» - айна бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаштириш тизми;
- «синов лабораториясини аккредитация қилиш» - синов лабораториясининг (марказининг) муайян маҳсулот синовини ёки муайян синов турини амалга оширишга доир ваколатларининг расмий эътирофи.

2-модда. Сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари

Сертификатлаштириш:

- одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилишини назорат этиб бориш;
- маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олиниши таъминлаш;
- мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсидаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

➤ истеъмолчини тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочисининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

➤ маҳсулот тайёрловчи (сотувчиси, ижрочиси) таъқидланган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади.

3-модда. Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Сертификатлаштириш соҳасидаги муносабатлар мазкур Қонун ва унга мувофиқ чиқариладиган Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан, Қарақолпоғистон Республикасида эса – Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

4-модда. Халқаро шароитномалар ва битимлар

Башарти, халқаро шартнома ёки битимда сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назар тутилганнидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда шартнома ёки битимнинг қоидалари қўлланилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш органлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги яўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (матнда бундан кейин «Ўздавстандарт» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органидир.

«Ўздавстандарт» мазкур Қонунга мувофиқ:

➤ сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, сертификатлаштириш ўтказиш юзасидан умумий қоидаларни белгилайди, улар тўғрисида расмий ахборотлар эълон қилиб боради;

сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурининг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни Ҳқумат муҳокамасига тақдим этади:

➤ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларига қўшилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади, шунингдек сертификатлаштириш натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимлар тузади, сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

➤ мажбурий равишда сертификатланадиган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилайди;

➤ бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларини (марказларини) аккредитация қилади;

➤ сертификатланган маҳсулотларнинг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг), экспертларнинг Давлат реестрини юритади;

➤ бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиши устидан ва сертификатланган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширади;

➤ қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги учун мувофиқли сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини бекор қилади ҳамда амал қилишини тўхтатиб қўяди, сертификатлаштириш органларининг аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилади, синов лабораторияларининг (марказларининг) фаолиятини тугатади.

«Ўздавстандарт»нинг сертификатлаштириш соҳасидаги фаолиятини молиявий таъминлаш манбаи-давлат бюджети маблағи, шунингдек «Ўздавстандарт» кўрсатаётган хизмат учун олинадиган ҳақдан иборат.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш аккредитация қилинган органлар:

➤ бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини тузадилар ва уларнинг амал қилинишини таъминлайдилар;

➤ сертификатлаштиришни ташкил этадилар ва ўтказадилар;

➤ синоф лабораторияларини (марказларини) ва сертификатлаштириш органларини аккредитация қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни аризачи қолайди.

Тегишли сертификатлаштириш тизими белгиланган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) муфйян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов турини амалга оширадилар ҳамда сертификатлаштириш мақсадлари учун баённомалари берадилар.

«Ўздавстандарт» ўз вазифаларининг бир қисмини бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларига ва синов лабораторияларига (марказларига) ўтказишга ҳақлидир.

6-модда. Сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари

Маҳсулотлар (шу жумладан дастурий ва бошқа илмий-техникавий маҳсулотлар), хизматлар, шунингдек сифат тизимлари сертификатлаштириш объектлари ҳисобланади.

«Ўздавстандарт» ва давлат бошқарувининг бошқа органлари, «Ўздавстандарт» томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), мулк шаклидан қатъи назар, маҳсуоти сертификатлаштирилиши лозим бўлган сертификатлаштириш субъектлари ҳисобланадилар.

Сертификатлаштириш субъектлари – юридик шахслар сертификатлаштириш миллий тизими доирасида сертификатлаштириш тизимлари тузишлари мумкин. Юридик шахсларнинг сертификатлаштириш тизимлари «Ўздавстандарт» белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

11 боб. Сертификатлаштириш фаолиятига доир умумий талаблар

7-модда. Мувофиқлик сертификат ива мувофиқлик белгиси

Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқлангани тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқ сертификати беради, тайёрловчи ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сертификатлаштириш тизимида фойдаланиладиган мувофиқлик сертификатларининг, аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг намуналари, миллий мувофиқлик белгисининг шакллари ва ҳажмлари «Ўздавстандарт» томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари «Ўздавстандарт» томонидан белгиланган тартибда Давлат реестридан ўтказилиши шарт.

Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари ҳақиқий эмас.

Мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинган тўғрисидаги гувоҳномалари «Ўздавстандарт» томонидан белгиланган тартибда Давлат реестридан ўтказилиши шарт.

Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари ҳақиқий эмас.

Мувофиқлик сертификатидан, мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳамда сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини аризага бошқа юридик ёки жисмоний шахсга бериши ман этилади.

8-модда. Сертификатлаштириш фаолиятига лицензия бериш

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйилган тартибда бериладиган лицензия асосида мувофиқлик сертификати берадилар ва сертификатлаштириш мақсадида синов ўтказадилар.

Лицензия шартномалари тузиш тартибини «Ўздавстандарт» белгилайди.

Маҳсулотларни сертификатлаштириш вақтида аризачига мувофиқлик сертификатини ёки мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқи

аккредитация қилинган тегишли сертификатлаштириш органи билан тузилган битим асосида берилади.

9-модда. Сертификатлаштириш тўғрисида ахборот

«Ўздавстандарт» тайёрловчиларни (ижрочиларни), сотувчиларни, истеъмолчиларни ва бошқа манфаатдор шахсларни сертификатлаштиришнинг амалдаги тизимлари, уларнинг органлари, синоф лабораториялари (марказлари), экспертилар тўғрисида, шунингдек мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари ва уларни қўллаш қоидалари тўғрисида хабардор этиб боради.

Сертификатлаштириш органлари аризачига унинг талабига биноан маҳсулотни сертификатлаштириш учун керакли ахборотни беришлари шарт.

Аризачи сертификатлаштириш органининг талабига биноан сертификатлаштириш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиши шарт, тижорат сири ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно.

III боб. Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш

10-модда. Мажбурий сертификатлаштиришни жорий этиш

Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш ишларини ташкил этиш «Ўздавстандарт» зиммасига ёки унинг топшириғига биноан бошқа сертификатлаштириш органларига (уларни албатта аккредитация қилган ҳолда) юклатилади.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказиш мумкин бўлган ёки сақлаш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бўлмаган тақдирда давлат бошқарувининг тегишли органи бундай талабномаларни кечиктирмай ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт.

11-модда. Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш шартлари

Мажбурий сертификатлаштириш норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ маҳсулот хусусиятини аниқлаш учун уни синашни, сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати ўрнатишни ўз ичига олади.

Синовлар аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) томонидан тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган усулларда, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса тегишли сертификатлаштириш органлари ишлаб чиққан усулларда амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлари учун аризачи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ҳақ тўлайди.

Аризачи ўз маҳсулотини сертификатлаштиришдан ўтказишга сарфлаган маблағлар суммаси шу маҳсулот таннархига қўшилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо мувофиқлик сертификатиغا эга бўлмаган маҳсулотни тарғиб қилиш манн этилади.

12-модда. Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларга қўйиладиган талаблар

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қуйидаги ҳолларда:

- сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўласа;
- сертификатлаштириш талабаларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса;
- агар сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки унинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас.

Қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш манн этилади.

13-модда. Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) мажбурий сертификатлаштириш вақтидаги мажбуриятлари

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчи тайёрловчилар (тадбиркорлар):

- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштиришга тақдим этишлари;
- сертификатланган маҳсулотни сертификатлаш органларининг ёки улар эътироф этишган органлар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари ва унинг норматив ҳужжатлар талабаларига мос бўлишини таъминлашлари;
- сертификатланган маҳсулотни, башарти, у норматив ҳужжат талабаларига мувофиқ келмаса, шунингдек сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёхуд унинг амал қилиши сертификатлаштириш органининг қарори билан тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;
- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;
- сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технологик жараёнига киритилган ўзгаришлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;
- илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар истёмоли (харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

14-модда. Четдан олиб келинадиган ва четга олиб чиқиб келадиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи, «Ўздавстандарт» томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг «Ўздавстандарт» томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка таалукли республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган тақдирда божхона назорати органлари бу хусусда «Ўздавстандарт»ни хабардор этадилар ҳамда маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки чет эл сертификатни эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақиқлаб қўядилар.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

15-модда. Мажбурий сертификатлаштириш ишларининг давлат томонидан молиявий таъминоти

Қуйидаги ишлар:

- сертификатлаштиришни ривожлантиришнинг истиқболларини, уни ўтказиш қоидалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш;
- сертификатлаштириш соҳаси расмий ахборотлар билан таъминлаш;
- халқаро (минтақавий) сертификатлаштириш ташкилотлари ишида қатнашиш ҳамда чет эл миллий сертификатлаштириш органлари билан биргаликда ишлар ўтказиш;
- сертификатлаштириш юзасидан халқаро (минтақавий) қоидалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқишда қатнашиш;
- сертификатлаштириш юзасидан умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ишлари ва бошқа ишлар олиб бориш;
- сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати олиб бориш ишлари давлат томонидан молиявий таъминланади.

16-модда. Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилишини давлат томонидан текшириш ва назорат қилиш

Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг ижрочиларнинг), синоф лабораторияларининг (марказларининг), сертификатлаштириш органларининг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини «Ўздавстандарт»нинг давлат инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартларда амалга ошириладилар.

17-модда. Ихтиёрий сертификатлаштириш

Ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташаббуси билан ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

18-модда. Ихтиёрий сертификатлаштиришни амалга оширувчи субъектлар

Ихтиёрий сертификатлаштиришни «Ўздавстандарт» белгилаб қўйилган тартибда аккредитация қилинган юридик ва жисмоний шахслар амалга оширишга ҳақлидир.

19-модда. Ихтиёрий сертификатлаштириш тизимлари

Сертификатлаштириш қоидалари ва тартибини белгиловчи ихтиёрий сертификатлаштириш тизимларини аккредитация қилинган органлар «Ўздавстандарт» билан келишилган ҳолда белгиланадилар.

IV боб. Низоларни қараб чиқиш.

Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

20-модда. Мазкур Қонунни қўллаш билан боғлиқ низоларни қараб чиқиш

Мазкур Қонунни қўллаш билан боғлиқ низолар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда қараб чиқилади.

21-модда. Шикоятларни қараб чиқиш

Сертификатлаштириш натижаларидан норози бўлган тақдирда манфаатдор томон «Ўздавстандарт»нинг Шикоятларни қараб чиқиш кенгашига мурожаат этишга ҳақлидир.

аризачига нисбатан қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлар қилинганлик учун;

аризачининг тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор этганлик учун жавобгар бўлади.

Аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) сертификатлаштириш органига синовларнинг натижалари ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун жавобгар бўлади.

Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) мазкур моддада айтиб ўтилган ҳатти-ҳаракатлар натижасида аризаچига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

23-модда. Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

Тайёрловчилар (тадбиркорлар):

➤ маҳсулотларни мувофиқлик сертификатсиз, шунингдек қонунга ҳилоф тарзда мувофиқлик белгиси тамғаси бослган маҳсулотни реализация қилинганлик учун;

➤ мувофиқлик сертификати бўлмаган маҳсулотларни тарғибот қилганлик учун;

➤ «Ўздавстандарт»нинг ёки у ваколат берган органларнинг кўрсатмасига биноан реализация қилиш тўхтатиб ёки тақиқлаб қўйилган маҳсулотларни реализация қилинганлик учун жавобгар бўладилар.

Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун тайёрловчи (тадбиркорлар) «Ўздавстандарт» ёки у ваколат берган сертификатлаштириш органларининг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан давлат бюджети ҳисобига реализация қилинган маҳсулот қиймати миқдорида жарима тўлайдилар.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар) истеъмол ёки буюртмачига етказилган зарарларнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.А.Каримов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади.

Ушбу қонун аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳақиқий асосларини белгилаб беради.

Ушбу қонуннинг талаблари атир-упа, пардоз-андоз моллари ва тамаки маҳсулотларига ҳам таалуклидир.

2-модда. Асосий тушунчалар.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- болаларбоп озиқ-овқат маҳсулотлари – болалар организмнинг (уч ёшгача) физиологик хусусиятларига жавоб берадиган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари;

- гигиена сертификати – озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жараёнлар амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

- овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар – озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга мўлжалланган табиий айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари;

- озиқ овқат – озиқ-овқат хом ашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар;

- озиқ-овқат маҳсулоти – озиқ-овқат хом ашёси, (шу жумладан, этил спирти), озиқ-овқатлар (шу жумладан алкоғолли ичимликлар) ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар, материаллар ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга;

- озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи – озиқ-овқат маҳсулотларини маълум шартлар билан сотиш, етказиб бериш ва топширишнинг бошқа шакллари;

- озиқ-овқат маҳсулотининг сифати – озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлигини таъминлайдиган меъзонлар мажмуи;

- озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги – озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослиги;

- озиқ-овқат хом ашёси – озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ўсимлик, ҳайвонот, микробиология, шунингдек, минераллар объектлари, сув;

- озиқ-овқатларни ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини таққослаш - озиқ-овқатлар ҳамда озиқ-овқат хом ашёси аниқ турдаги ва номдаги маҳсулотга

доир норматив ва (ёки) техникавий ҳужжатда белгилаб қўйилган муҳим мезонларга мос келишини аниқлаш;

- озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилиқ муддати (фойдаланиш муддати) – бу муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, реализация қилиш чоғида хавфсизлиқ нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга яроқли бўлиб туради, бу муддат тамом бўлганидан кейин эса маҳсулот одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин;

- озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш - озиқ-овқат хом ашёсининг ҳамда озиқ-овқатларнинг хоссалари ва мезонларини атайлаб қўшиладиган табиий ҳолдаги ёки синтез қилинган моддалар, бирикмалар;

- токсикология-гигиена экспертизаси - озиқ-овқат маҳсулоти устидан амалга ошириладиган бир туркум лаборатория тадқиқотлари бўлиб, улар мавжуд нормалар ва қоидалар билан қиёслашга мўлжалланган бўлади.

Қадоқлаш материаллари, ёрдамчи материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар озиқ-овқат маҳсулотини муомала жараёнида ташқи таъсирлардан ҳимоялаш мақсадида ишлатиладиган воситалар.

3-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, маркази ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат томонидан нормалаш;

- озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;

- озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаш;
- давлат назорати ва текшируви;
- озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

5-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни (бундан кейин матнда нормалар ва қоидалар деб юритилади) белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи соҳасида иш олиб борилаётган юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

6-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналар озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар талабларига ҳослиги баҳоланганидан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ишлаб чиқарилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кирилиши, реализация қилиниши ва сотилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб кирилаётган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага рухсат берилган озиқ-овқат маҳсулотини ва ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирла Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази томонидан давлат санитария назорати органлари берадиган гигиена сертификати асосида амалга оширилади.

Қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- озиқ-овқат маҳсулотининг ҳар хил турларини бир хил номда давлат рўйхатидан ўтказиш;

- айти бир турдаги озиқ-овқат маҳсулотини бир хил ёки ҳар хил номлар билан қайта-қайта рўйхатдан ўтказиш.

- таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган озиқ-овқатни, овқатга қўшиладиган озиқ-овқат қўшимчалари, ембоп қўшимчалар ва биологик фаоли қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

7-модда. Озиқ-овқат маҳсулоти, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситаларни сертификатлаш

Озиқ-овқат маҳсулоти, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситалар уларнинг нормалар ва қоидаларга мослигини тасдиқлаш мақсадида сертификатланиши лозим.

Мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхати ҳамда сертификатлашдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ва текшириш.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги ушбу Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган давлат назорати органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида назорат қилинади ва текширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ҳарид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар белгиланган норма ва қоидаларга риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини таъминлайдилар. Ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш тартиби озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидаларга, норматив ҳамда технология ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар бажарадиган ишлар ва хизматларнинг хусусиятларини ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ҳамда тегишли назорати органлари билан келишилди.

Ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидаларнинг талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда ишларни амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйишлари шарт.

Жамоат бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

9-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш

Озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқаришни, озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни, умумий овқатланиш тизимини ривожлантиришнинг республика ва минтақавий мақсадли дастурларини ишлаб чиқариш чоғида

озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари назарда тутилмоғи керак.

10-модда. Янги озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқариш

Юридик ва жисмоний шахсар янги озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқариш ёки уни такомиллаштириш чоғида озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини, яроқлилиқ муддатини, сифат кўрсаткичларини ва назорат қилиш усулларини асослаб беришлари шарт.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари, унинг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар мажбурий бўлиб, ушбу маҳсулотнинг норматив хужжатларига киритилади.

Сифат ва хавфсизлиги муайян вақт ўтганидан кейин ўзгариши ҳамда одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўладиган озиқ-овқат маҳсулотига яроқлилиқ муддати белгиланади.

Янги озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришга, янги технология жараёнларини, ускуналарни жорий этишда улар токсикология-гигиена экспертизасидан, хайвонлардан олинadиган озиқ-овқат хом ашёси эса ветеринария экспертизасидан ўтказилгандан ҳамда маҳсулот белгиланган нормалар ва қоидаларга мослиги ҳақида давлат санитария назорати органининг гигиена сертификати ёки хулосаси ёхуд ветеринария назорати органининг хулосаси олинганидан ва озиқ-овқат маҳсулоти давлат реестрига киритилганидан кейин йўл қўйилади.

11-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш

Озиқ-овқат маҳсулотини юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ ишлаб чиқарадилар.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган озиқ-овқат хом-ашёсидан, озиқ-овқат қўшимчаларидан, кадоқлаш ва ёрдамчи материаллардан ва улардан ишланган буюмлардан, ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Таркибида гиёҳвандлик моддлари бўлган озиқ-овқат қўшимчалари, ембоп қўшимчалар ва биологик фаол қўшимчаларни ишлатиш таъқиқланади.

Ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотининг сифати белгиланган нормалар ва қоидалар талабларига мос бўлиши ушбу конун 7-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган, маҳсулотларнинг сифати эса сертификат билан ҳам тасдиқланиши керак.

Хайвонлардан олинadиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида ем-хашаклар, ем қўшимчалари, хайвонларни парваришлашда ишлатиладиган ветеринария дори воситалари ва препаратларини қўлланишга улар давлат ветеринария давлат назорати органлари томонидан давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда рўйхатдан ўтказилгандан кейин йўл қўйилади.

Ўсимликлардан олинадиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида захарли кимёвий моддалар, минерал ўғитларни қўлланишга улар токсикология-гигиена экспертизасидан ўтказилгандан кейин йўл қўйилади.

12-модда. Озиқ-овқатларни қадоқлаш, ўраш ва тамғалаш

Озиқ-овқатлар ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни қадоқланган, ўралган (барча муомала босқичларида сифати ва озиқлик қиммати сақланиб қолишини таъминлайдиган) ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тамғаланган ҳолда чиқаришлари шарт.

Қадоқланган ва ўралган озиқ-овқатлар, овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари ёрликларга эга бўлиши, уларда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- озиқ-овқатнинг номи;
- озиқ-овқатнинг нимага мўлжалланганлиги (болаларга махсус мўлжалланган маҳсулотлар ва пархез таомлар учун);
- тайёрловчи номи;
- товар белгиси (белгига эга ташкилотлар учун);
- озиқ-овқат таркибига кирган нарсалар, шу жумладан озиқ-овқат қўшимчаларининг номи;
- озиқлик қиммати, нави;
- сақлаш шарт-шароитлари;
- тайёрланган санаси, яроқлилиқ муддати;
- тайёрлаш усули (масаллиқлар ҳамда махсус болаларбоп ва пархез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);
- оғирлиги;
- фойдаланиш усули (биологик фаол қўшимчалар: озиқ-овқат қўшимчалари, махсус болаларбоп ва пархез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);
- мувофиқлик белгиси (маҳсулотини мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини бекрадиган лицензияси бор корхоналар учун);
- норматив ёки техникавий ҳужжатларнинг номерлари.

13-модда. Озиқ-овқатларни сақлаш ва ташиш

Озиқ-овқатларни сақлайдиган ва ташийдиган юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидаларга риоя этишлари, озиқ-овқат сифатини нгсақланишини ва хавфсизлигини таъминлашлари шарт.

14-модда. Озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш

Мажбурий сертификатланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини тасдиқлайдиган мослик сертификати ёки мувофиқлик белгиси бўлган тақдирда реализация қилинади.

Озиқ-овқат маҳсулотини чакана сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулоти билан савдо қилишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шу мақсадлар учун ажратилган жойларда йўл қўйилади.

Қуйидаги ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилишга йўл қўйилмайди:

- маҳсулот сифати белгиланган нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ бўлмаса, мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар учун эса мослик сертификати бўлмаса;
- сақлаш ва реализация қилиш учун тегишли шароит бўлмаса;
- яроқлилик муддати тугаган бўлса;
- маҳсулот қалбакилаштирилган бўлса;
- маҳсулотни таққослаш мумкин бўлмаса.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига озиқ-овқат маҳсулотини олиб кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулоти ушбу Қонунда қўрсатилган нормалар ва қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Четда олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотини етказиб берувчи уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ишлаб чиқарувчининг ва экспорт қилувчи мамлакат махсус вакил қилган органнинг ушбу маҳсулот хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларини, тегишли экспертиза ўтказиш зарур бўлганида эса озиқ-овқат маҳсулоти, технологиялар ва ускуналар қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигининг нормалар ва қоидаларга мослиги давлат назорати органлари томонидан божхона органлари билан биргаликда белгиланган тартибда аниқланади.

16-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини олиб қўйиш.

Одамлар ҳаёти, соғлиги учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулоти тегишли давлат назорати органларининг қарорига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши керак.

17-модда. Нормалар ва қоидаларга мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотидан ва уни йўқ қилиб ташлаш

Яроқлилик муддати ўтган, сифатсизлиги белги бериб турган, таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органлари томонидан гигиена ва (ёки) ветеринария экспертизаси ва сертификатлаш синовлари натижалари бўйича овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайти ишланиши ёки йўқ

қилиб ташлаш усуллари ва шартлари унинг эгаси томонидан тегишли давлат назорати органлари билан келишиб олинади.

Озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш (уни қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш, унинг эгаси томонидан шу ишларни бажаришни шартнома бўйича топширадиган ташкилотлар томонидан комиссия иштирокида амалга оширилади. Комиссия таркибига давлат хокимияти, маҳаллий органларининг, давлат назорати органларининг, солиқ органларининг ва жамоатчиликнинг вакиллари киради.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хайвонларга ем сифатида ишлатилгунича ёки йўқ қилиб ташлангунича алоҳида жойда (резервуарда), алоҳида ҳисобда, миқдорини, ишлатиш (қайта ишлаш) ёк йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда сақланиши керак. Бундай маҳсулотнинг бут сақланиши учун унинг эгаси жавобгар бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотини экспертиза қилиш, йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартларини белгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ харажатларни унинг эгаси тўлайди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг эгаси давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органларига маҳсулотдан фойдаланилганлиги ёки у йўқ қилиб ташланганлиги ҳақида далолатнома тақдим этади.

**18-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги
тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик**

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон
Республикаси
Президенти**

И.А. Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЙОД ЕТИШМАСЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартносидан Ўзбекистон Республикасининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда туғилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

йод етишмаслиги касалликлари – организмда йоднинг етишмаслиги оқибатида қалқонсимон без касалликлари кўринишида намоён бўладиган касалликлар;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси – йод етишмаслиги касалликларининг олдини олишга қаратилган чора – тадбирлар тизими;

йодланган озиқ – овқат маҳсулотлари – ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари;

йодланган туз – ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган ош тузи.

2-боб. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасининг давлат томонидан тартибга солиши

4-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсати

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсати йод етишмаслиги касалликлари келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган бўлиб, қуйидагилар орқали рўёбга чиқарилади:

- йод етишмалиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- истеъмол бозорини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;
- йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- йод етишмасликлари касалликлари профилактикаси соҳасидаги илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- болаларни ва туғиш ёшидаги аёлларни таркибида йод бўлган препаратлар билан профилактик таъминлаш тадбирларини амалга ошириш;
- йодланган туз, йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси ҳамда уларни даволаш учун фойдаланиладиган дори воситалари ва препаратларни ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ишлаб чиқариш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- йод етишмаслиги касалликлари профилактикасига доир тадбирлар самарадорлигининг мониторинги;
- йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида ҳисобга олишнинг ахборот-таҳлил ва статистик тизимларини такомиллаштириш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг маблағларини йод етишмаслиги касалликлари муаммоларига, мазкур касалликларнинг профилактикаси ҳамда даволаш усулларига жалб этиш;
- йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

5-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқаруви

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширади.

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси давлат бошқаруви:

- профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирлари ўтказиш, йод етишмаслиги касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволашни ташкил этишни;
- йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси ва уларни даволаш учун дори воситалари ҳамда препаратларни, йодланган туз ва йодланган озиқ – овқат маҳсулотларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштиришни;

- туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлашни давлат томонидан нормалаштиришни;
- давлат бошқаруви органларининг, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боришни;
- йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг муомаласи устидан давлат назоратини ўз ичига олади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва рўёбга чиқарилиши таъминлайди;
- давлат бошқаруви органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси масалларига доир фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

- йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;
- йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларини рўёбга чиқаради;
- туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш бўйича санитария-эпидемиология талабларини белгилайди;
- йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, ишлаб чиқарилиши сақланиши мониторингини олиб боради;
- йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этади;
- аҳоли ўртасида йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси бўйича тушунтириш ишларини олиб боради;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

- Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификация агентлиги;
- йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишланган тааллуқли давлат стандартларини тасдиқлайди;

➤ йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан стандартларнинг мажбурий талабаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

➤ йод етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиш, тасдиқланиши ва рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

➤ тегишли давлат органларининг аҳолини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бозорасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

➤ йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда ваколатлари доирасида давлат назоратини амалга оширади;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

3-боб. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси доир чора-тадбирлар

10-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси турлари

Инсон организмнинг йодга бўлган зарурий эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йод етишмаслиги касалликларининг оммавий ва якка тартибдаги профилактикаси амалга оширилади.

11-модда. Йод етишмаслиги касалликларининг оммавий профилактикаси

Йод етишмаслиги касалликларининг оммавий профилактикаси озиқ-овқат йодланган туз ишлатиш ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиши қилиш орқали амалга оширилади.

Йодланган туз истеъмол қилиш тиббий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан тўғри келмайдиган шахслар учун йодланмаган туз олиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда таъминланади.

12-модда. Йод етишмаслиги касалликларининг якка тартибдаги профилактикаси

Йод етишмаслиги касалликларининг якка тартибдаги профилактикаси, профилактикаси ва санитария-эпидемиология тадбирлари, тиббий кўриклар ўтказиш, ташхис қўйиш ва даволаш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ сақлаш вазирлиги йод етишмаслиги касалликларининг якка тартибда профилактикасини таъминлаш мақсадида профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирлари, тиббий кўриклар ўтказиш, йод етишмаслиги касалликларига ташқис қўйиш ва уларни даволаш тартибини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди.

13-модда. Аҳолини йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси масалаларига доир ахборот билан таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва Маҳаллий давлат ҳомияти органлари аҳолига йод етишмаслиги касалликларининг келиб чиқиши ва тарқалиши омиллари, бундай касалликларнинг профилактикаси доир чоралар тўғрисида ишончли ва ўз вақтида ахборот берилишини таъминлайди.

14-модда. Йод етишмаслик касалликлар профилактикасига доир тадбирларни молиялаштириш

Йод етишмаслик касалликлари профилактикасига доир тадбирларни молиялаштириш бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4-боб. Йодланган тузга ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар

15-модда. Туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқараладиган ва реализация қилинадиган ош тузи алббата йодланиши керак, ушбу қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

16-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлигига доир талаблар

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари давлат стандартлари, қоидалари ҳамда нормалар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган, тартибида йод бўлган препаратларидан фойдаланилади. Туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш, йодланган туз ва озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

17-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш давлат стандартлари, қоидалари ҳамда нормалари талабларига мувофиқ юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Белгиланган яроқлилик муддати ўтган йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари утилизация қилиниши, саноат йўли билан қайта ишланиши ёки қайта йодланиши керак.

18-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

19-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини кадоқлаш, ўраш ва тамғалаш

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари кадоқланган, ўралган ҳамда тамғаланган ҳолда ишлаб чиқарилиши керак.

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини кадоқлаш, ўраш ҳамда тамғалашга нисбатан қонун ҳужжатларига озиқ — овқат маҳсулотларини кадоқдан, ўраш ва тамғалаш борасида назарда тутилган қоидалар қўланилади.

20-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар ва нормаларга риоя этган ҳолда амалга оширишлари шарт.

Мувофиқлик сертификати бўлмаган ва яроқлилик муддати ўтган йодланган туз ҳамда йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш тақиқланади.

21-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш шартлари

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фақат ўралган тарзда ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этилган ҳолда олиб кирилиши мумкин.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

22-модда. Низоларни ҳал этиш

Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- Хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
- Давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.А.Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
25.04.1997 й. N 415-1

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ
ТЎҒРИСИДА

Мазкур қонунга ЎзР 15.04.1999 й. 7721-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

- 1- модда. Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
- 2- модда. Асосий тушунчалар.
- 3- модда. Аҳолини дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги давлат кафолатлари.
- 4- модда. Давлат органларининг дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари.
- 5- модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари.
- 6- модда. Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш.
- 7- модда. Дори воситаларини ишлаб чиқариш.
- 8- модда. Дорихоналарда дори воситаларини тайёрлаш.
- 9- модда. Дори воситаларини маркалаш, идишга жойлаш-ўраш ва уларнинг ташқи беази.
- 10- модда. Фармакологик воситаларни клиник синовлардан ўтказиш.
- 11- модда. Клиник синовда ихтиёрий қатнашаётган мижознинг ҳуқуқлари.
- 12- модда. Саноат корхоналари ва улгуржи савдо ташкилотлари томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сотилиши.
- 13- модда. Дори воситаларини сотиш.
- 14- модда. Доир воситаларини экспорт ва импорт қилиш тартиби.
- 15- модда. Тиббиёт муассасаларининг дори воситаларининг қўшимча салбий таъсири тўғрисида хабардор қилиш борасидаги мажбурияти
- 16- модда. Дори воситалари ва тиббий буюмлар хақида ахборот бериш ва уларни реклама қилиш.
- 17- модда. Қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида Қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагидан блшқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги тушунчалар қўлланилмоқда:

дори воситалари - келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир неча дори моддалари (субстанциялари) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис қўйиш ва стерилизация воситалари киради;

дори препаратлари – тозаланган, идишга жойланган-ўралган, қўллашга тайёр дори воситалари;

дори моддалари (субстанциялари) – келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган, қўллашга рухсат этилган биологик фаол моддалар;

фармакологик воситалар – белгиланган фармакологик фаолликка эга бўлиб, клиник синов объектлари ҳисобланадиган муайян доривор шаклидаги моддалар ёки моддалар аралашмаси;

фармакопея – дори воситалари сифатини, уларни тайёрлаш, сифат-миқдор жиҳатидан назорат қилишни, сақлаш шарт-шароитларини ва номланишини белгилайдиган давлат стандартлари тўплами;

фармакопея мақоласи – дори воситаси учун фармакопея қўмитаси томонидан тасдиқланган норматив-техник ҳужжат;

фармакопея қўмитаси – дори воситалари, тиббий буюмлар сифатига ва уларни назорат қилиш усулларига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган норматив-техник ҳужжатларни тасдиқловчи расмий эксперт органи;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси – дори воситаларини тиббий қўлланиш ҳуқуқи учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсатини тасдиқловчи ҳужжат;

дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг давлат реестри – расмий ҳужжат бўлиб, у тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар рўйхатидан иборат;

генерик дори воситалари (генериклар) – патент берилганларидан қолишмайдиган, лекин бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган дори препаратлари;

гомеопатик воситалар – гомеопатик қоидаларга биноан қўлланиладиган ва давлат реестрининг махсус бўлимига киритилган дорилар;

фармацевтик фаолият – дори воситаларини, тиббий буюмларни яратиш бўйича изланишларни, тадқиқотларни, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, стандартлаш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, ахборт бериш, етказиб бериш ва реализация қилишшни камраб оладиган фаолият;

дорихона – дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек, даволаш, ҳамда касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори воситалари, тиббий буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озик-овқатларни, маъданли сувларни, даволаш-косметика маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи тиббиёт муассасаси. Дорихона муассасалари жумласига дорихоналар ва уларнинг филиаллари, даволаш ва касалликнинг олдини олиш муассасаларининг дорихоналари киради;

рецепт – шифокорнинг фармацевтга дори тайёрлаш ва бериш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси бўлиб, унда дорини қўллаш усули қайд этилган бўлади;

стандарт ёзув – дори препаратларининг даволаш хусусиятлари самарадорлиги текширилганидан сўнг тузилган таркиби;

тиббий буюмлар – касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун тиббиётда қўлланиладиган буюмлар. Улар жумласига боғлаш ва тикиш материаллари, шприцлар, қон ва инфузион эритмаларни қуйишга мўлжалланган системалар, беморларни парваришлашда қўлланиладиган ашёлар ва материаллар киради. (ЎзР 15.04.1999 й. 772-1- сон Қонуни таҳриридаги модда)

3-модда. Аҳолини дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги давлат кафолатлари

Давлат дори воситаларининг асосий турларини бемалол олишни ва улар сифатли бўлишини кафолатлайди.

Тиббий мақсадда қўлланишга рухсат этилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан иш кўришнинг барча шакллари таъқиқланади.

Тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

4-модда. Давлат органларининг дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатни белгилайди ва рўёбга чиқаради, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга доир соғлиқни сақлаш дастурларини тасдиқлайди ва маблағ билан таъминлайди, уларнинг нархларини назорат қилади.

Давлат хокимияти маҳаллий органлари дори воситалари, тиббий буюмлар муомаласини назорат қилади, дори воситалари билан таъминлаш давлат дастурларини маблағ билан таъминлайди.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

➤ давлат буюртмасини тузади ва давлат тиббиёт муассасаларида дори воситалари, тиббий буюмларнинг асосий турлари мавжуд бўлиши устидан назоратни таъминлайди;

- дори воситалари, тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ва улар билан таъминлашга доир фаолият турлари учун лицензия беради;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибга мувофиқ айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлайди;
- лаборатория, ишлаб чиқариш ва дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларни тасдиқлайди;
- миллий фармакопеяни тасдиқлайди;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати назорат қилинишини, улар рўйхатдан ўтказилиши, стандартлаштирилиши ва сертификацияланишини таъминлайди;
- наркотик, захарли, психотроп, радиофармацевтик (радиоактив), кучли таъсир этувчи дори воситалари ва этил спиртини сотиш, сақлаш, ҳисобга олиш, уларнинг захираларини ҳосил қилиш тартибини белгилайди;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг давлат реестрини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилиб боради;
- дори воситаларининг зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда уларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотишни тўхтатиб қўяди.

6-модда. Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш

Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома эгаси ушбу гувоҳномани берган муассасани дори воситасининг фармакологик самарадорлиги ва хавфсизлигига доир янги маълумотлардан хабардор қилиб туриши шарт.

Қуйидагилар мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак:

- даволаш, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш воситалари, шифобахш озиқ-овқат ва парафармация маҳсулотлари;
- дориларни тайёрлашда қўлланиладиган дори воситалари (субстанциялари) ва биологик фаол ёрдамчи моддалар; (ЎЗР 15.04.1999 й. 772-1-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)
- рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг янги комбинациялари;
- янгича қадоқланган, янги шакл ва таркиблардаги ёки янги технология бўйича тайёрланаётган дори воситалари;
- генерик дори воситалари (генериклар);
- тиббий буюмлар.

Рецептлар ва стандарт ёзувлар бўйича дорихоналарда тайёрланадиган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди.

7-модда. Дори воситаларини ишлаб чиқариш

Дори воситаларини ишлаб чиқариш – дори воситаларини уларни ишлаб чиқариш ҳамда сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ кўплаб ҳосил қилиш, шу жумладан тўлиқ технологик туркум ёки унинг айрим босқичлари: дори воситаларини синтез (биосинтез) қилиш, экстракциялаш, тозалаш, уларга ишлов бериш, уларни қадоқлаш, идишга жойлаш-ўраш ва уларни маркалаш босқичлари бўйича ҳосил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш лицензияга эга бўлган корхоналар томонидан амалга оширилади.

Дори воситалари давлат реестридан чиқарилган тақдирда ишлаб чиқарилган ҳамда дорихоналар, омборлар ва даволаш-касалликнинг олдини олиш муассасаларидан мавжуд бўлган мазкур дори воситаларининг қолдиқлари масаласи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳал қилинади.

Дори воситаларини яратиш, уларни синаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, йўқ қилишни амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар дори воситаларининг сифатини назорат қилувчи ички идоравий хизматга эга бўлишлари керак. (ЎЗР 15.04.1999 й. 772-1-сон Қонуни таҳриридаги модда)

8-модда. Дорихоналарда дори воситаларини тайёрлаш

Дори воситалари лицензияга эга бўлган дорихоналарда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллашга рухсат этилган дори воситаларидан (субстанцияларидан) ва ёрдамчи моддалардан тайёрланади. (ЎЗР 15.04.1999 й. 772-1-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

9-модда. Дори воситаларини маркалаш, идишга жойлаш-ўраш ва уларнинг ташқи беағи

Дори воситаларини маркалаш, идишга жойлаш-ўраш ва уларнинг ташқи беағига доир қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

10-модда. Фармокологик воситаларни клиник синовлардан ўтказиш

Фармокологик воситаларнинг клиник синовлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхати тасдиқланадиган илмий-тадқиқот институтларида ҳамда клиника муассасаларида ўтказилади.

Фармокологик воситаларни одамда клиник синовдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига берилади.

Қарор қабул қилиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

- синовларда ихтиёрий қатнашувчи мижознинг розилиги;

➤ клиникада қўллашгача бўлган даврда фармакологик воситаларнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини ўрганиш натижалари;

➤ фармокологик восита қўлланилишидан кутиш мумкин бўлган қўшимча таъсирнинг хавфи кутилаётган ижобий самарадан анча паст бўлиши тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги.

Синовлар чоғида одатдан ташқари реакциялар рўй берган ёки жамият учун ёхуд синовда ихтиёрий қатнашаётган мижознинг саломатлиги ва ҳаёти учун хавф-хатар туғилган тақдирда клиник синовлар раҳбари синовларни тўхтатиши ҳамда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини хабардор қилиши шарт.

Фармокологик воситаларни синовдан ўтказишни маблағ билан таъминлаш синалаётган фармокологик воситани тағдим этган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

11-модда. Клиник синовда ихтиёрий қатнашаётган мижознинг ҳуқуқлари

Фармакологик воситанинг клиник синовида иштирок этишга ёзма розилик берган ихтиёрий қатнашаётган мижоз синовни ўтказувчи шифокордан бу услубнинг аҳамияти, моҳияти ва бундай синов келтириб чиқариши эҳтимол тутилган хавф тўғрисида олдиндан батафсил тушунтириш олиши, шунингдек у исталган босқичда синовда қатнашишини рад этиш ҳуқуқига эга эканлигидан хабардор қилиниши лозим.

Синов вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз мижоз иштирокида ўтказиладиган бўлса, унинг ота-онасидан ёки бошқа қонуний вакилларида ёзма тарзда розилик олиниши керак. Вояга етмаган мижозлар иштирокида ўтказиладиган синовдан олдин, қоида тариқасида, синов вояга етганларда ўтказилган бўлиши керак.

Фармокологик воситанинг клиник синовини бошлашдан олдин синовни ўтказаётган даволаш-касалликнинг олдини олиш муассасаси суғурта ташкилоти билан мижознинг саломатлиги ва ҳаётини суғурта қилиш юзасидан шартнома тузиши шарт.

12-модда. Саноат корхоналари ва улгуржи савдо ташкилотлари томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сотилиши

Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ҳуқуқига эга.

Улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотлари дори воситаларини ва тиббий буюмларни уларни тайёрлаш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ишлаб чиқарувчилардан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган дори-дармонларни етказиб берувчи бошқа улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотларидан, шунингдек хорижий фирмалардан сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Дори воситалари, тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар, улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотлари дори воситаларини, тиббий буюмларни намуналар сифатида ҳам дорихоналарга, даволаш-касалликнинг олдини олиш муассасаларига, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга, шунингдек тиббиёт ва фармацевтика ўқув юртларига бериш ҳуқуқига эга. Намуналарни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

13-модда. Дори воситаларини сотиш

Дори воситалари фақат дорихона муассасалари орқали сотилади.

Дорихоналар иши дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

Дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахсларгагина рухсат этилади.

Барча дорихона муассасалари санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг қалбақиси ёки ғайриқонуний нусхаси бўлган дори воситаларини реализация қилиш тақиқланади. (ЎзР 15.04.1999 й. 772-1-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

ЎзР 15.04.1999 й. 772-1-сон Қонунига мувофиқ бешинчи ва олтинчи қисмлар тегишинча олтинчи ва еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

Муддати ўтган дори воситаларини сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

Дорихоналарнинг фармацевтика фаолиятини назорат қилишни давлатнинг ваколатли органлари амалга оширади.

14-модда. Дори воситаларини экспорт ва импорт қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини, тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилишнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган ягона тартиби амал қилади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг қалбақиси ёки ғайриқонуний нусхаси бўлган дори воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиш тақиқланади. (ЎзР 15.04.1999 й. 772-1-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

15-модда. Тиббиёт муассасаларининг дори воситаларининг қўшимча салбий таъсири тўғрисида хабардор қилиш борасидаги мажбурияти

Даволаш-касалликнинг олдини олиш, дорихона муассасалари ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва қўлловчи корхоналар дори воситаларини қўллаш вақтида аниқланган барча қўшимча таъсир ҳоллари, шунингдек илгари кузатилмаган салбий таъсир ҳоллари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини хабардор қилишлари шарт.

16-модда. Дори воситалари, тиббий буюмлар ҳақида ахборот бериш ва уларни реклама қилиш

(ЎзР 15.04.1999 й. 772-1-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳақида ахборот бериш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилаб қўйиладиган тартибда амалга оширилади.

Дори воситалари ва тиббий буюмларни реклама қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. (ЎзР 15.04.1999 й. 772-1-сон Қонуни таҳриридаги қисми)

17-модда. Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Дори воситалари ва фармоцевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И.А. КАРИМОВ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1997 йил, N 4-5 120-модда)

ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1996 йил 29 август

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси,
1996 йил, 9-сон, 128-модда)

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Башарти халқаро шартномада фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

2-модда. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари.

➤ Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

➤ фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;

➤ фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

➤ давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

3-модда. Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принциплари.

Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

➤ соғлиқни сақлаш соҳасидаги инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;

➤ аҳолининг тиббий қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;

➤ профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;

➤ соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;

➤ тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши;
- фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатини;
- соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фанини ривожлантириш дастурлари тасдиқланиши ва маблағ билан тасдиқланиши;
- соғлиқни сақлаш давлат тизимини бошқариши;
- санитария-эпидемиология хотиржамлигини таъминлаш устидан назоратни;
- фавкулотда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлиғини муҳофаза этиш чора-тадбирлари кўрилишини, фуқароларнинг фавкулотда вазият зонасидаги аҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилишни;
- фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида статистика ҳисоби ва ҳисоботнинг ягона тизими ўрнатилишини;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий суғуртасининг таянч дастурларини тасдиқлашни;
- фуқароларнинг айрим гуруҳларига тиббий ёрдам кўрсатишда ва уларни дори-дармон билан таъминлашда имтиёзлар белгилашни;
- давлат бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларни мувофиқлаштириб боришни ва назорат қилиб туришни;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

- фуқаролар соғлиқни сақлашни ҳамда тиббиёт фанини ривожлантириш йўлида молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг устун йўналишларини белгилайди;
- соғлиқни сақлаш давлат бошқарув органлари, тиббий ва илмий муассасалар, тиббиёт ва фармацевтика ўқув юртлари фаолиятига раҳбарлик қилади;
- тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурини ишлаб чиқади;
- соғлиқни сақлаш муассасалари учун тиббий хизматлар кўрсатиш сифатининг давлат стандартини ва қийматининг нормативларини белгилайди;
- соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш муассасаларининг, шунингдек тиббиёт фармацевтика фаолияти билан хусусий тартибда шуғуллунувчи шахсларнинг аҳолига ўз вақтида малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишларини назорат қилиб боради;

➤ тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар беради;

➤ дори-дармонлар ва дезинфекция воситалари, иммунобиологик препаратлар ва тиббиётда ишлатиладиган маҳсулотлар, кучли таъсир этувчи ва захарли моддалар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп воситаларни сертификатлаштиришни амалга оширади, уларнинг ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиш тартибини назорат қилиб боради;

➤ санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини ишлаб чиқади, ҳамда тасдиқлайди, давлат санитария-эпидемиология назоратини таъминлайди;

➤ профилактик ёрдам йўналишлари ва ҳажмлари, профилактика мақсадларида эмлашлар ўтказишнинг муддат ва усуллар тўғрисидаги қарорлар қабул қилади, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади;

➤ бошқа давлат ҳудудида юқумли ва карантиндаги касалликлар олиб кирилишини олдини олиш ишларини манфаатдор органлар билан биргаликда ташкил этади ва назорат қилиб боради;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида даволаш-профилактика, санитария, эпидемияга қарши, радиация, экология масалалари юзасидан чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

6-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига қуйидагилар киради:

➤ соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

➤ фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш;

➤ соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларини шакллантириш, унинг муассасалари тармоғини ривожлантириш;

➤ бирламчи тиббий-санитария ва тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, улардан ҳамманинг баҳраманд бўлишини таъминлаш, тиббий ёрдам сифатининг клиник статистик стандартларига риоя этилишини назорат қилиш, тасарруфдаги ҳудудда фуқароларни дори-дармонлар ва тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлаш;

➤ соғлиқни сақлаш харажатларини моливий таъминлашнинг ўз манбаларини шакллантириш;

➤ фуқароларнинг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлигини таъминлаш, профилактика, санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

➤ атроф муҳитни муҳофаза этиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш;

➤ фавкулотда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлиғини муҳофаза этиш чора-тадбирларини кўриш, фуқароларни фавкулотда вазият зонасидаги аҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилиш;

➤ соғлиқни сақлаш тизими органлари, муассасалари ва корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш, соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатилаётган тиббиёт-ижтимоий ёрдам сифатини назорат қилиб бориш;

➤ ногиронлар ва тиббий-ижтимоий ҳимояга мўхтож шахсларнинг куч-қувватини тиклайдиган муассасалар ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;

➤ оилали, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

➤ фуқароларга санитария-гигиена ва экология таълими беришни ташкил этиш;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Соғлиқни сақлаш тизими.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қилади.

8-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизими.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, уларнинг шаҳар ва туман бўлинмалари киради. Давлат соғлиқни сақлаш тизимига давлат мулки бўлган ва давлат соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларига бўйсунувчи даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот муассасалари, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тайёрлайдиган ҳамда уларни қайта тайёргарликдан ўтказадиган ўқув юртлари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, суд-тиббий экспертиза муассасалари, тиббий дори дармонлар ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда асосий фаолияти фуқаролар соғлиғини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхоналар ҳамда асосий фаолияти фуқаролар соғлиғини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар киради.

Илмий-тадқиқот институтларининг клиникалари, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари барпо этадиган даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари давлат соғлиқни сақлаш тизимига киради.

Давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатади.

9-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш манбалари куйидагилардан иборат:

- давлат бюджети маблағлари;
- тиббий суғурта маблағлари;
- фуқароларнинг соғлиғини сақлашга мўлжалланган мақсадли фондларнинг маблағлари;
- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахсларнинг соғлиқни сақлаш муассасаларига ихтиёрий ва хайрия бадаллари;
- банкларнинг кредитлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10-модда. Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласидан хусусий таъбиот амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, хусусий корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларда маблағ билан таъминланадиган даволаш –профилактика, дорихона муассасалари ҳамда таъбиот ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради.

11-модда. Соғлиқни сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, шунингдек таъбиот ҳамда фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга лицензиялар бериш тартиби ва шартлари.

Соғлиқ сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек жисмоний шахслар лицензияга эга бўлган тақдирдагина таъбиот ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Давлат, хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига лицензиялар бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

12-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги.

Аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, санитария-гигиена йўсинидаги ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилиши орқали таъминланади.

II. Фуқароларнинг соғлиғини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

13-модда. Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди.

Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қондани бузишдан айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

14-модда. Ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ажнабий фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, соғлиқни сақлашда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатиб ўтилган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

15-модда. Фуқароларнинг соғлиққа таъсир этувчи омиллар ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи.

Фуқаролар соғлиққа таъсир этувчи омиллар ҳақида, шу жумладан яшаш ҳудудининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги тўғрисида, овқатланишнинг оқилона нормалари хусусида, товарлар, ишлар, хизматлар, уларнинг хавфсизлиги, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида ўз вақтида ва аниқ ахборот олиш ҳуқуқига эга.

16-модда. Фуқароларнинг тиббий – ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи.

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, таъхис қўйиш-даволаш, куч – қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

17-модда. Айрим турдаги касб-кор билан шуғулланувчи фуқароларнинг соғлиғини сақлаш.

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, юқумли ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган ишлаб чиқаришлар ҳамда айрим касбларнинг ходимлари ишга кириш вақтида дастлабки мажбурий тиббий кўрикдан ҳамда кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтадилар.

Соғлиғининг ҳолатига кўра фуқаро айрим турдаги касб-кор ҳамда юқори даражали хавф манбаи бўлган фаолият билан шуғулланишга вақтинча ёки доимий лаёқатсиз деб топилиши мумкин. Бундай қарор тиббиёт нуқтаи назаридан шуғулланиш номақбул деб топилган фаолиятлари рўйхатига мувофиқ ҳолда тиббий комиссиялар чиқарган хулоса асосида қабул қилинади ва унинг устидан судда шикоят қилиниши мумкин.

Тиббиёт нуқтаи назаридан шуғулланиш номумқбул деб топилган айрим турдаги касб-кор ва юқори даражада хавфли манба билан боғлиқ фаолиятлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда белгиланади ҳамда беш йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

Иш берувчилар ўз ходимларининг мажбурий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши учун ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарли оқибатлар учун жавобгар бўлади.

18-модда. Оила соғлиғини сақлаш.

Хар бир фуқаро давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида оилага таалукли масалалар, ўзида ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар бор йўқлиги юзасидан, никоҳ ва оила муносабатларининг тиббий – руҳий жиҳатлари юзасидан бепул маслаҳатлар олиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар олиш ва текширувдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Болали оилалар фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Уч ёшга тўлмаган болалар, шунингдек шифокорларнинг хулосасига кўра кўшимча қаровга муҳтож бўлган катта ёшдаги касали оғир болалар стационар шифохонада даволанаётганида уларнинг отаси ёки онасига ёхуд оиланинг болани бевосита парваришлаётган бошқа аъзосига даволаш муассасасида унинг ёнида бирга бўлиши учун имконият яратилади ва меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.

19-модда. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари.

Давлат вояга етмаганларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқларини уларнинг жисмоний, маънавий ривожланиши учун, касалликларнинг олдини олиш учун энг қулай шароит яратиш, шунингдек мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва бошқа муассасаларда тиббий хизматни йўлга қўйиш орқали таъминлайди.

Вояга етмаганлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда диспансер назоратида бўлиш ҳамда болалар ва ўсмирларнинг даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш;
- санитария-гигиена таълими олиш, ўқиш ҳамда ўзларининг физиологик хусусиятлари ва соғлиғига мос шароитда меҳнат қилиш;
- касбга яроқлилигини аниқлаш чоғида бюджет маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳатлар олиш;
- соғлиқлари тўғрисида ўзлари учун қулай тарзда зарур ахборот олиш.

Ўн беш ёшдан ошган вояга етмаганлар маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ёки руҳий ривожлантиришда нуқсони бор вояга етмаганлар ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра бюджет маблағлари, хайрия жамғармалари ва бошқа фондларнинг маблағлари, шунингдек ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимоя тизими муассасаларида яшашлари мумкин.

Ота-оналар ёки бошқа шахсларнинг ўз тарбиясидаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, вояга етмаганлар билан уларнинг соғлиғига зарар етказадиган даражада шафқатсиз муносабатда бўлишлари қонун белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

20 – модда. Ҳарбий хизматчилар, ҳарбий ва муқобил хизматга чақириладиган ҳамда ҳарбий хизматга контракт бўйича кирадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқсиз эканликларини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтиш ҳамда ҳарбий хизмат-тиббий комиссиянинг хулосаси асосида ҳарбий хизматдан муддатидан илгари бўшатилиш ҳуқуқига эга.

Харбий ва муқобил хизматга чақириладиган ёки харбий хизматга контракт бўйича кирадиган фуқаролар тиббий текширувдан ўтади ҳамда соғлиғига кўра харбий хизматга чақирувни кечиктириш ёки чақирувдан озод этилиш ҳуқуқини берадиган тиббий маълумотлар тўғрисида тўлиқ ахборот олиш ҳуқуқига эга.

21-модда. Пенсия ёшидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари.

Пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини берадиган ёшга ётган фуқароларга давлат соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизими муассасаларида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ўз ичига стационар – амбулатория йўли билан даволаши, санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштиришни, ёлғиз кексаларга уларнинг ўз уйида ҳамда интернат-уйларда хизмат кўрсатишни қамраб олади.

Пенсия ёшидаги фуқаролар тиббий ҳулоса асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий суғурта маблағлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органларининг маблағлари ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан куч-қувватни тиклаш ҳуқуқига эга.

22-модда. Ногиронларнинг ҳуқуқлари.

Ногиронлар, шу жумла ногирон болалар ва болаликдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч – қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлар давлат соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий таъминот муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиш, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар ва сурункали рухий хасталикларга чалинган ногиронлар эса ижтимоий таъминот муассасаларида яшаш ҳуқуқига эга.

Ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби ва уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

23-модда. Фавқулодда вазиятлар туфайли жабр кўрган фуқароларнинг ҳуқуқлари.

Фавқулотда вазият туфайли жабр кўрган фуқаролар бепул тиббий ёрдам олиш ва соғлиқни тиклаш тарзида даволаниш, фавқулотда вазият оқибатларини бартараф этиш ҳамда ҳаёти ва соғлиқларига таҳдид солаётган хавфни камайтиришга қаратилган гигиена чора-тадбирлари ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Фавқулотда вазият шароитида одамларни қутқариш ва тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида жабр кўрган фуқаролар бепул даволаш, шу жумладан санаторий ва курортларда даволаш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларида фойдаланиш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий компенсация олиш кафолатланади.

24-модда. Беморнинг ҳуқуқлари.

Бемор тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари;
- шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;
- санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаш ва парвариш қилиниш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўйган тартибда ўз илтимосига кўра бошқа мутахассисларнинг консилиум қилиши ва улардан маслаҳат олиш;
- тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлигининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уларни текшириш ва даволаш чоғида олинган маълумотлар сир сақланиши;
- тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;
- ўз ҳуқуқ ва бурчлари хусусида ҳамда соғлиғининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек соғлиғининг ҳолатига доир маълумотларни ўз манфаатини кўзлаган ҳолда берса бўладиган шахсларни танлаш;
- ихтиёрий тиббий суғурта доирасида ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш;
- тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғига зарар етказилган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши;
- ҳуқуқини ҳимоя қилиниши учун ҳузурига адвокат ёки бошқа қонуний вакил қўйилиши.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

25-модда. Фуқароларнинг ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқи.

Хар бир фуқаро ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумот шу жумладан текшириш натижалари, қандай касали борлиги, қандай ташхис қўйилганлиги, касалликнинг бундан буён қандай кечишига оид тахминлар, даволаш усуллари ва бу усуллар билан боғлиқ ҳавф-хатар, тиббий аралашувнинг эҳтимол тутилган турлари ва уларнинг оқибатлари, амалга оширилган даволашнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Фуқаронинг соғлиғи ҳақидаги маълумотни унинг ўзига ўн беш ёшга тўлмаган шахслар ҳамда қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни эса уларнинг қонуний вакилларида даволаш-профилактика муассасасининг даволовчи шифокори, бўлим мудирлари ёки текшириш ва даволашда бевосита қатнашаётган бошқа мутахассислар беради.

Касалликнинг кечиши номақбул деб тахмин қилинган ҳолларда бу ҳақда фуқарога ва башарти унинг ўзи оила аъзоларига хабар қилишни таъқиқламаган ва (ёки) бундай маълумот берилиши учун бирор шахсни тайинламаган бўлса, беморнинг оила аъзоларига тиббий-одоб меъёрларига риоя қилган ҳолда хабар қилиниши керак.

Фуқаронинг талабига мувофиқ унинг соғлиғининг ҳолатини акс эттирувчи тиббий ҳужжатлардан нусха берилади.

Фуқаронинг тиббий ҳужжатларида акс этган маълумотлар шифокорлик сири бўлиб, у фақат ушбу Қонун 45-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган асослардагина фуқаронинг розилигисиз тақдим этилиши мумкин.

26-модда. Тиббий аралашувга розилик бериш.

Фуқаронинг ўз касаллигига доир маълумотларни билган ҳолда ўз ихтиёри билан розилик бериши тиббий аралашувнинг дастлабки зарур шартидир.

Фуқаронинг аҳволи ўз-хоҳиш иродасини изҳор этишга имкон бермайдиган, тиббий аралашувни эса кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда фуқаронинг манфаатини кўзлаб тиббий аралашувни амалга ошириш масаласини консилиум ҳал қилади, башарти консилиумга йиғилишнинг иложи бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасасининг мансабдор шахсларини хабардор қилиш шarti билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор ҳал этади.

Ўн беш ёшга тўлмаган шахсларга ва қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга нисбатан тиббий аралашувга уларнинг қонуний вакиллари розилик беради. Ота-она ёки бошқа қонуний вакиллар йўқлигида тиббий аралашув тўғрисидаги қарорни консилиум қабул қилади, башарти консилиумга йиғилишнинг иложи бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасасининг мансабдор шахслари ва беморнинг қонуний вакиллари хабардор қилиш шarti билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор қабул қилади.

27-модда. Тиббий аралашувни рад этиш.

Фуқаро ёки унинг қонуний вакили тиббий аралашувни рад этиш ёки унинг тўхтатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, ушбу Қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда шифокор ёзма тасдиқнома олишга, агар тасдиқнома олишнинг иложи бўлмаса-тиббий аралашувни рад этишни гувоҳлар иштирокида тегишли далолатнома билан гувоҳлантириб олишга ҳақлидир.

Башарти тиббий аралашувни беморнинг қонуний вакили рад этса ва бу ҳол бемор учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлса, шифокор бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларини хабардор қилиши шарт.

28-модда. Фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиш.

Атрофдагилар учун хавфли касалликка чалинган шахсларга фуқаролар ёки улар қонуний вакилларининг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатилишига

(тиббий кўриқдан ўтказиш, касалхонага ётқизиш, кузатиш ва яккалаб қўйишга) қонун ҳужжатларида белгиланган асосларда ёки тартибда йўл қўйилади.

III. ФУҚАРОЛАРГА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

29-модда. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий-таъминот, жамоат бирлашмаларининг муассасалари кўрсатадиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий, қулай ва бепул тури бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

➤ энг кўп тарқалган касалликлар, шикастланиш, заҳарланиш ва шошилиш ёрдам талаб этиладиган бошқа ҳолатларни даволашни;

➤ санитария-гигиенага доир ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар, энг муҳим касалликларнинг тиббий профилактикасини ўтказишни;

➤ оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларини, турар жойларда фуқароларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар кўришни.

Хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларнинг муассасалари томонидан кўрсатиладиган бирламчи тиббий санитария ёрдами шартнома асосида амалга оширилади.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳажми ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

30-модда. Шошилиш ва тез тиббий ёрдам.

Фуқаролар соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар қандай даволаш-профилактика муассасасида шошилиш тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт. Улар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишдан бўйин товлаганлик, шунингдек фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарар учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Тез тиббий ёрдам хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгиланган тартибда кўрсатилади.

Фуқаронинг ҳаёти хавф остида бўлган тартибда тиббиёт ходимлари уни даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш учун ҳар қандай транспорт туридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Милиция, ёнғиндан сақлаш, авария хизматлари, транспорт ташкилотлари ходимлари, шунингдек бошқа касб-кор вакиллари тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар воқеа содир бўлган жойда қонун ҳужжатларига биноан зиммаларига юклатилган бирламчи шошилиш ёрдамни кўрсатишлари шарт.

31-модда. Ихтисослашган тиббий ёрдам.

Ихтисослашган тиббий ёрдам профилактика, ташхис қўйиш, даволашнинг ва мураккаб тиббий технологиялардан фойдаланишнинг махсус усуллари тақозо этувчи касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилади.

Ихтисослашган тиббий ёрдам мазкур фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган даволаш-профилактика муассасаларида мутахассис шифокорлар томонидан кўрсатилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатиладиган ихтисослашган тиббий ёрдамнинг турлари ҳажми ва сифат стандартлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

32-модда. Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади ва доимий тиббий кузатув таъминланади.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар рўйхати ва бундай касалликларга чалинган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам турлари ва ҳажмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгилайди.

33-модда. Атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Атрофдагилар учун хавфли бўлган, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат соғлиқни сақлаш тизимининг ана шундай мақсадга мўлжалланган муассасаларида бепул амалга оширилади.

Атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг турлари ва ҳажми Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгиланади.

34-модда. Профилактика, ташхис қўйиш, даволашнинг янги усуллари, дори-дармонлар, иммунобиология препаратлари ва дезинфекция воситаларини қўлланиш ҳамда биологик-тиббий тадқиқотлар ўтказиш тартиби.

Соғлиқни сақлаш амалиётида фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланишга рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш, даволаш усуллари, дори-дармонлар, иммунобиология препаратлари ва дезинфекция воситаларидан фойдаланилади.

Қўлланишга рухсат этилмаган, лекин белгиланган тартибда кўриб чиқиладиган ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва дори-дармонлардан беморни даволаш манфаатини кўзлаб фақат унинг ихтиёрий равишдаги ёзма розилиги олинганидан кейин, ўн беш ёшга тўлмаган шахсларни даволашда

эса фақат уларнинг ҳаёти бевосита хавф остига қолган тақдирда ва қонуний вакилларнинг ёзма розилиги билангина фойдаланиш мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва дори-дармонларни, иммунобиология препаратлари ва дезинфекция воситаларини, шу жумладан чет элда фойдаланиладиганларини қўлланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Инсонни объект сифатида жалб этиб, биологик тиббий тадқиқот ўтказишга фақат лаборатория тажрибалари ўтказилганидан ва фуқаронинг ёзма розилиги олинганидан кейингина давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида йўл қўйилади. Фуқарони биологик тиббий тадқиқотларда қатнашишга мажбурлаш мумкин эмас.

Биологик-тиббий тадқиқот ўтказишда фуқародан розилик олинаётганда унга тадқиқотнинг мақсади, усуллари, қўшимча оқибатлари, эҳтимол тутилган хавфи, тадқиқотнинг қанча давом этиши ва кутилаётган натижаларига оид маълумотлар берилиши лозим. Фуқаро тадқиқотнинг исталган босқичида унда қатнашишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Белгиланган тартибда текширув синовларидан ўтмаган профилактика, ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва дори-дармонларни тарғиб қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш таъқиқланади. Ушбу нормани бузиш қонунда белгиланганидек жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

35-модда. Фуқароларни дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш.

Шифокорнинг дориқоғози бўйича ва дориқоғозсиз бериладиган дори-дармонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Дори-дармонлар ва яқка тартибда фойдаланиладиган тиббиёт буюмлари билан имтиёзли асосларда таъминладиган фуқароларнинг тоифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг томонидан белгилаб қўйилади. Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволовчи шифокорлари фуқароларнинг дори-дармонлар билан имтиёзли асосларда таъминланиши учун дориқоғоз ёзиб бериш ҳуқуқига эга.

IV. ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА

36-модда. Меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертизалаш.

Фуқароларнинг касаллик, шикастланганлик, хомиладорлик, туққанлик, оиланинг бетоб аъзосини парваришлаганлик, протез қўйдирганлик, санаторий курортда даволанганлик муносабати билан ва бошқа ҳоллардаги меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини экспертизалаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертизалаш давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволовчи шифокорлари томонидан ўтказилади ва улар

фуқароларга меҳнатга лаёқатсизлик варақасини беради. Хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларида даволанган фуқароларга меҳнатга лаёқатсизлик варақалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўядиган тартибда берилади.

Меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик экспертизаланганида ходимнинг соғлигининг ҳолатига қараб вақтинча ёки доимий равишда бошқа ишга ўтказиш зарурати ва муддати аниқланади, шунингдек фуқарони белгиланган тартибда, шу жумладан унда ногиронлик белгилари мавжуд бўлган тақдирда тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига йўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

37-модда. Тиббий-меҳнат экспертизаси.

Тиббий-меҳнат экспертизаси фуқаролар ногиронлигининг сабаби ва гуруҳини, уларнинг меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражасини, улар соғлигини тиклаш турлари, ҳажми ва муддатини ҳамда ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини белгилайди, тегишли хулосалар беради. Ушбу хулосалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурияти учун мажбурийдир.

Тиббий-меҳнат экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Тиббий-меҳнат экспертизасининг хулосаси устидан фуқаронинг ўзи ёки унинг қонуний вакили судга шикоят қилиши мумкин.

38-модда. Ҳарбий-тиббий экспертиза.

Ҳарбий-тиббий экспертиза ҳарбий ёки муқобил хизматга чақириладиган, ҳарбий хизматга контракт бўйича кирадиган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органларининг заҳирасида (резервида) турган фуқароларнинг ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги жиҳатидан ҳарбий хизматга яроқли ва яроқсиз эканлигини, касаллик, ярадорлик, шикастланганлик ҳарбий хизмат (ҳарбий йиғинларни ўташ) билан боғлиқлигини аниқлайди, ҳарбий хизматчиларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг соғлигини тиклашнинг турлари, ҳажми ва муддатини белгилайди.

39-модда. Суд-тиббиёт ва суд-психатрия экспертизалари.

Суд-тиббиёт экспертизаси давлатни соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида эксперт томонидан, унинг йўқлигида эса экспертиза ўтказишга жалб этилган шифокор томонидан суриштирув ўтказаетган шахс, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида ўтказилади.

Суд-психатрия экспертизаси давлат соғлиқни сақлаш тизимининг шу мақсадга мўлжалланган муассасаларида ўтказилади.

Суд-тиббиёт ва суд-психатрия экспертизаларини ўтказган муассасаларнинг хулосалари устидан фуқаронинг ўзи ёки унинг қонуний вакили судга шикоят қилиши мумкин.

40-модда. Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш ва одамнинг ўлган вақтини аниқлаш.

Патологик-анатомик тадқиқотлар соғлиқни сақлаш муассасаларида одам ҳаёилигида ва ўлгандан сўнг ташхис қўйиш (биопсия ва аутопсия), шунингдек, клиник шароитда ташхис қўйиш ва касалликни даволаш ишларининг тўғри олиб борилганлигини назорат қилиш, ўлим сабаблари ҳақида аниқ маълумотлар олиш мақсадида ўтказилади.

Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш ва одамнинг ўлган вақтини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

V. ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ

41-модда. Тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта махсус тиббиёт билим юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар, рўйхати Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган муайян тиббиёт ва фармацевтика фаолияти турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эса диплом ва лицензия олган шахслар эга бўладилар.

Тиббиёт ва фармацевтика маълумоти тўғрисидаги дипломни хорижий давлатларда олган шахсларнинг тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Ўз касби бўйича уч йилдан кўп ишламаган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тегишли фаолият билан шуғулланишига тегишли ўқув юртларида қайта тайёгарликдан ўтгандан кейин ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аттестация комиссиялари ўтказадиган аттестация асосида йўл қўйилади.

Тиббиёт ёки фармацевтика соҳасида тугалланмаган олий маълумоти бўлган шахсларнинг тиббиёт соҳасида ўрта маълумоти бўлган ходимлар ишлайдиган лавозимларда тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти билан шуғулланишига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлари талабаларининг фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишда таълим дастурларига мувофиқ қатнашишига тиббиёт ходимлари назорати остида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Ғайриқонуний равишда тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

42-модда. Хусусий тиббиёт амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқи.

Олий ёки ўрта махсус тиббий маълумот тўғрисида диплом ва танланган фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензия олган шахслар хусусий тиббиёт амалиёти, шу жумладан табиблик (халқ табobati) билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини профессионал тиббиёт уюшмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек рухсатнома (лицензия) берган орган назорат қилиб боради.

Хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланишга рухсатнома берган органнинг ёки суднинг қарори билан тўхтатилиши мумкин.

43-модда. Профессионал тиббиёт ва фармацевтика уюшмалари.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиббиёт ва фармацевтика амалиётини ривожлантириш, илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касб фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларини ҳал этиш мақсадида ихтиёрий асосда таркиб топадиган профессионал уюшмалар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари тузиш ҳуқуқига эга.

Профессионал тиббиёт, фармацевтика уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари ўз фаолиятларини уставлар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

44-модда. Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди.

Шифокор дипломини олаётган шахслар қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

«Шифоор деган юксак унвонни олиб, тиббиёт фаолиятига киришар эканман:

➤ ўзимнинг бор билим ва маҳоратимни беморни даволашга ҳамда инсон соғлигини сақлашга бағишлашга;

➤ ёши, жинси, ирки, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳар бир беморга куч-ғайратим ва вақтимни аямай тиббий ёрдам кўрсатишга;

➤ беморнинг соғлигини шахсий манфаатларимдан юқори қўйишга, камтар ва ҳалол бўлишга, ўз билим ва маҳоратимни доимо ошириб боришга;

➤ шифокор сирини сақлашга;

➤ кишиларга ҳамиша меҳр-мурувват ва шифо топишларига ишонч ҳадя этишга;

➤ Сукрот, Абу Али ибн Сино сингари улуғ табибларнинг шонли анъаналарини давом эттиришга тантанали қасамёд қиламан.

Ушбу қасамёдга умримнинг охиригача содиқ қолишга қасамёд қиламан».

Шифокорлар қасамёдни бузганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

45-модда. Шифокор сири.

Фуқаронинг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг соғлигининг ҳолати, касаллигига қўйилган ташхис хусусидаги ҳамда уни текшириш ва даволаш ёрдамида олинган бошқа маълумотлар шифокор сирини ташкил этади.

Шифокор сири ҳисобланган маълумотлардан ўқиш ҳамда касб-корга, хизматга доир ва бошқа ҳил вазифаларни бажариш пайтида хабардор бўлиб қолган шахсларнинг бу маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор қилишига йўл қўйилмайди, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Шифокор сири ҳисобланган маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз беришга қуйидаги сабабларга кўра йўл қўйилади:

аҳволи оғирлиги сабабли ўз-хоҳиш иродасини билдира олмайдиган фуқарони текшириш ва даволаш мақсадида ;

юқумли касалликлар тарқалиши, ялпи заҳарланиш ва заҳарланиш хавфи таҳдид солганида;

тергов ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан суриштирув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича;

ўн беш ёшга тўлмаган, вояга етмаган шахсга ёрдам кўрсатилаётганда унинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари хабардор қилиш учун;

фуқаронинг соғлигига ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар ёки бахтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганида.

Шифокор сири ҳисобланган маълумотлар қонунда белгиланган тартибда берилган шахслар шифокор сирини ошкор қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан баб-баробар жавобгар бўладилар.

46-модда. Фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш.

Фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилган ҳолларда айбдорлар жабрланганлар кўрган зарар ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажм ва тартибда қоплашлари шарт.

Ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлардан жабр кўрган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишга сарфланган маблағлар уларнинг соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган жисмоний ва юридик шахслардан ундирилади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз касб-кор ва вазифаларини малакали бажармаганликлари оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Зарарнинг ўрнини қоплаш тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қонунга мувофиқ интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

47-модда. Соғлиқни сақлаш соҳасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи.

Давлат органлир ва мансабдор шахсларнинг ушбу қонунда белгиланган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи ҳатти-ҳаракатлари устидан юқори давлат органларига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.А.Каримов

ШАҲАР ЙЎЛОВЧИЛАР ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1997 йил 25 апрел

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
1997 йил, 4-5 сон, 124-модда)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришдан иборатдир.

2-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Қонуннинг амал қилиш соҳаси.

Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонундан ва бошқа қонун ҳужжатлардан иборатдир.

Ушбу Қонун Тошкент шаҳрида, вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларда, шунингдек шаҳарчаларда шаҳар йўловчилар транспорти субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳар йўловчилар транспорти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти тушунчаси.

Шаҳар йўловчилар транспорти деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган, шаҳар доирасида йўловчилар ҳамда багаж ташишга мўлжалланган автомобил ва электр транспорти тушунилади.

4-модда. Шаҳар йўловчилар транспортининг мулк шакллари.

Шаҳар йўловчилар транспорти оммавий ёки хусусий мулк асосида ишлаши мумкин.

5-модда. Шаҳар йўловчилар транспортининг турлари.

Шаҳар йўловчилар транспорти жумласига автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен, йўналишли ва йўналишсиз таксилар кирази.

Автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен ва йўналишли таксилар белгиланган йўналишлар бўйича, ҳаракат жадвалига мувофиқ, белгиланган таърифдаги ҳақ эвазига йўловчилар ташийди.

Йўналишсиз таксилар йўловчиларнинг талаблари асосида таксометр (ҳисоблагич) кўрсатиши бўйича ҳақ эвазига ташиш хизматлари кўрсатади.

6-модда. Идораларга қарашда йўловчилар транспорти.

Идораларга қарашли йўловчилар транспорти жумласига корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз ходимларининг муайян йўналиш ва ҳаракат жадвали бўйича мазкур корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан белгиланган тартибда ёхуд ташиш шартномаси бўйича ташиш хизматлари кўрсатувчи автобуслари ва микроавтобуслари киради.

Идораларга қарашли йўловчилар транспортидан шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи билан тузилган ташиш шартномаси бўйича йўловчилар ташиш учун фойдланиши мумкин. Бу ҳолда шаҳар йўловчилар транспортига нисбатан татбиқ этилади.

7-модда. Йўловчи ташиш шартномаси.

Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ташиш иши ташиш шартномаси асосида амалга оширилади.

Йўловчи ташиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

Қуйидагилар ташиш шартномасининг тарафларидир:

➤ ташувчи- мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда транспорт воситасига эга бўлган, шаҳарда тижорат асосида йўловчилар ташиш хизмати кўрсатадиган ва бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

➤ йўловчи-ташувчининг хизматидан фойдаланувчи жисмоний шахс.

Ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчини ва унинг бағажини белгиланган мнзилга элтиб қўйиши шарт. Йўловчи белгиланган йўл ҳақини, бағаж бўлса, бағаж ташиш ҳақини ҳам тўлаши шарт.

8-модда. Ташувчининг асосий вазифалари.

Қуйидигалар ташувчининг асосий вазифаларидир:

- фуқароларнинг ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- шаҳар йўловчилар транспортининг бир маромда ишлашини ташкил қилиш;
- йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш;
- йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари бажарилишини таъминлаш.

9-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини лицензиялаш, солиқ солиш, кредитлаш, молиялаш ва нарх белгилаш, инвестиция, ягона илмий техника сиёсатини амалга ошириш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан тартибга солади.

10-модда. Шаҳар йўловчилар транспортининг давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси махсус ваколат берган шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи томонидан амалга оширилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- ривожлантириш ва илмий-техника тадқиқотлари ўтказиш масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;
- лицензиялаш тартибини белгилаш;
- кредитлаш, молиялаш ва инвестициялар соҳасида устун йўналишларни аниқлаш;
- метрополитен ва бошқа муҳим объектлар қурилишини молиялаш масалаларини ҳал этиш;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни изчил рўёбга чиқариш;
- халқаро шартномалар бажарилишини таъминлаш ва давлатлараро алоқаларни ривожлантириш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

12-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва комплекс минтақавий дастурларни тасдиқлаш;
- аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳақида шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи билан шартнома тузиш ва транспорт ҳаракатини ташкил этиш режасини тасдиқлаш;
- йўл қўйиладиган доирадаги таърифларни белгилаш ва уларга риоя этилиши устидан назоратни уюштириш;
- бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини, бошқа объектларни жойлаштириш, қуриш ва ободонлаштириш масалаларини ҳал этиш;
- йўловчилар ташиш ишининг сифати устидан назорат қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

13-модда. Шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органининг ваколатлари.

Шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- ташувчилар билан шартномалар тузиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- барча турдаги шаҳар йўловчилар транспортининг бир маромда ишлашини таъминлаш;
- ягона техника сиёсати юритиш;
- барча турдаги шаҳар йўловчилар транспортини ривожлантириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга

кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажмлари ва турларини кенгайтириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш;

➤ йўловчиларга хизматлар кўрсатиш тартиби ва қоидаларини белгиловчи норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

➤ автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, шунингдек йўналишли таксиларда йўловчилар ташиш йўналишлари ва ҳаракат жадвалларини тасдиқлаш;

➤ йўловчиларнинг ҳуқуқлари таъминланишини назорат қилиш;

➤ шаҳар йўловчилар транспорти субъектлари учун ягона чипта тизимини жорий этиш, йўл чипталари, варақалари, шунингдек, айрим тоифадаги фуқароларга транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар тайёрлаш;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

14-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини лицензиялаш.

Ташувчи шаҳарда йўловчилар ташишни махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширади.

Шаҳарда йўловчилар ташиш учун лицензия бериш ва уни қайтариб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

15-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини молиялаш.

Шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини молиялаш ташувчиларнинг даромадлари, ўз инвестициялари ва чет эл инвестициялари, бюджет маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарда йўловчилар ташиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлар, метрополитен қурилиши, қоида тариқасида давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Бекатларни, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини лойиҳалаш, қуриш, ободонлаштириш ва саранжом сақлаш, шунингдек янги трамвай ва троллейбус йўллари қуриш маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳар йўловчилар транспорти ташувчиларнинг йўл қўйиладиган доирадаги тарифлар бўйича йўловчилар ва багаж ташиш хизматлари кўрсатиш муносабати билан кўрган зарари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

Айрим тоифадаги фуқароларни транспортда имтиёзли ташиш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

16-модда. Шаҳар йўловчилар транспортида йўл ҳақи тўлаш.

Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш ҳақини тўлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан йўл қўйиладиган доирада белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташишнинг йўл қўйиладиган доирадаги тарифлари даражаси иқтисодий асосланган ташиш харажатларидан ва йўловчилар ташиш хизматларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланади.

Йўналишсиз таксиларда багаж ташиш ҳақи олинмайди.

17-модда. Солиқлар ва имтиёзлар.

Шаҳар йўловчилар транспортининг ташувчиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар тўлайди ва имтиёзлардан фойдаланади.

18-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқи.

Шаҳар йўловчилар транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқи тегишли малакага эга бўлган ва тиббий текширувдан ўтган шахсларга берилади.

Йўловчилар транспортини бошқаришга доир малака талбалари ва тиббий текширувдан ўтиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

19-модда. Йўналишларни ташкил этиш. Бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзиллари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органлари, аҳолининг эҳтиёжларига қараб йўналиш тармоқларини ҳамда шаҳар йўловчилар транспортининг ҳар хил турларини улардан самарли фойдаланишни назарда тутган ҳолда ривожлантиришни таъминлайдилар.

Йўналишларни ташкил этиш, шу жумладан янги йўналишлар очиш ва ишлаб турганларини ўзгартириш, бекатларни, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини жойлаштириш ерини аниқлаш шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Йўловчиларнинг, шу жумладан ногиронлар ва болали йўловчиларнинг транспорт воситасига чиқиши ва ундан тушишининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзиллари ҳудудида жиҳозланган супачалар бўлиши лозим.

Бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзилларида маҳаллий ҳокимияти органларининг руҳсати билан аҳолига хизматлар кўрсатиш объектлари жойлаштирилиши мумкин. Бунда йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлиги ҳамда транспорт ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши керак.

Бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзиллари мазкур турдаги иншоотларга қўйиладиган санитария ва техника талабларига мос, замонавий кўринишга эга бўлиши лозим.

20-модда. Шаҳар йўловчилар транспортининг ҳаракат жадвали.

Шаҳар йўловчилар транспортининг ҳаракати ташувчи томонидан шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи тасдиқланган ҳаракат жадвалига мувофиқ ташкил қилинади.

Барча бекатларда, охирги ва тўхтаб ўтиш манзилларида йўналишнинг номи, тартиб рақами ва ҳаракатнинг оралик вақт тўғрисидаги маълумот лавҳаси жойлаштирилади.

Метрополитен бекатларида поездлар ҳаракатининг оралик вақти махсус қоидаларга биноан белгиланади.

21-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти воситаларига қўйиладиган талаблар.

Шаҳар йўловчилар транспорти воситалари хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стандартлар ва техникавий шартларга, тиббий-санитария ва ёнғинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим. Транспорт воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

Сертификатлашдан ўтмаган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган транспорт воситалари фойдаланишга қўйилмайди.

Йўловчилар транспортини сертификатлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Шаҳар йўловчилар транспортининг салоҳида ҳаракат йўналиши, йўловчи ва багаж ташиш ҳақи тўғрисидаги маълумот, шунингдек бошқа зарур ахборот бўлиши лозим.

Ташувчи шаҳар йўловчилар транспортида ногиронлар ва болали йўловчилар учун зарур қулайликларни яратади.

Йўналишсиз таксиларда йўл ҳақини аниқлаш учун ҳисоблагич (таксомер), махсус таниб олиш белгилари ва бошқа енгил автомобиллардан фарқланувчи рақам белгилари бўлиши лозим.

Йўналишсиз таксилар учун умумий белгилар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

22-модда. Шаҳар йўловчилар транспортида реклама.

Ташувчилар юридик ва жисмоний шахсларнинг рекламасини транспорт воситаларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирадilar.

23-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти ташувчисининг мажбуриятлари.

Ташувчи:

- шаҳарда йўловчиларни ташиш ишларини бажариш учун лицензияга эга бўлиши;
- йўловчиларни ташиш юзасидан белгиланган қоидаларга риоя этиши;
- йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғиндан сақлаш хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талабларини бажариши;
- ҳаракат хавфсизлигини, шаҳар йўловчилар танспортидан техник фойдаланиш ва уни ишлатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;
- фуқароларнинг айрим тоифаларини имтиёзли ташиши;

➤ қонун ҳужжатларида назарда тутилган боша талабларни бажариши шарт.

Ташувчиларнинг белгиланган йўналишдан ўзошимчалик билан четга чиқиши, ҳаракат жадвалини бузиши ҳамда йўловчиларга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бирон-бир талабни қўйиши ман этилади.

24-модда. Йўловчиларнинг ҳуқуқлари.

Йўловчилар:

- шаҳар йловчилар транспортининг ҳар қандай туридан фойдаланиш; бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзилларидан фойдаланиш;
- ўзлари билан биргаликда етти ёшгача бўлган болаларини бепул олиб юриш;
- ўлчамлари белгиланган катталиқдан ошмайдиган, вазни йигирма килограммгача бўлган қўл юкини бепул олиб юриш;
- ҳаёти ва соғлигини шахсий суғурта қилиш ҳақида ихтиёрий равишда шартнома тузиш;
- бекатлар ва охириги диспетчерлик манзиллари диспетчерларидан шаҳар йўловчилар транспортининг иши тўғрисида ахборот олиш;
- қонун ҳужжатларида берилган бошқа ҳуқуқарлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

25-модда. Йўловчиларнинг мажбуриятлари.

Йўловчилар:

- йўловчиларни ташиш юзасидан белгиланган қоидаларга риоя этишлари;
- йўл ҳақи ва багаж ташиш ҳақини ўз вақтида тўлашлари, чиптни манзилга етгунча қадар сақлашлари ва уни назорат қилувчи шахсларнинг талабига биноан кўрсатишлари;
- транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатишлари;
- шаҳар йўловчилар транспортдан фойдаланган тозалик ва тартибг риоя этишлари, ташувчиларнинг асбоб-ускуналари ва мол-мулкни эҳтиёт қилишлари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бажаришлари шарт.

Йўловчиларнинг тез ёнувчан, портловчи, заҳарли, радиактив моддалар ва ашёларни, шунингдек ғилофсиз ўқотар қурол, тигли ва кескир ашёларни олиб боришлари ман этилади.

26-модда. Шаҳар йўловчилар транспортда имтиёзли юриш.

Айрим тоифадаги фуқороларга қонун ҳужжатлари билан шаҳар йўловчилар транспортда имтиёзи юриш ҳуқуқини белгиланади.

Транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқидан фойдланадиган шахсларнинг қўл юки ва багаж олиб бориши умумий асосларда амалга оширилади.

Транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар бўйича кетаётган йўловчилар транспортда амал қилаётган ташиш қоидалари мажбурийдир.

27-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар Қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Чипталарни, йўл варақаларини ва шаҳар йўловчилар транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун жавобгарлик қонунда белгилаб қўйилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.А.Каримов

ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

2000 йил 31 август

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси,
2000 йил, 7-8 сон, 210-модда)

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади.

Ушбу қонуннинг мақсади почта алоқасини ташкил этиш, унинг фаолияти ва ривожланиши соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

2-модда. Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Почта алоқаси тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

➤ абонентлик почта жавони – турар жой биносининг кириш йўлаги (вестибюли)да, шунингдек хат-хабарлар ва даврий нашрлар етказиладиган участкада адресатларнинг ёзма хат-хабарлар ва даврий нашрларни олишлари учун ўрнатиладиган, кулфланадиган қутичалардан иборат махсус жавон;

➤ адресат – почта жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмаси, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар йўлланган юридик ёки жисмоний шахс;

➤ ёзма хат-хабарлар – оддий, буюртма ва қимматли хатлар, бандероллар, оддий ва буюртма почта варақчалари ҳамда секограммалари (кўзи ожизлар учун), шунингдек майда пакетлар;

➤ миллий оператор – почта алоқаси миллий оператори, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан зиммасига Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига универсал хизматларни мажбурий равишда кўрсатиш вазифаси юклатилган оператор;

➤ номли буюм – ҳужжатлар ва почта жўнатмаларига почта алоқаси объектининг номи, почта жўнатмаси қабул қилинган ва етказилган сана ҳамда бошқа маълумотлардан иборат тамға туширувчи қурилма;

➤ оператор – почта алоқаси оператори, яъни мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва почта

алоқаси хизматларини кўрсатиш ҳукукига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

➤ почта алоқаси – почта жўнатмалари шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш (қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш, ўтказиш) ни ва етказиб бериш (топшириш) ни таъминловчи техник ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуини ўзида мужассамлаштирган алоқа тури;

➤ почта алоқаси воситалари – почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, техника ва транспорт воситалари, шунингдек почта конвертлари, варақчалари ва идишлар;

➤ почта алоқаси объектлари – почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари, яъни почтамплар, почта алоқаси узеллари, бўлимлари ва пунктлари, шунингдек темир йўл станциялари ва аэропортлар қошидаги почта алмашиш пунктлари;

➤ почта алоқаси тармоғи – почта алоқаси объектлари ва почта йўналишлари мажмуи;

➤ почта алоқаси хизматлари – оператор ёки провайдернинг почта жўнатмаларини, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш бўйича фаолияти;

➤ почта жўнатмалари – манзили кўрсатилган ёзма хат-хабарлар, посилкалар, тўғри жўнатиловчи почта контейнерлари ва тегишлича ўровдаги босма нашрлар;

➤ почта индекси – почта алоқаси объекти манзилининг шартли белгиси;

➤ почта тўловининг давлат белгилари – почта жўнатмаларидаги почта алоқаси хизматлари ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи почта маркаси ва франкирлаш машинасининг тамға изи;

➤ почта қутиси – оддий хатлар ва почта варақчаларини йиғишга мўлжалланган, белгиланган шакл ва ўлчамдаги, оператор ёки провайдернинг қулфланадиган махсус қутиси;

➤ провайдер – почта алоқаси хизматлари провайдери, яъни фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини тижорат асосида почта алоқаси операторининг тармоғи орқали кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс;

➤ пул маблағларининг почта ўтказмаси – почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта алоқаси ва пул маблағларини жўнатишдан иборат хизмати;

➤ таянч пунктининг почта жавони – почта жўнатмаларини етказиш участкасида почта жўнатмаларини вақтинча сақлаш ёки адресат почта жўнатмаларини олиши учун мўлжалланган, қулфланадиган махсус жавон;

➤ умумий фойдаланишдаги почта алоқаси – барча юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиши учун оммавий шартнома шартлари асосида очик бўлган почта алоқасининг тури;

➤ универсал хизматлар – почта алоқасининг универсал хизматлари, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий фойдаланишдаги почта

алоқасининг ёзма хат-хабарларини жўнатиш бўйича барча фойдаланувчиларга кўрсатиладиган хизматлари;

➤ фойдаланувчи – почта алоқаси хизматидан фойдаланувчи, яъни почта алоқаси хизматларининг истеъмолчиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс;

➤ франкирлаш машинаси – ёзма хат-хабарларга почта алоқаси хизматлари учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи почта тўловининг давлат белгиларини, ушбу хат-хабарларни қабул қилиш санасини ва бошқа маълумотларни туширишга мўлжалланган машина;

➤ қимматли почта жўнатмалари – фойдаланувчи томонидан жўнатиш вақтида жойланма қиймати эълон қилинган почта жўнатмалари.

4-модда. Почта алоқаси фаолиятининг асосий принциплари.

Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

➤ ҳамма фойдаланувчилар учун очиклиги;

➤ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида почта жўнатмалари транзитининг эркинлиги;

➤ умумий фойдаланишдаги почта алоқаси фаолиятида иштирок этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқлиги;

➤ ҳар бир шахснинг ёзишмалари ва почта жўнатмалари сир тутилиши ҳуқуқини таъминлаш;

➤ почта алоқаси соҳасида стандартлар, қоидалар ва нормаларнинг ягоналиги.

5-модда. Почта алоқаси мулки.

Почта алоқасининг мол-мулки оммавий ёки хусусий бўлиши мумкин.

Почта алоқасининг мулкдорлари қонун билан кафолатланган тенг ҳуқуқларга эгадир.

6-модда. Почта алоқаси турлари.

Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси умумий фойдаланишдаги почта алоқаси ва махсус мўлжалланган почта алоқасига бўлинади.

Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси оператор ва провайдерлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси фаолиятининг ягона принциплари асосида амалга оширилади.

Махсус мўлжалланган почта алоқаси қуйидагиларга бўлинади:

➤ почта алоқаси соҳасида махсус ваколатли органнинг махсус алоқаси;

➤ давлат фельдъегерлик алоқаси;

➤ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фельдъегерлик-почта алоқаси.

Махсус мўлжалланган почта алоқасининг фаолияти қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7-модда. Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш.

Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ягона илмий-техникавий сиёсатни шакллантириш, солиқ солиш йўли билан шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади.

Почта алоқаси соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган махсус ваколатли орган (бундан буён – махсус ваколатли орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

8-модда. Махсус ваколатли орган.

Махсус ваколатли орган:

- почта алоқасини ривожлантириш миллий дастурларини амалга оширади;
- умумий фойдаланишдаги почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларини (бундан буён – почта қоидалари деб юритилади) тасдиқлайди;
- универсал хизматлар тарифини тартибга солади;
- почта алоқасининг техник воситаларини белгиланган талабларга мувофиқлигига доир сертификатлаштириш ишларини ташкил этади;
- давлат почта тўлов белгиларининг намуналарини тасдиқлайди ва уларни нашр этиш, муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш тартибини белгилайди;
- операторлар ва провайдерлар учун мажбурий бўлган почта индексларини, ёзма хат-хабарларнинг олиб кетиш даврийлиги нормативларини, шунингдек почта жўнатмалари ўтишининг назорат муддатларини тасдиқлайди;
- почта алоқаси тармоқлари ва хизматларини ривожлантириш, шунингдек почта ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича оператор ва провайдерларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;
- кўрсатилаётган хизматлар сифатини назорат қилади, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини қараб чиқади;
- кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;
- ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Универсал хизматлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида универсал хизматлар миллий оператор томонидан кўрсатилади.

Универсал хизматларни кўрсатиш қоидалари ва уларнинг сифатига бўлган талаблар махсус ваколатли орган томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

10-модда. Почта алоқаси хизматлари учун тўлов.

Почта алоқаси хизматлари учун тўлов, оператор ёки провайдер томонидан шартнома асосида белгилаб қўйиладиган тарифлар бўйича аниқланади, универсал хизматлар бундан мустасно.

Универсал хизматлар учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланувчи тариф асосида аниқланади.

Ёзма хат-хабар жўнатганлик учун тўлов ёзма хат-хабарга почта тўловининг давлат белгисини тушириш орқали тасдиқланади.

11-модда. Ёзишмалар ва почта жўнатмалари сирини.

Ёзишмалар ва почта жўнатмалари сирини сақлаш мақсадида оператор ва провайдерларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, қуйидагилар таъқиқланади:

- жўнатувчининг ёки адресатнинг қонуний вакилидан бошқа учинчи шахсга почта жўнатмалари ва фойдаланувчиларнинг манзиллари ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш;
- почта жўнатмасини очиш ёки очмасдан унинг жойланмасига доир маълумотларни билиб олиш;
- почта жўнатмаларининг жойланмасидан бошқа шахсни хабардор қилиш.

12-модда. Оператор ва провайдерларнинг ҳуқуқлари.

Оператор ва провайдерлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини ва шартнома асосидаги бошқа хизматларини кўрсатиш;
- фойдаланувчи почта қоидаларида белгиланган талабларни бузган тақдирда унга почта алоқаси хизматлари кўрсатишни тўхтатиб қўйиш;
- халқаро почта алоқаси хизматларини кўрсатганлик учун чет эл мамлакатларининг почта маъмурлари ва операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш;
- ўз белгисига эга бўлиш ва ундан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятида фойдаланиш.

Операторлар ва провайдерлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

13-модда. Миллий операторнинг мутлоқ ҳуқуқлари.

Миллий оператор қуйидаги мутлоқ ҳуқуқларга эга:

- почта вагонлари ва почта кутиларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирини тушириш;
- бошқа давлатларнинг почта маъмурлари билан почта алоқаси соҳасидаги ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

➤ оддий хатлар ва почта варақачаларини жўнатиш, давлат пенсия ва нафақаларини етказиб бериш (топшириш) бўйича хизматлар кўрсатиш.

14-модда. Оператор ва провайдерларнинг мажбуриятлари.

Оператор ва провайдерлар қуйидагиларга мажбурдир:

➤ почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни почта қоидаларига мувофиқ амалга ошириш;

➤ фойдаланувчиларнинг почта алоқаси хизматларидан эркин фойдалана олишини таъминлаш;

➤ почта алоқаси кўрсатаётган хизматлар сифатли бўлишини таъминлаш;

➤ почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутлигини таъминлаш;

➤ почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган технологик ускуналар, механизациялаштириш, автоматлаштириш ва ахборотлаштириш воситаларига эга бўлиш;

➤ фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек почта алоқаси хизматлари тарифларининг ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этиш;

➤ почта алоқаси хизматларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун фойдаланувчиларга етказилган зарарларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаш.

Оператор ва провайдерлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Оператор ва провайдерларнинг ўз мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлиги.

Оператор ва провайдерлар почта орқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганлик учун фойдаланувчилар олдида қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Оператор ва провайдерларнинг жавобгарлиги почта жўнатмаларини йўқотиш, бузиш (шикастлаш), жойланмаларнинг кам чиқиши, почта жўнатмаларини етказиб бермаслик (топширмаслик) ёки пул маблағларининг почта ўтказмаларини амалга оширишнинг назорат муддатларини бузиш ҳамда почта алоқаси хизматларини кўрсатишнинг белгиланган талаблари бошқача тарзда бузилган ҳолларда юзага келади.

Почта алоқаси хизматларини кўрсатишда фойдаланувчиларга етказилган зарарлар оператор ёки провайдер томонидан қуйидаги миқдорлар тўланади:

➤ почта жўнатмалари: буюртма хат, буюртма почта варақачаси, буюртма бандерол ёки почта жўнатмасини топширганлик тўғрисидаги буюртма хабар қоғози йўқотилган ҳолларда – почта алоқаси хизматларига тўланган сумма миқдорида неустойка; посылка, қимматли бандерол ёки қимматли хат учун – эълон қилинган қийматнинг икки баробари ва почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдори неустойка (эълон қилинган қиймат учун тариф тўлови бундан мустасно);

➤ қимматли почта жўнатмасини жойланма рўйхати билан жўнатганда жойланмаган бир қисми етишмаган ёки бузилган (шикастланган) ҳолларда-жўнатувчи рўйхатга кўрсатган жойланманинг етишмаётган ёки бузилган (шикастланган) қисми эълон қилинган қийматининг икки баробари миқдорида;

➤ қимматли почта жўнатмасини жойланма рўйхатисиз жўнатганда жойланманинг бир қисми йўқолган ёки бузилган (шикастланган) ҳолларда-жойланманинг етишмаётган ёки бузилган (шикастланган) қисмининг юборилган жойланма оғирлигига (почта жўнатмаси устки ўрамини истисно этганда) нисбати билан мутаносиб тарзда аниқланадиган почта жўнатмаси қиймати эълон қилинган қисмининг икки баробари миқдорида;

➤ адресатга пул маблағларининг почта ёки телеграф ўтказмаси тўланмаганда ёки нотўғри тўланганда, агар ўтказилган пулларни адресатга беришнинг имкони бўлмай, у жўнатувчига ҳам тўланмаган бўлса - ўтказманинг тўланмаган қисми суммаси миқдорида ҳамда почта алоқаси хизматларига тўланган сумма миқдорида неустойка;

➤ адресатдан устама тўлов миқдорини етарлича олмаган ёки устама тўловни нотўғри тўлаганда – кам олинган ёки нотўғри тўлаган устама тўлов суммаси миқдорида;

➤ посилкалар қимматли хатлар, қимматли бандероллар, шунингдек пул маблағларининг почта ва телеграф ўтказмаларини белгиланган муддатлардан кўпроқ ушлаб қолган ҳолларда – ушланиб қолинган ҳар бир кун учун почта хизматларига тўланган сумманинг бир фоизи миқдорида, лекин ушбу хизматга тўланган суммадан кўп бўлмаган миқдорда неустойка. Зарарлар жўнатувчиларнинг ёки адресатларнинг талабига биноан тўланади;

➤ авиажўнатмаларни (бандерол, посилкаларни) жўнатиш ёки етказиб бериш (топшириш)нинг белгиланган муддатларидан кўпроқ ушлаб қолган ҳолларда – авиа ва ер усти транспортида жўнатиш ўртасидаги тўлов фарқи миқдорида ва бундан ташқари ер усти транспорти орқали жўнатишнинг белгиланган муддатларидан кўпроқ ушланганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун – ушбу модда иккинчи қисмининг еттинчи хатбошисига мувофиқ;

➤ соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар, авиа ва ер усти транспорти йўл чипталари солинган қийматли хатларни жўнатиш ёки етказиб бериш (топшириш)нинг белгиланган муддатларидан кечикканлиги туфайли улардан фойдаланиш муддатлари ўтиб кетган ҳолларда-етказилган зарарнинг икки баробари миқдорида, лекин жойланма рўйхатида эълон қилинган қийматнинг икки баробаридан кўп бўлмаган миқдорда ҳамда почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдорида неустойка.

Почта жўнатмаларининг йўқолиши, бузилиши (шикастланиши), етказиб берилмагани (топширилмагани) ёки уларнинг жўнатилиши назорат муддатида кечиккани етказиб бўлмас куч ёки почта жўнатмаси жойланмасининг хусусиятлари туфайли содир бўлганлиги исботланса, оператор ва провайдерлар жавобгар бўлмайдилар.

16-модда. Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари.

Фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида умумий фойдаланишдаги почта алоқаси хизматларидан фойдаланиш;
- ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари почта қоидалари, кўрсатилаётган хизматлар ва уларга доир тарифлар ҳақидаги ахборотлардан эркин фойдалана олиш;
- ўз почта манзили бўйича, йўқлаб олиш тарзида ёки абонентлик почта жавони кутиларидан фойдаланган ҳолда почта жўнатмаларини ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини олиш;
- келган почта жўнатмалари ёки пул маблағларининг почта ўтказмаларини олишдан бош тортиш;
- қиймати эълон қилинган почта жўнатмаси жойланмасининг баҳосини мустақил равишда белгилаш;
- оператор ва провайдерлар томонидан ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатилиши;
- хизмат кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада сифатли хизмат кўрсатилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг тўланиши, маънавий зиённинг қопланишига эришиш;
- ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш.

Фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

17-модда. Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари.

Фойдаланувчилар қуйидагиларга мажбурдирлар:

- почта қоидалари талабларига риоя этиш;
- ўзларига кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш;
- оператор ва провайдерларнинг иш сифати пасайишига қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслик.

Фойдаланувчилар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Даъволарни тақдим этиш тартиби ва муддати.

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда фойдаланувчи оператор ёки провайдерга даъво тақдим этиши, шу жумладан етказилган зарар қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Почта жўнатмасини етказмаганлик (топширмаганлик), ўз вақтида етказмаганлик ёки йўқотганлик (шикастланганлик) ёхуд ўтказилган пул маблағларини тўламаганлик тўғрисидаги даъволар почта жўнатмаси ёки пул маблағларининг почта ўтказмаси топширилган кундан эътиборан ўн икки ой давомида тақдим этилади.

Даъволар ёзма тарзда баён этилади ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Даъволарга ёзма жавоблар қуйидаги муддатларда берилиши керак:

➤ бир аҳоли пункти доирасида юборилган (ўтказилган) почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмасига доир даъволарга – беш кун давомида;

➤ бошқа барча почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмасига доир даъволарга – беш кун давомида;

➤ бошқа барча почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмасига доир даъволарга – бир ой давомида.

Оператор ёки провайдерларга почта жўнатмаси қабул қилинган манзил бўйича ҳам, почта жўнатмаси юборилиши белгиланган манзил бўйича ҳам даъволар тақдим этилиши мумкин.

Халқаро почта жўнатмаларини қидириб топиш бўйича даъволар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларида назарда тутилган тартиб ва муддатларда қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

19-модда. Почта алоқасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Почта алоқаси давлат томонидан қуйидаги йўллар билан қўллаб-қувватланиши мумкин:

➤ почта алоқаси ва унинг инфратузилмасини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилиш;

➤ почта алоқасининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий техникавий ёрдам бериш;

➤ белгиланган тартибда солиққа доир ва бошқа имтиёзлар бериш.

20-модда. Почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта таъмирлаш.

Почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта таъмирлаш уларнинг мулкдорлари (эгалари) томонидан ўз маблағлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳарлар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктлари, турар жой даҳалари ва мажмуалари, алоҳида бинолар ва иншоотлар лойиҳалаштирилаётган ҳамда ривожлантирилаётганда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгиланган нормативларга мувофиқ почта алоқаси объектларини жойлаштириш учун бинолар қурилишини ёки алоҳида хоналар бўлишини назарда тутишлари керак.

Почта алоқаси объектларини автомобил ва темир йўл вокзаллари, аэропортлар, бозорлар ва меҳмонхоналарда жойлаштириш тартибда амалга оширилади.

Автомобил, темир йўл вокзаллари, аэропортлар қошида почта алоқаси объектларининг бинолари ва иншоотлари қурилиши учун ер участкалари бевосита уларга яқин жойлардан ажратилиши, шаҳарларда почтамптлар қурилиши учун эса-шаҳарнинг марказий қисмидан, почта алмашинуви учун шароитлар таъминланган ҳолда ажратилиши керак.

Аҳоли пункларида ва айрим биноларни янгидан қуриш, кенгайтириш, қайта таъмирлаш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш туфайли почта алоқаси объектларини кўчириш (қайта қуриш) буюртмачи томонидан ўз маблағлари ҳисобига, оператор ёки провайдерларнинг техник шартлари бўйича амалга оширилади.

Почта кутилари фойдаланувчилар учун ҳамда хат ва varaқчаларини олиб кетиш учун қулай бўлган ерларга жойлаштирилиши керак.

Абонентлик почта жавонлари қурилиш ташкилотлари томонидан кўп қаватли биноларнинг биринчи қаватларига ўрнатилади. Абонентлик почта жавонларини харид қилиш ва ўрнатиш харажатлари ушбу уйларнинг қурилиш сметаларига киритилади. Абонентлик почта жавонларини соз ҳолда сақлаб туриш таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари томонидан, уйларнинг эгалари ёки мулкдорлари билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Кўп қаватли биноларга жойлашган ташкилотларга почта жўнатмалари шу ташкилотлар томонидан биноларнинг биринчи қаватларига ўрнатилган таянч пунктларининг почта жавонлари орқали етказиб берилади. Жавонларни ўрнатиш ва соз ҳолда сақлаб туриш почта жўнатмаларини олувчилар томонидан амалга оширилади.

21-модда. Почта алоқасининг транспорт воситаларидан фойдаланиш.

Оператор ва провайдерлар почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун ўзларига тегишли бўлган транспорт-почта вагонлари, автомобиллардан, шунингдек шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспортдан фойдаланади.

Оператор ва провайдерлар почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус фарқлаш белгиларига эга бўлиши мумкин.

Оператор ва провайдерларнинг почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари уларнинг розилигисиз бошқа ишларни бажариш учун фойдаланилиши ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчи ҳамда юкларни мунтазам ташувчи темир йўл, ҳаво ва автомобил транспортининг хўжалик юритувчи субъектлари оператор ва провайдерлар билан почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш юзасидан шартномалар тузишни рад этишга ҳақли эмаслар.

Оператор ва провайдерларнинг почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва бошқа аҳоли пунктларининг барча кўчалари бўйлаб, автомобил йўлларида ҳеч қандай чекланишсиз юриш ҳамда автомобил, темир йўл вокзаллари ва аэропортлар қошида жойлашган почта алоқаси объектларига, юк (багаж) мажмуаларига кириш ҳуқуқига эга.

22-модда. Почта жўнатмалари ва пул маблағлари бутлигини таъминлаш.

Оператор ва провайдерлар почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутунлигини таъминлайдилар.

Операторлар билан провайдерлар ўртасидаги почта жўнатмалари ва пул маблағларини қабул қилиш ва топшириш почта қоидаларига белгиланган тартибда, бериладиган ва қабул қилинадиган почта жўнатмалари ҳамда пул маблағларининг ҳужжатлаштириб қайд этилиши таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Почта жўнатмалари ва пул маблағлари ташиладиган транспорт воситалари белгиланган норма ва қоидаларга мувофиқ жиҳозланган бўлиши керак.

Почта жўнатмаларига ишлов бериладиган ва пул маблағлари сақланадиган бинолар, хоналар зарур асбоб-ускуналар, қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Қимматли почта жўнатмалари суғурталаниши шарт. Қимматли почта жўнатмаларини суғурталаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

23-модда. Почта алоқаси хизматлари кўрсатишнинг алоҳида шартлари.

Почта жўнатмасини ёки ўтказилган пул маблағларини фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотлар аниқ эмаслиги ёки йўқлиги, адресатнинг кўчиб кетганлиги туфайли етказиш (топшириш) имкони бўлмаса ёки оператор ва провайдерлар почта алоқаси хизматларини кўрсатиш шартномасидаги ўз мажбуриятларини бажара олиш имкониятини истисно этадиган бошқа ҳолатларда улар жўнатувчига почта қоидаларида белгиланган муддатларда қайтарилади. Жўнатувчи қайтарилган почта жўнатмаси ёки қайтарилган маблағларини олишдан бош тортган тақдирда, улар оператор ёки провайдер томонидан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинади.

Агар фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотларнинг йўқлиги туфайли етказилмаган (топширилмаган) почта жўнатмалари ёки пул маблағларини жўнатувчига қайтаришнинг ҳам имкони бўлмай қолса, улар оператор ёки провайдер томонидан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинади.

Тарқатилмай қолган почта жўнатмалари ва талаб қилиб олинмаган пул маблағлари билан ишлаш тартиби почта қоидалари билан белгиланади.

24-модда. Топширилмай қолган почта жўнатмаларидан фойдаланиш тартиби.

Топширилмай қолган почта жўнатмаларини вақтинчалик сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оператор ёки провайдер томонидан олти ой давомида амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддат ўтганидан сўнг:

- пуллар давлат бюджети фойдасига ўтказилади;

➤ қимматли қоғозлар фонд биржаси орқали, қиммат-баҳо металллар, бошқа буюмлар савдо тармоқлари орқали сотилади, тушган маблағлар эса оператор ёки провайдерларнинг харажатлари қопланганидан сўнг давлат бюджети фойдасига ўтказилади;

➤ ҳужжатлар (паспорт, диплом, шаҳодатнома, гувоҳнома ва бошқалар) ким томонидан берилган бўлса, шу корхона, муассаса ва ташкилотларга топширилади;

➤ хатлар тегишли далолатнома тузиб, йўқ қилиб ташланади.

Олувчисини, жўнатувчисини қидиришнинг иложи бўлмаганда, торширилмай қолган пул маблағларининг почта ўтказмалари почта алоқаси оператори томонидан ўн саккиз ой давомида сақланади, шундан сўнг пул маблағлари маҳаллий бюджет фойдасига ўтказилади.

25-модда. Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси тармоғи орқали почта жўнатмаларини юборишдаги чекловлар.

Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси тармоғи орқали почта жўнатмалари юборишда чекловлар белгиланиши мумкин бўлиб, уларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Оператор ва провайдерлар жўнатиши таъқиқланган жойланмаси бор почта жўнатмаларини ушлаб қолиш, шунингдек жойланмаси бошқа почта жўнатмаларининг бузилиши (шикастланиши)га олиб келувчи, оператор ва провайдерлар хизматчилари ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавф солинадиган (бу хавфни бошқа йўл билан бартараф этиб бўлмайдиган) ҳолларда, почта жўнатмаларини йўқ қилиб ташлаш ёки йўқ қилиб ташлашга рухсат бериш ҳуқуқига эгадир.

Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси тармоқлари орқали жўнатиш таъқиқланган буюм, ашё ва материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида юборилаётган почта жўнатмаларидан олиб қўйиш, шунингдек уларни йўқ қилиб ташлаш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида фаолият юритадиган юридик шахслардан жойланмаси давлат сирига тааллуқли бўлган маълумотлар ва буюмлар, Ўзбекистон Республикаси пул белгилари, чет эл валютасидан иборат почта жўнатмаларини қабул қилиш, шунингдек уларни ташиш ва етказиб бериш махсус мўлжалланган почта алоқаси корхонаси томонидан амалга оширилади.

26-модда. Фавқулодда ҳолатларда почта алоқаси хизматлари кўрсатиш.

Фавқулодда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқаларда) почта алоқаси хизматлари кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган.

27-модда. Почта объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этиш.

Почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф қилиш уларнинг мулкдорлари (эгалари) томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этишда операторлар кўмаклашадилар.

Почта алоқаси объектларида юридик ва жисмоний шахсларнинг айби билан рўй берган ҳодисалар оқибаотида оператор ёки провайдерларга етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

28-модда. Миллий оператор хизматчисининг формали қийими ва кўкрак нишони.

Миллий оператор хизматчиси ўз хизматчиси ўз хизмат вазифаларини бажариш учун формали қийим ва кўкрак нишони билан таъминланади.

Формали қийим ва кўкрак нишонини тасдиқлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

29-модда. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишдаги имтиёзлар.

Қонун ҳужжатларида фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари учун почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда белгиланган имтиёзлар берилиши муносабати билан оператор ёки провайдерларнинг маблағларини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда ускуналар белгиланиши мумкин. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда тоифаларининг рўйхати ҳамда бу хизматларни кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Низомларни ҳал этиш.

Операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчилар ўртасида юзага келадиган низомлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31-модда. Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.А.Каримов

Вазирлар маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш

ҚОИДАЛАРИ

1. Умумий қоидалар
2. Атамалар ва таърифлар
3. Газ сотиш тартиби
4. Истеъмолчиларга газ етказиб бериш
5. Газ сарфини ҳисобга олиш ва газ учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби
6. Газ етказиб берувчиларнинг, газ узатиш ташкилоти ва ҳудудий газ таъминоти корхоналари ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
7. Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур фойдалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва газ етказиб берувчилар, газ узатиш ва ҳудудий газ таъминоти корхоналари ҳамда газ истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

2. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

2.1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:
«газ» - конлардан қазиб олинган, нефть ва газ (қўшимча), газ ва нефтни қайта ишловчи корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган газ;

«газ етказиб берувчи» - газ таъминоти ташкилотларига ёки истеъмолчиларга газ етказиб берилишини таъминловчи газ ва нефть қазиб олувчи ҳамда газ ва нефтни қайта ишловчи корхоналар;

«газ узатувчи ташкилот» - газ етказиб берувчидан газ харид қилувчи ва уни қазиб олиш жойидан ва/ёки қайта ишлаш жойидан тақсимлаш ва истеъмол пунктларига узатувчи ташкилот; (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарорига мувофиқ бешинчи хат боши чиқариб ташланган.

«газ сотувчи ташкилот» - газнинг истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминловчи ташкилот;

«ҳудудий газ таъминоти корхонаси» - газнинг истеъмолчиларга тақсимланишини, узатилишини ва истеъмолчиларга газ етказиб берилишини таъминловчи ташкилот; (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

«истеъмолчи» - корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, табиий газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланувчи жисмоний шахслар ҳамда аҳоли;

«мавсумий истеъмолчи» - табиий газдан йилнинг муайян даврида (апрель-октябрь) ёқилғи сифатида фойдаланувчи истеъмолчилар;

«фонд сақловчи» - вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва ҳокимликлар;

«ҳисоб-китоб даври» - газ сарфи аниқланиши, етказиб берилган газ учун етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилиши керак бўлган давр. Томонлар келишиб олган ҳисоб-китоб давр шартномада кўрсатилади;

«газ истеъмолчи брони» - захира ёқилғи турларидан энг кўп даражада фойдаланиш шартлари билан технологик асбоб-ускуналарининг ҳалокатсиз ишлаши учун зарур бўлган газ истеъмол қилишнинг бир кеча-кундузлик энг кам ҳажми, у ҳар бир аниқ ҳолатда истеъмолчи томонидан «Ўзбекнефтгаз» компанияси билан келишган ҳолда аниқланади;

«газ етказиб беришнинг бир кеча-кундузлик ўртача нормаси» - газ етказиб беришнинг бир ойлик ҳажмини тегишли ой кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланадиган газ етказиб бериш ҳажми.

3. ГАЗ СОТИШ ТАРТИБИ

3.1. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси истеъмолчиларнинг буюртманомаларини ҳисобга олган ҳолда келгуси йилга республика бўйича газ балансини тузади ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади. (ЎЗР ВМ 28.02.2003 й. 112-сон Қарори тахриридаги хат боши)

Келгуси йилга республика бўйича газ баланси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади. (ЎЗР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарор тахриридаги хат боши)

3.2. Келгуси йилга республика бўйича тасдиқланган газ балансига мувофиқ «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси минтақалар бўйича истеъмолчиларга газ етказиб беришнинг йиллик ва чораклик ҳажмларини тақсимлайди ҳамда газ етказиб беришнинг белгиланган ҳажмларини газ етказиб берувчилар, ҳудудий газ таъминоти корхоналари ва фонд сақловчи ташкилотларга етказади. (ЎЗР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори тахриридаги банд)

3.3. Фонд сақловчилар 10 кун ичида газ етказиб беришнинг ажратилган ҳажмларини газда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар бўйича тақсимлайдилар ҳамда разнарядкани газ узатиш ташкилотларига ва ҳудудий газ таъминоти корхоналарига юборадилар (ЎЗР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори тахриридаги банд)

3.4. Қуйидаги истеъмолчилар газ етказиб беришда устунликка эга бўладилар:

- аҳоли;
- соғлиқни сақлаш ва халқ таълими корхоналари, шунингдек буғқозонлар – иссиқлик энергиясига эhtiёжни таъминлайдиган ҳажмларда;
- «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорига 4-иловага мувофиқ корхоналари; (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори тахриридаги хат боши)
- газ учун ҳақ тўлаш бўйича қарзи бўлмаган ва жорий (шартномавий) тўловлар бўйича олдиндан ҳақини тўлаш шартлари билан шартнома тузганлар.

4. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ

4.1. Ёқилғи (хом ашё) сифатида табиий газдан фойдаланиш (корхонани газ билан таъминлаш тизимига улаш) учун истеъмолчи (аҳоли бундан мустасно) Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 декабрдаги 587-сон қарорига мувофиқ тартибда бериладиган рухсатнома (газдан фойдаланишнинг ёқилғи режими)га эга бўлиши керак.

Ижтимоий соҳа объектлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига (ипак қурти боқиш ва хусусий уйлар ҳовлисидаги иссиқхоналар ҳамда овқат тайёрлаш учун) газдан фойдаланиш учун рухсатнома тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан минтақа учун белгиланган лимитлар доирасида берилади. (ЎзР ВМ 20.03.2002 й. 90-сон Қарори тахриридаги хат боши)

ЎзР ВМ 20.03.2002 й. 90-сон Қарорига мувофиқ иккинчи хат учинчи хат боши деб ҳисоблансин

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланиш учун берилган рухсатнома тегишли равишда янгидан қурилаётган, кенгайтирилаётган, реконструкция қилинаётган ва фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш объектларини ёки ижтимоий соҳа объектлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини (ипак қурти боқиш ва хусусий уйлар ҳовлисидаги иссиқхоналар ҳамда овқат тайёрлаш учун) газ билан таъминлашни лойиҳалаш учун асос ҳисобланади. (ЎзР ВМ 20.03.2002 й. 90-сон Қарори тахриридаги хат боши)

4.2. Газдан фойдаланиш (корхонани газ билан таъминлаш тизимига улаш) учун рухсатнома олингунига қадар юридик шахслар, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар газ тармоқлари эгалари билан тақдим этилган ҳисоб-китобларга мувофиқ уларга табиий газ етказиб беришнинг техник имкониятини келишиб оладилар.

Газ тармоқлари эгаларидан олинган ижобий хулоса зарур ҳисоб-китоблар билан бирга «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компаниясига

юборилади, у кўрсатиб ўтилган хужжатларни олиши билан, табиий газ захираларидан келиб чиққан ҳолда, юридик шахсларни ва юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан; шуғулланаётган жисмоний шахсларни газ билан таъминлашнинг имконият ва шартларини кўриб чиқади ва имконияти бўлган тақдирда ўз таклифларини табиий газдан (ёқилғи режимидан) фойдаланиш ҳуқуқини олишга рухсатнома бериш учун Вазирлар Маҳкамасига юборади.

4.3. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан истеъмолчиларга газ:

➤ «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри уланган истеъмолчиларга - тўғридан-тўғри шартномалар бўйича газ қувурларининг бўлиниш чегарасида ўрнатилган газ ҳисоблаш приборлари бўйича; (ЎзР ВМ 20.03.2002 й. 90-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

➤ ЎзР ВМ 20.03.2002 й. 90-сон Қарорига мувофиқ 4.3-банднинг учинчи хат бошиси чиқариб ташланган;

➤ «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри уланмайдиган истеъмолчиларга – Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг табиий газ узатувчи хўжалик ҳисобидаги «Бошкоммунагаз» бош бошқармасининг газ тармоқлари орқали, истеъмолчилар, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ва хўжалик ҳисобидаги «Бошкоммунагаз» бош бошқармасининг газ сотувчи ташкилотлари ўртасидаги уч томонлама шартномалар асосида;

➤ ҳудудий газ таъминоти корхоналарига магистрал газ қувурлари ва тармоқларининг бўлиниш чегарасида хўжалик ҳисобидаги газ сарфини ҳисоблаш приборлари бўйича уни кейинчалик «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ тармоқларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган истеъмолчиларга ҳамда чакана истеъмолчиларга (аҳолига) сотиш учун етказиб берилади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг).

4.4. Газ етказиб беришнинг барча шартлари шартномаларда назарда тутилади.

4.5. Республика минтақалари бўйича газ етказиб беришнинг ойлик ҳажмлари ажратилган лимитларни ҳисобга олган ҳолда газ узатиш тизимининг техник имкониятларидан келиб чиқиб газ узатиш ташкилоти билан келишган ҳолда ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан белгиланади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

4.6. Фонд сақловчиларнинг буюртномаларига кўра «Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компанияси ҳудудий газ таъминоти корхонаси билан келишган ҳолда бир тармоқ истеъмолчилари ўртасида газ етказиб бериш ҳажмлари қайта тақсимланишига рухсат этади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

4.7. Газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти ва ҳудудий газ таъминоти корхоналари газ етказиб беришга, истеъмолчи эса ўртача суткалик меъёрлар доирасида ой давомида бир маромда, истеъмолчининг суткалик

меъёрлар доирасида ой давомида бир маромда, истеъмолчининг суткалик меъеридан воз кечиш зарурати бўлган ҳолларда – томонлар ўртасидаги диспетчерлик жадваллари бўйича газ олишга мажбурдир. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

4.8. Худудий газ таъминоти корхоналари ва истеъмолчилар томонидан газ узатиш ташкилоти билан дастлабки келишувсиз келишилган суткалик ҳажмлардан ортиқ газ олинганда, ҳарорат режими бўйича ишлайдиган иситиш буғқозонлари, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорига 4-иловага мувофиқ корхоналари ва аҳоли бундан мустасно: (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

– иситиш мавсумида умуман ҳисоб-китоб ойида газнинг ортиқча сарфланишига йўл қўйилиши ёки йўл қўйилмаслигидан қатъи назар, газнинг ҳар суткалик ортиқча сарфланган ҳажми учун оширилган 6,0 коэффицент билан;

– иситилмайдиган мавсумда умуман ҳисоб-китоб ойида ортиқча сарфланган газ учун оширилган 6,0 коэффицент билан ҳақ тўланади.

4.9. Коммунал-маиший истеъмолчилар томонидан, ҳарорат режими бўйича ишлайдиган иситиш буғқозонларидан ташқари, газ узатиш ташкилотлари ва худудий газ таъминоти корхоналари билан дастлабки келишувсиз келишилган ойлик ҳажмларидан ортиқча сарфланган газ учун оширилган 6,0 коэффицент билан ҳақ тўланишига олиб келади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

Худудий газ таъминоти корхоналари рухсатсиз иситилмайдиган мавсумда газдан иситиш учун фойдаланаётган саноат истеъмолчилари ва коммунал-маиший истеъмолчилар сарфланган жами газ ҳажми учун уларга оширилган 6,0 коэффицент билан ҳақ тўлайдилар. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

4.10. Худудий газ таъминоти корхоналари газ тақсимлаш станциясидан чиқиш жойида газ босимини шартномада назарда тутилган миқдорда сақлаб туради. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

4.11. Совуқ тушган даврда аҳолини ва коммунал-маиший истеъмолчиларни газ билан узлуксиз таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан «Ўзгазнефтозорат» инспекцияси, газ етказиб берувчилар, газ узатиш ташкилоти ва худудий газ таъминоти корхонаси ҳамда истеъмолчилар иштирокида корхоналарни ёқилғининг захира турларига ўтказиш жадваллари тузилади, жадваллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

Тасдиқланган жадваллар барча манфаатдор ташкилотларга жўнатилади. Жадваллар газ етказиб беришнинг режалаштирилган ҳажмлари аҳоли ва коммунал-маиший истеъмолчиларнинг меъерий газ истеъмолчини таъминламаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсати билан худудий газ таъминоти корхонаси томонидан амалга

киритилади. Жадвалга киритилган корхоналар ва ташкилотлар ёқилғининг камаймайдиган захирасига эга бўлиши ва совуқ тушган даврда ундан фойдаланишга ўтиши керак. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

4.12. Иситиш мавсуми бошланганда мавсумий истеъмолчилар газ таъминоти тизимидан узиб қўйилади.

4.13. Худудий газ таъминоти корхонаси тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истеъмолчиларга газ билан таъминлаш жадвалини ва авария пайтида магистрал газ қувурларининг технологик иш тартиби бузилган тақдирда уларни газ тармоқларидан қисман ёки тўлиқ узиш навбатини тасдиқлайдилар. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

Тасдиқланган жадваллар барча манфаатдор ташкилотларга жўнатилади ва худудий газ таъминоти корхоналари томонидан амалга киритилади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

4.14. Газ қазиб олиш, уни қайта ишлаш, узатиш ва истеъмол қилишнинг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компаниясининг газ қазиб олиш, узатиш, газ етказиб бериш ва истеъмол қилиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмалари газ етказиб берувчилар, газ узатиш ташкилоти ва худудий газ таъминоти корхонаси томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

4.15. Газ етказиб берувчилар, газ таъминоти ташкилоти, худудий газ таъминоти корхонаси ва истеъмолчилар газ берилганда газ конлари, газни қайта ишловчи заводлар, магистрал газ қувурлари, шунингдек турар жойларда, аҳоли яшаш пунктларида ва корхоналарда асбоб-ускуналар ва газ тармоқларининг техник хавфсизлиги ва техник фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

5. ГАЗ САРФИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Газнинг ҳисобга олмасдан етказиб берилишига йўл қўйилмайди.

5.2. Газ етказиб берувчи (газ узатиш ташкилоти) томонидан худудий газ таъминоти корхонасига ва истеъмолчига бериладиган газ миқдори истеъмолчининг ҳисобга олиш приборлари бўйича аниқланади, уларда ҳисобга олиш приборлари, бўлмаган тақдирда эса, қоидага кўра газ тармоқларининг бўлиниши чегарасида ўрнатилган газ етказиб берувчи (газ узатиш ташкилоти)нинг назорат-ўлчов приборлари бўйича аниқланади ва икки томонлама имзоланган ҳужжат билан расмийлаштирилади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

5.3. Истеъмолчидаги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз бўлганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд бўлмаганда худудий газ

таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ миқдори пломбаланган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини олиш приборлари: носоз бўлган вақтда корхона ишлаган соатлар ёки шартномада назарда тутилган бошқа усул билан аниқланади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

5.4. Аҳоли фойдаланадиган газ ҳажми аҳоли хонадонларида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари бўйича, улар бўлмаганда – тасдиқланган нормалар бўйича аниқланади.

5.5. Газ сарфини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, ишлатиш ва текшириш амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

5.6. Газ сарфини ҳисобга олиш приборларининг техник ҳолати ва уларнинг текширилиши учун балансида ушбу приборлар бўлган ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари жавоб берадилар.

5.7. Шартнома томонларидан ҳар бири иккинчи томон вакилига истеъмолчилар томонидан газдан фойдаланишни ҳисобга олиш приборларини ва ҳужжатларини текшириш имкониятини яратишга мажбурдир.

5.8. Газнинг улгуржи нархларини давлат томонидан тартибга солиш ва уларни қўллаш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5.9. Томонлар берилган – қабул қилинган газ тўғрисида ҳар ойда, ойнинг 3-кунидан кечикмай далолатнома тузадилар.

Берилган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон бу ҳақда ўзининг алоҳида фикрини далолатномада акс эттириш йўли билан иккинчи томонга маълум қилади. Келишувга эришилмаган тақдирда келишмовчилик Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида кўриб чиқилади.

5.10. Истеъмолчи фойдаланган газ учун ҳисоб-китоблар тартибда, тўлов муддати: ва шакллари газ етказиб бериш шартномасида белгиланади.

6. ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ, ГАЗ УЗАТИШ ТАШКИЛОТИ ВА ХУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги бўлим номи)

6.1. Истеъмолчиларнинг газ қурилмалари қониқарсиз, авария вазиятини келтирувчи ва хизмат кўрсатувчи ходим ҳамда аҳоли ҳаёти учун хавфли ҳолатда бўлган тақдирда газ етказиб берувчи, газдан фойдаланиш хавфсизлигини назорат қилиш органлари тақдимномасига кўра, истеъмолчини хабардор қилган ҳолда, газ етказиб беришни зудлик билан тўхтатиб қўйишга мажбурдир.

6.2. Газ узатиш ташкилоти ва ҳудудий газ таъминоти корхоналари: (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

- газ етказиб берувчи томонидан кўрсатилган вақт мобайнида форс-мажор ҳолатлари бўлганда;
- етказиб берилган газ учун ҳақ тўлаш бўйича қарз мавжуд бўлганда;

➤ газдан фойдаланишдаги камчиликлар ваколатли назорат органлари белгиланган муддатларда бартараф этилмаганда газ етказиб беришни қисман камайтириш ёки батамом тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

6.3. Газ етказиб берувчи газнинг сифати меъёрий талабларга мувофиқ бўлишини таъминлашга мажбурдир.

6.4. Газга ҳид қўйиш газ узатувчи ташкилотлар томонидан, газ ҳиди интенсивлигини назорат қилиш эса газ тармоқлари эгалари томонидан, белгиланган тартибда амалга оширилади. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

6.5. Газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти, ҳудудий газ таъминоти корхонаси ва истеъмолчи газ билан таъминлаш объектларини ишлатишнинг техник ҳолати ҳамда тезкор-диспетчерлик интизомига риоя қилиниши учун жавоб берадилар. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

6.6. Газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти, ҳудудий газ таъминоти корхонаси ва истеъмолчи объектларда газ етказиб беришни ёки қабул қилиб олишни камайтирувчи авариялар ва носозликлар тўғрисида газ етказиб бериш шартномаларида белгиланган тартибда бир-бирларини хабардор қилишга мажбурдирлар. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

6.7. Ҳудудий газ таъминоти корхонаси, газ узатиш ташкилоти талабига биноан, газдан фойдаланиш тартиби ҳамда истеъмолчиларга етказиб берилган газ учун тўловлар ҳолати тўғрисида тезкор ахборот тақдим этадилар. (ЎзР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

7. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

7.1. Газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти, ҳудудий газ таъминоти корхонаси ва истеъмолчи ушбу Қоидаларни бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар. (ЎР ВМ 08.01.2004 й. 9-сон Қарори таҳриридаги банд)

**Ўзбекистон
Республикаси
Президенти**

И.А. Каримов

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси
тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 25 ноябрда қабул қилинган.
Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган.

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- микронутриентлар – инсон организмининг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, ўрнини бошқа нарса боса олмайдиган озиқ-овқат моддалари;
- микронутриент етишмаслиги – инсон организмининг озиқ-овқат билан тушадиган микронутриентлар етарли эмаслиги сабабли касалликларнинг ривожланишига олиб келадиган ҳолати;
- бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти – ишлаб чиқарилиши жараёнида микронутриентлар билан бойитилган (фортификация қилинган) озиқ-овқат маҳсулоти;
- микронутриентлар саплементацияси – аҳолининг муайян гуруҳлари ўртасида микронутриентларнинг дори воситалари тарзида профилактик дозаларда қўлланилиши;
- аҳолининг муайян гуруҳлари – микронутриент етишмаслиги профилактикаси чора-тадбирлари амалга оширилаётган аҳоли гуруҳлари.

2-боб. Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси
соҳасининг давлат томонидан тартибга солиши

4-модда. Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси
соҳасидаги давлат сиёсатининг йўналишлари

Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

➤ Аҳолини бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

➤ Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотининг ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларнинг сифати ҳамда хавфсизлиги устидан назоратини таъминлаш;

➤ Бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқарилишини ривожлантириш;

➤ Озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмалар билан чиқарилишини қўллаб-қувватлаш;

➤ Микронутриентлар сапламентацияси;

➤ Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасига қаратилган дастурлар амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш;

➤ Микронутриент етишмаслигини аниқловчи замонавий технологияларни ва унинг профилактикаси усуллари ривожлантиришда илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

➤ Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

5-модда. Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги давлат бошқаруви

Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширади.

Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактика соҳасидаги давлат бошқаруви:

➤ давлат бошқаруви органларининг, шунингдек, бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмалар ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боришни;

➤ бойитилган озиқ-овқат маҳсулотининг ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларнинг сифати ҳамда хавфсизлиги устидан давлат назоратини амалга оширишни;

➤ бойитилган озиқ-овқат маҳсулотининг ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларнинг хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишни, ишларни ташкил этишни ва уларни бажаришни таъминлашни;

➤ профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирларни ўтказилишини ташкил этишни ўз ичига олади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;
- Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси масалалари бўйича давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳамда унга раҳбарликни амалга оширади;
- Микронутриентлар билан бойитилиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

- Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасида давлат санитария назоратини амалга оширади;
- Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- Микронутриентлар билан бойитилиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотининг ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларнинг хавфсизлигига доир мажбурий талабларга таалукли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни ташкил этади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;
- Аҳолининг микронутриентлар сапламентацияси ўтказилиши лозим бўлган муайян гуруҳларини аниқлайди;
- Озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун микронутриентларнинг нормалари ва тавсия этиладиган даражаларини ишлаб чиқади;
- Микронутриентлар сапламентациясини ташкил этади;
- Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси бўйича санитария-гигиена ва тушунтириш ишларини олиб боради;
- Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасига қаратилган дастурларнинг амалга оширилишини мониторинг қилади ва баҳолайди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

- Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги;

➤ Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига юридик шахслар томонидан риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

➤ Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларни мажбурий сертификатлаштириш бўйича ишни ташкил этади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

➤ Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

➤ Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси мақсадида тегишли давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг ҳамда бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмалар ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

➤ Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотининг ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларнинг сифати ҳамда хавфсизлигини ва уларни сақлаш шароитларини таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-БОБ. АҲОЛИ ЎРТАСИДА МИКРОНУТРИЕНТ ЕТИШМАСЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

10-модда. Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасининг турлари

Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасининг қўйидаги турлари амалга оширилади: бойитилган озиқ-овқат маҳсулотига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уни истеъмол қилишни таъминлаш; микронутриентлар саплементацияси; санитария-гигиена ва тушунтириш ишлари.

11-модда. Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларни ишлаб чиқариш

Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларни ишлаб чиқариш юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

12-модда. Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларни сертификатлаштириш

Бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

13-модда. Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларни ўраш, тамғалаш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш

Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларни ўраш, тамғалаш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14-модда. Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги реклама

Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасига қаратилган нотижорат йусиндаги реклама ахборотини текинга тайёрловчилар ва тарқатувчиларлар бойитилган озиқ-овқат маҳсулотининг рекламаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланади.

Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотининг рекламаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

15-модда. Низонларни ҳал этиш

Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

16-модда. Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

17-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

➤ Ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

18-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириш

Ушбу Қонун расмий элон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Асосий Қонун. Т.: Ўзбекистон, 1992, 45-бет.
2. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун.
3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Тошкент, Ўзбекистон, 2011. – 48 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: Ўзбекистон, 2005.
7. Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига шарҳ. Т.: «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйи, 2005, 288 б.
8. «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 25 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
9. «Стандартлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Қонун.
10. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Қонун.
11. «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонун.
12. «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги 1996 йил 29 августда қабул қилинган Қонун.
13. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги 1997 йил 3 июлда қабул қилинган Қонун.
14. «Дори воситалари ва фармоцевтика фаолияти тўғрисида»ги 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Қонун.
15. «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Қонун.
16. «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Қонун.

17. «Почта алоқалари тўғрисида»ги 2005 йил 31 августда қабул қилинган Қонуни.
18. Шодиметов К. Товар ёрлиқлари ва штрихли кодлаш. Тошкент, «Янги арс авлоди», 2005.
19. Норматиматов Р. Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш асослари. Самарқанд, СамИСИ, 2002.
20. www.bearingpoint.uz
21. www.pca.uz
22. www.logistika.ru
23. www.logistics.ru
24. www.standart.uz
25. www.standart.com
26. www.iso.com
27. www.ziyonet.uz

Самарқанд, Самарқанд
Иқтисодиёт ва сервис
институти. Институт
босмохонаси, Шоҳрух
кўчаси, 60

Буюртма № _____
Ҳажми 14,0 б.т.
Адади 30 нусхада

